— Жахонгир, жоним, эркатойим, — ялинди Нурсоч, — утинаман, бир OFHЗ гаиир. Тасаввур кдл, мен онангман. Онани ўз тилингда нима дейсан? Аями? Ая де, илтимос. Бир марта айт...

Нурсоч эркалаб упди-да, багри га босган куйи шифохона дуконига жунади. Битта машина, битта буяш дафтари харид қилди. Қайтишда яна ялинган эди, Жахонгир "ая", "аяжоним", деди заиф, касалманд товушда. Бу шивирлаш унинг гапиргани

эди. Ресторанда сал бўлмаса Оскарга барча сирларини — Самарқанддан Туркияга келганларини, жодугар кампир сувга чуктирмоқчи бўлганини, онаси йуқолганини, чулоқ кимса иоездда уни угирлаганини сўзлаб беришга бир бахя колганди, энди эса... Қўлфлар тушди оғизига.

Шифохонада етти кун ётишди. Саккизинчи кун шифокорнинг хонасидаги оқ халатлилар билан бир-бир хайрлашиб, уйга кдйтдилар. Уйда ҳам Жахонгир уч-турт сўздан боищасини тилга олмади.

Бироқ куп утмай ўзгариш юз берди. Дугоналаридан бири тушида Нурсочнинг фарзандли бўлганини кўрган эди, гуёки уйкудаги воқелик унгга айланди-қолди. Бола кун сайин Нурсочга кўринмас риштал ар ила бокланиб борарди. Бу киз онаси эмаслигини билса-да, сиймосидан онани ахтараётган эди. Утмишдаги ширин кунларни эслаб Нурсочнинг буйнига осилар, багрида эркаланиб ётар, хатто қўл ювишга кирса ҳам, то қайтиб чиккунича ванна эшиги тагида пойларди. Онасиз туролмайдиган эрка бола каби эди у. Кекса хола: "Утл қилиб ол, туққан онасидек бўлиб қолдинг", деб ҳазиллашди. Нурсоч боланинг кунглини шу даражада олдики, бир куни ваннага ҳам туширди. Сув тўлдирилган ваннани кўриб юраги ёрилгудек чинкирадиган болакай мардлик кўрсатди: шу мехрибон қиз учун чидади, урганди, кейинги кун йиглармасдан чумилди.

OFHP кунлардан сунг Жахонгир илк бор дилдан яшнаб завкланган 4OF Нурсоч секингина деди:

— Менга чулоқ одамнинг юришини кўрсатиб бер, эркатой.

Жахонгир бирдан хумрайиб, бош чайқади.

— Хеч бўлмаса, у хдкда бир огиз ҳам гапирмайсанми?

Вақт тушга яқинлашган эди. Хафсаласи пир бўлган Нурсоч ошхона сари юрди. Шу пайт:

— Лайл о, — деди болакай.

Нурсоч ортига кескин угирилди.

— Ким у Лайло? Онангми? Чулоқ кишими?.. Жахонгир, гапирсангчи!

Бола йиЕламаслик учун кўзларини мардларча пирпиратди ва ёшини кўритди-да, машинаси ёнига тиз чукди. Дарров

уйинга киришган боладан кўз ўзмай турган Нурсоч бир оз жахдланди.
— Сен аслида кимлигингни менга айтиб бера олганингда эди, бу ерларда юрмасдинг, - деди у. - Хозир кимга ишонишни билмаяпман, Жахонгир! Сенгами ёки Сусан опам ва уларнинг Россиядаги цариндошигами? Тушунаман, ёшинг учда, нари борса туртдадир! Лекин хозир ўзингга ўзингдан бошқа хеч 3OF ёрдам беролмайди! Менинг отам фалончи, онам писмадончи, биз фалон жойданмиз, бошимизга шунақа- шунакд ташвиш тушди, деганингда эди, мен уйлаб кўрардим, хулоса чиқарардим. Сени яширишим керакми ё бугуноқ милицияга топширганим маъқўлми? Бу масала хал бўларди, Жахонгир! Биз хозир кўрмиз, кармиз! Россиялик одамга бериб юборсак сени кущарган бўламизми, ўлдирган бўламизми, мен Ҳам, Сусан опам ҳам билмаймиз! Билмаймиз! Билмаймиз!
Нурсоч газаб тугёнини жиловлаб деворга суянди.
— Кечир, — деди бирпас утгач. — Сен гапирмасанг, мен таваккал кдлолмайман.
— Онам, — деди нихоят Жахонгир.
Нурсоч чопиб бориб, бола қаршисида тиз чукди. Буюк кашфиёт кдпгандек кўзлари севинчдан порлади.
— Менга қара, демақ онангнинг исми Лайло! — шошиб суради у.
-Ха.
— Кдерда яшайди?
— Шамайканда.
— Нима у Шамайкан? Шахарми?
Жахонгир боши билан тасдиклади.
— Канала шахар?
Жахонгир кўл очини кенг ёзди.
— Каттами?
— Катта.
— Ўзбекистондами?
Жахонгир ватан номини эшитиб, энтикди. Шу билан бирга ёдига Туркия тушиб, "Биз Ўзбекистондан Туркияга самолётда учдик", деб гавголарнинг бошланишини хикоя қилишни

хохлади, лекин истак шу захотиёқ сунди. Кисқа қилиб:

— Туйкия, — деди. Бир вақтлар "Тулкия" деб талаффўз этганида онаси хатосини тугрилаганини ҳам эслади. — Менинг онам...

— Сен Туркияданмисан ё Ўзбекистондан? Гапларимга тулиқ тушунаяпсанми, Жахонгир? Туркия бошқа мамлакат, Ўзбекистон бошқа. Айтмоқчисанки, сен Шамайкан шахридансан. Шамайкан деб, масалан, мен эшитмаганман. Назаримда,'сен шахар номини бўзиб талаффўз қилаяпсан. Яна бирор жойни айтоласанми? Сен яшайдиган уша шахарда нима бор? Зур жойни айт-чи! Балки мен ҳам боргандирман уша зур жойга.

Болакай уйинчогига чалгигандек бўлди, аммо у уйлаётган эди. Куп куттирмай деди:

— Шабистон.

— Нимаистон?

— Шабистон, — аниқ ва лунда жавоб берди болакай.

Нурсоч юмалоқ сирнинг пустини арчиётган эди.

Мусофирдан жинча харакат, қиздан эса бир оз зехн талаб этиларди, шу билан жумбоқ ечиларди-куярди.

— Бу гал чучук тилда гапирмадииг, — деди Нурсоч болакайнинг елкасидан тутиб. — Агар билсанг, мен логопедман, тилинг бир оз чучуклигини айтмаса, умуман дудукданмаяпсан, муаммо йуқ, лекин... лекин, биласанми, менга бегона мамлакатнинг кичик нуқтасини гапираяпсан... Майли, хафа бўлма, мен харитага қарайман... Йуқ, харита иш бермайди, "Яндекс"дан ахтараман.

Шу пайт телефон жиринглади. Хаяжон либосидаги Нурсоч телефонлашадиган холатда'эмасди, бироқ экранчада "Сусан" деган ёзув кўзга ташланди.

— Нима дейсиз? — деди Нурсоч асабий охангда.

— Харажатларингни туламоққи эдим, — мингаллади Сусан.

— Канақа харажат? — қизнинг пешонаси тиришди. — Рақамдан адашдингиз чоги?

— Уни боқаяпсан, шифохонада даволатдинг.

— Тушундим, қанча берасиз? — кесатди қиз.

— Мен бермайман, жунатаман... Атрофингда хеч ким йукдои?
— Йуқ.
— Сал мулойимроқ бўл, Нурсоч. Бизга яна телефон бўлди, яқинда келади уша гурсухта. Бошидаёқ озроқ пул ташлаб кетганди, долларда. Шуни сенга юбормоқчиман... Мени кечир, сенга жабр кдлиб куйдим. Ярашамизми?
— Хозир мен ярашиш хакдца эмас, бошқа мухим нарсани уйлаяпман, тушингизда ҳам кўрмагансиз.
— Вой, нима деганинг бу?
— Бола уифлаш, одам савдоси, янги қўлчилик...
— Одамни кўрқитма, Нурсоч! Менимча, кимгадир тухмат кддмоққисан?
— Уларнинг бироpтасига менинг алоқам йуқ. Бола ўз ота- онаси ва яшаш манзили хакдда маълумот беради...
— Бола? У... у Жахонгирми?
— Ха, боища ким? Борган сайин тили бийрон бўлаяпти! Қайси мамлакатдан эканини аникдасам, интернет хатлари ёки телефонлар ёмгирини ёгдириб, бирор идораси орк;али ота- онаси билан бокланаман. Агар Жахонгирни ахтаришаётган бўлса, менда эканини айтаман. Оиласи чет элда дом-дараксиз йуқолган бўлса, милицияга топшираман.
— Кимни?
— Болани, — деди Нурсоч.
— Бундан чикди, бизни милицияга бермоқчи экансан-да? Очиқ айтиб куя қол!
— Гапингизга қараганда, каллакесарларнинг рахнамоси сизсиз!
— Бошлаяпсан-а, Нурсоч! Бугуноқ онангга кунгироқ қиламан! Кдлик.ларинг жонимга тегди! Бор-йуги бирпас энагалик қилиб туришингга шунча FaBFo! Интернет, бола угирлаш эмиш!..
— Онам энди нимани ҳам хал қиларди, — деб Нурсоч телефонии учирди-да, ёстик устига отди. Бошини чангаллаб, бир зум асабий тебраниб турди, кейин компьютерни ёкди. Интернет тармогига уланиб, "Шамайкан" деб ёзди. Балиқ суратлари ва "Шамайка" деган жавоблар кўринди. "Шабистон"

сўзини битиб, кдцирув тугмасини босган эди, "Самарканд плаза", "Панорама", "Гранд Самарканд", "Мадина", "Шердор", "Шабистон" каби номлар келтирилган макола парчаси чикди. Нурсоч киприк кокмай гармонии титқилай бошлади, аммо навбатдаги сахифа очилмасданок миясига яшин урган каби оёкка қалкди.

— Ё тавба! Тавба! — хитоб қилди у. — Жахонгирнинг манзилини аникдадим! Мен уддаладим! Уддаладим!

Қиз эчкидек диконглаб, болакайнинг бошига борд и,

— Самарканд! Маколада Самарканд деган ёзув бор экан! Самарканд Ўзбекистондаги шахар! Демак...

Болакай Нурсочнинг хурсандчилигига шерик бўлолмади. Кизнинг хаяжони нима билан якунланар экан? Ахир, одамдан утиб тушадиган хавфли жонзотни учратмай куйган эди-да.

— Жахонгир, — тулкднланди Нурсоч, — менга "Самарканд" де! Айт! Айта кол!.. Кел, бирга такрорлаймиз. Самарканд... Айт! Самарканд!

— Самайканд, — такрорлади болакай.

— Лекин боя Шамайкан дединг. Сен Самаркандда яшайсан, онангнинг исми Лайл о, туфими?

Жахонгирнинг кўзларида хайрат жилваланди.

— Ҳам мае и ростлиги кўзларингдан маълум, укажон! Сен бемалол гапиришни ургангин. Шунда онангни топасан... биргаликда топамиз! Озарбайжонга кандай келдинглар? Самолётдами?

— Ха, — деди Жахонгир.

— Кейин поездга ўтирдингларми? Сени Бокуга поездда келди, деб эшитгандим.

— Ха, ¯ деди яна.

Шу орада Нурсоч интернетда очилган сахифадаги маколага кўз югуртирди. Унда Самарканд шахрида бунёд этилган янги мехмонхоналар хакида сўз юритилган эди.

— Айтдим-ку! — дархол кайтиб келди Нурсоч. — Сен Самарканд шахридансан! Аввал "Шамайкан" дединг, кейин "Шабистон". Маълумотларингни интернет ҳам тасдикдаб турибди! Менга энди тулик гапиришинг керак. Отанг ким? Исми нима?

Жахонгир бошини чайкдди.

— Отанг йукми?

Жажжи бош силкинди.

— Ундай қилма, ахир рус тилида гаиира оласан-ку! — норози бўлди Нурсоч. — Нима бўлганини сўзлаб бер, илтимос... Барибир отангнинг исмини билишинг керак! Эсла, Жахонгир.

Бироқ бола энди оғизига талқон солгандек бошка гапирмади.

— Эсим кўрсин, Сен Туркия дединг-а? Аввал Туркияга бордингларми? — Хотиржам ути рол май ҳар замонда саволга тутарди Нурсоч. — Нимадир фалокат юз берди-ю Бокуга келиб крдцинг! Аммо қандай қилиб?..

— Йуқ, мумкин эмас, сени чегарадан онанг Лайло олиб утган. Кейин гойиб бўлган! Э-э, ресторанда айтганинг чулоқ кимса! У ҳаммангни ўлдиришга қасд кдтган...

— Лекин сен болачасан-ку! Одам ўлдиришга қасд кдлганини каёкдан биласан? Буни кимдир гапирган, сен эшитгансан. Ёки онангни кўз олдингда...

— Сусан опа гапирган россиялик киши чулок бўлиб чиксами? Унда котил кимлигини ҳам аник--

— Ер ютсин уни! Кел, Жахонгир, сени кучокиайман, упаман, эркалайман. Кдйнаб юборганим учун кечир. Якинларингни топишга шунака шошаяпманки...

Нурсоч шу каби гаплардан чарчамади. Кечкўрун телевизор каналларини алмаштиришаётганида, боксга дуч келишди.

— Бир-бирини уришдан нима наф? — кайгурди хола. — Бошкасига куй, Нурсоч.

— Йуқ мен хоқтайман! — Жахонгир чопиб келиб, экран олдини эгаллади. — Бокш! Бу бокш, хола.

Нурсоч ва кекса холаси бир-бирига ажабланиб каращци. Дам кобигига уралиб оладиган, дам гулдек очиладиган Жахонгирнинг кизикдшлари маълум бўлиб бормокда эди. Тез кунларда ўзи хакдда батафсил сўзлаб берса ажаб эмас. У кичик бир одам, аммо катта хаёт парчаси эди.

Эртасига Нурсоч яна саволлар бера бошлади. Нщоят, болакай отасининг исмини тилга олди:

— Аляшка.

— Аляшка? Бу отангнинг исмими?
-Ха.
— Лекин жуда ҳам бўзиб талаффўз этаяпсан, ўзбекларда бунақа исм йукқа ухшайди, — интернетдан кўз ўзмади Нурсоч.
— Қайси бир бўлса экан? Алишер, Алиёр... Хм, манави-чи?
. Йуқ. "Али" ва "ёш" сўзларидан исм ясалганмикан? Алиёш... Ухшамади. "Яндекс"да эса "Аляшка", "Алияшка" каби лақабсифат номлар, фамилиялар топилди. Бўлар Жахонгир айтаётган исмлар эмаслиги равшан эди.
Тушликдан сунг Нурсоч Жахонгирни кўча бошидаги бокқа олиб чикди. Уриндикда ўтирганларида, яна саволга тутмокқи эди, болакайнинг махзун чехрасига қараб рахми келди. Бу бечора "Ота-онамни безор кдлиб юборганман, шунинг учун улар мени ташлаб кетишди", деб бир нуқтага тиқилиб уйлаётгандеқ ўзидан айб кдцираётгандек туюлди. Кўзларида Хар кундагидан-да чукўр тушкунлик зохир эди. Eof хавоси, кушлар сайраши, уткинчилар, машиналар, Боку табиати — ҳаммаси унга кднчалар бегона, юракэзар, зерикарли. Кишига ватан ва жаннатдан ўзга абадий макон йуқ.
Нурсоч болакайни упиб эркалаб куяркан, богчада болаларга ургатадиган маищларни бошлади. Жахонгир оғизини "о" шаклида очиб, тилини коитокдек уйнатди. Бу "Коиток" машкд эди. Пастки лабини ялади. "Остонани суиуриш" шу эди. Сунгра тилини чиқарди.
— Бу "Ухлади" машқи, тушундинг-а? Тилинг оғизингдан чиқиб, маза қилиб шалпайиб ётибди. Мен ҳам тилимни ухлатаман, қара. Баю-баю...
Шу он уларнинг ёнида қотмадан келган шляпали киши пайдо бўлди.
— Бу нима қилиқ? — деди у қовок; уйиб. — Ёш болага тилни чиқаришни ургагишга нима ҳакк1ингиз бор?
Нурсоч салом берди. Шляпали киши хуш алик олган эса- да, саволини янада дагалроқ такрорлади.
— Тилини машқ қилдираяпман, — жавоб берди Нурсоч.
— Бунинг хожати йуқ, боланинг тили бинойидай, — деб

шляпали бог ичкарисига аланглади. — Сусан опангиз сизларни анави ёкдан ахтараяпти. Нега хотинларда доим aigi етишмайди-я? Эрини ҳам эргаштириб олганини-чи!

Нурсоч дик этиб туриб, бокка кўз югуртирди.

— Кимсиз? — сўради шляпалидан.

— Жахонгирнинг тоғасиман. Мени танирмикан, йукми, деб индамасам, ростдан кўришмайди-я!..

Нурсоч сесканиб тушди.

— Салом, саёхатчи! — Абдулин тиззалаб, болакай билан кўришди. - Уйингга кетадиган вакт бўлди, табриклайман, жиян.

Сусан ва эри дарахтлар оралаб, йулакка чикинг/ти.

— Холамдан сураб, қаердаликларингни билдиқ — деди Сусан ва Истанбўлда Жахонгир учун йигилган, Гулчехрадан Сеньоритага, сунгра Абдулинга уттан доллардан иккитасини Нурсочга ўзатди. — Ол, анча-мунча харажатга тушдинг... Айтгандай, бу киши мен айгган кариндошимиз. Жахонгир уни танидими?

Болакай Абдулиннинг елкасига истаб-истамай бош куйди.

— Мени танимай кимни танийди, эй одамзот! — Абдулин Жахонгирни эркалаган бўлди. — Эртага уни отасига топшираман. Бола бўлса ҳам, жони тош экан. — Кддини тиклагач, Нурсочга деди: — Рахмат сизга, синглим, бу яхшилигингиз Худодан қайтсин.

Абдулин болакайни опичлаб кета бошлади.

— Лекин... — дея Нурсоч OFH3 очган ҳам эдики, Сусан бищинидан чимчилади:

— Нурсоч, аралашма.

— Нега аралашмайман?! Амаки, Жахонгир хасида билганингизни гапириб беринг, — Абдулинга эргашди у.

— Кечирасиз, хеч нарса деёлмайман, — кайирилиб ҳам қарамади Абдулин.

— У Ўзбекистоннинг Самарканд шахридан эканини айтди. "Шабистон" деган жой номини ҳам гапирди. Интернетдан билдимки, мехмонхона экан. Жахонгирнинг манзили сал кам аникланиб бўлинди. У уша мехмонхона атрофидаги кварталдан...

— Нурсоч, бир дакдқага мумкинми? — деб Сусан билан эри тўхтатишга уринишди.

— Яна бир марта кечирасиз, яхши қиз, - угирилди Абдулин.

— Биз аэропортга кечикаяпмиз. Бола масаласига келсақ унинг манзилини мен билмайманми? Биламан. Худди кашфиёт қилгандек суюнчи олишингизга хожат йуқ. Нима, сизнингча, у гойиб бўлган гўдакми? Отанг қани, онанг қани, деб юрганим йуқ. Бу бола... — Савдогар қариндошига ва Сусанга маъноли қараб куйди-да, Нурсочга украйди. — Хуллас, сизга Сусан оиангиз яхшилиб тушунтиради. Харажатларингизни қопладими?

Нурсоч ҳамон иккита юзталик долларни ушлаб турарди, туйкус ўзатди.

— Пулларингиз керакмас. Жахонгирнинг хужжатларини кўрсам бўладими?

— Хозир ёнимда йуқ.

— Аэропортга шошилаётган одамда хужжат йуқми?

— Гапларингиз ортиқчалик қилаяпти, синглим. Ун гулидан бир гули очилмаган қизга муаммолар нима керак? Мен на бола угриси, на қотилман. Жахонгирни тез орада отасига етказмасам, катта бахтсизлик шунда руй беради. Отаси эса Москвада. Бор гап шу! Кетаверайми?

— Кетаверинг, — деди Сусан.

— Тўхтанг, суратга тушириб оламан, — Нурсоч телефонини хозирлади. — Агар гапларингиз ёлгон бўлиб чиқса...

— ToFa! Оллох шохид, мен жиноятчи эмасман-ку, ахир! — юзини терс бурди Абдулин. — Бу қизни олиб кетасизларми, йуқми? Қанақа одамга рупара қилдиларингиз? Бир камим тухмат билан қамалишим қолганди!

Абдулиннинг тоғаси ва Сусан Нурсочга ёпишишди. Жахонгир кўрққанидан йитлаб юборди. Хеч қанча вақт утмай боғ ва атрофдаги кўчалардан Абдулиннинг изини ҳам топиб бўлмасди.

— Қани? Қани Жахонгир?! — қичқирди Нурсоч. — Милиция чақдраман! Куйворинглар!

— Жинни! Болани отасига бериш керакми, сенгами?! —

силтаб ташлади Сусан. — Тинчгина кутулдинг, шукр қил! Уни чулоқ одам бошчилигидаги жиноятчилар угирлашган экан. Яхши одамлар кущарган, қариндошимиз эса тезроқ бу ерлардан олиб кетиб, отасига етказмокда, укдингми? Етган захоти кунгироқ қил ад и. Отаси билан ҳам, бола билан ҳам гаплашасан!

— Труба, — ишора кдиди Абдулиннинг тоғаси йулак четида етган телефонга. Дарвоқе, Нурсочнинг телефон экранчаси учиб-ёниб, мусиқа таралмокда эди.

— Алло, — деди қиз телефонии ердан олиб.

— Мен Оскарман, — деган овози эшитилди, — бола тўзукми?

— Яхши... — дея олди Нурсоч.

— Ижозат берсангиз, унга иблиснусха йигит калампир берганини интернетга жойлаштирсам. Видеокамера уша кундан бери хонамдаги галадонда ётганди, бугун лавхани компьютерга туширдик. Истардимки, разил йигитлар кизлардаги аламини норасидалардан ҳам олиши мумкинлигини жахон томоша қилсин.

— Розиман, — деди Нурсоч рухсиз холда.

Абдулиннинг тоғаси ва Сусан ерда ётган юзталик иккита

долларнинг чангини к;оқиб, Нурсочга муроса мазмунида тиқилищди. Бир жихатдан Караганда, эр-хотинга хозир осон эмасди. Нурсочнинг бир OFH3 гапи билан улар ҳам, Абдулин Ҳам камокка олиниши турган гаи эди.

## 2

Абдулин бизнеси касодга учрашидан чучиб, Жахонгирдан шошилинч равишда кутулиш учун келганди. Кдндай кутулади? Ўлдирадими, болафурушларга тортик қиладими, кайсидир шахар ёки кишлокдаги уй остонасига ташлаб кетадими? Йуқ мазкўр амаллар татар савдогарининг виждон амрларига зид эди. Россияда юрган кезлари кунгирок кдлишиб, Жахонгирни Сусанга кариндош бўлмиш бир киз олиб кетганини, фал окат Кисиб, шифохонага тушиб колганини хабар кдпдилар. Абдулин боланинг тарихини Озарбайжон ичКи ишлар органлари билмаслигини эшитгач, енгил тортди. Агдар-тунтар бошланмаслигига имконият бор эди. Кдлбаки хужжатлар

билан шугулланувчи одам учрагач, иши енгиллашди. ХУ[жжат] учун пул тулади, аямай тулади. Сеньоританинг вафотидан кейин Туркиянинг Қарс шахридан темирйул оркали Бокуга келадиган моллар савдоси Абдулинга боглик бўлиб долган эди. Агар Абдулин худци уша Кдрс-Тбилиси-Боку йуналиши оркали бола угирлашда айблангудек бўлса, бизнеси асфалософилинга кетиши мукаррар эди-да.

Бир уйнинг ертуласида Жахонгирни суратга тушириб, жужжат тайёрлашди. Жахонгир энди Асад Давлетов деган турт ёшли болага айланди. Шу кеча Абдулин иккови Боку канорасидаги кичик мехмонхоналардан бирида тунади. Эртасига Татаристон пойтахтига поездда жунаб кетишлари л озим эди.

Нурсочдан айирилгач, акалли бир марта ҳам йикламаган Жахонгир мехмонхонада меровсираб ўтирарди. Зерикди шеқилли, оғизини хиёл очиб, тилини тупча қилиб уйната бошлади.

— Хой, — деди Абдулин, — лиқиллатишни бас қил! Ахмок Киздан кутуддик. Лекин... эҳ омадинг **йук** экан, отангнинг ёнига олиб бормайман. Мени кечир, гўдаккина.

— Сен ёмон одамсан, — деди Жахонгир.

— Унда ким яхши? — савдогар елка учирди.

Нафсиламрини айтганда, бу одам боланинг нозик туйгулари билан уйнашишни хохлаб колганди. Болалик чогларида кунгил тубига FapK бўлган писмикона китмирликлар гохида ўзининг тириклигйни шу шаклда намоён этса керак.

— Нурсоч яхши, — дархол жавоб берди бола.

— Онанг-чи?

Жахонгирнинг лаблари кимтилди ва:

— Нурсоч, — такрорлади алам билан.

— Уни ахмок киз деганимга хафа бўлдингми?

— Ахмок эмас.

— Ха, майли... Лекин нега мен ёмонман? Нима учун Нурсоч яхши? Чиройли киз-да, а? Фикрингга кушиламан, огайни, у жуда кетворган экан. "Ахмок" деганим учун чин дилдан кечирим сурайман. Менинг ушандай хотиним бўлса, йук

демасдим. — Абдулин илжайди. Кейин кушиб куйди: — Мен- ку яхши одамман, ўзинг ёмонга ухшайсан. Хе, кир-чир, й и шоқи бола!

— Ўзинг шунацасан, — Жахонгир урнидан туриб, юмшок уриндикка чикди-да, тилини чикарди. Изимдан келиб урмасмикан деб, савдогарга кўз кирини ташлади.

— Нурсочдан онанг яхши эмасми, каллаварам? — тегинишда давом этди Абдулин. — Маймунга айланиб колибсан-ку?! Ойнага бир кара! Митти маймунча!

— Ўзинг маймун! — кўзлари пирпиради Жахонгирнинг.

Абдулин масхараомўз қўлди. Бола хужумларга зурга чидади,

яна бир гаидан сунг чинкириб йиглаб, мехмонхонани бошига кўтариши турган гаи эди. Унинг асабийлашганини иайкаган савдогар рахм қилиб, деди:

— Отангнинг олдига бутунлай олиб бормайман, деганим йук. Бировнинг боласини бошимга ёстик қиламанми? Мени шошилинч равишда Туркияга чакириб колишди, сени уйга элтиб, ўзим Истанбўлга кетаман.

— Уйга? — сергакланди Жахонгир.

— Й5пқ, сенинг уйингга эмас, меникига, Крзонга.

— Козонга?

— Албатта, Козонга-да! Кизимнинг ўғли бор, турт ёшда, сен билан тенгкўр. Айтгандай, бундан кейин кимдир ёшингни сураса, туртда де. Исминг эса Асад, миллатинг татар. Жахонгир деган сўз оғизингдан чикса, ўлдираман, эшитдинг-а?! Тагин милициянинг олдида "сен ёмонсан", "мени угирлаб кетишди", "Ўзбекистонданман", "Самаркандцанман", кейин кайсидир мехмонхонани айтибсан-ку... Нима эди? Бир нарса "...истон", кискаси, шуларни айтиб юрма. Кўркма, сени барибир отангга олиб бораман, лекин хозирмас. Отанг иккаланг Москвадан Самаркандга учасан, уйингга етасан.

Жахонгир ковогини очмай тиқилди.

— Келишдикми, эркак? Эшитмаяпман овозингни! А?!

— Ха, ¯ деди Жахонгир.

— Нима "ха"?

Жахонгирнинг рус тилидаги лугат захирасидан керакли сўз

топилмади. Яна бир марта "Ха" деди ва кушимчасига бошини кимирлатди.

— Крзон шахридаги уйимда вакгинча яшаб турасан, — деди Абдулин қўлларини боши оркасига ёстиқ, оёгини "икс" кдлиб ётаркан. — Қизимнинг ўғли билан урток тутинасан. Унинг уйинчокқлари бирам купки, борсам, бошим айланиб кетади. Ҳаммаёк уйинчоқ, уйинчоқ уйинчок! Нега сиз — болалар уйинчокда бунчалик муккасидан кетасизлар-а? Ундан кўра онангларни эмсаларинг ёки маза кдлиб ухласаларинг яхши эмасми? Мен бўлсам шундай қилардим... Ўзр, бугун виски ичдим-да, Жахонгир... э-э, Асад. Кдра-я, хатони аввал катталар қилади! Хатони катталар кашф этган-да, ахир!.. Нима деяётгандим?.. "Шунча бизнес қиласан, виски ичмагансан, кўрумсоқ" деб хакоратлашганди, бир шишасини ичиб юбордим... Москвада мартини ичганман, бир ўтиришда уч шиша... Эй, чегарадан утаётганимизда, мен хақимда милицияга ёмон гапирсанг, улар отиб ташлашади, тушундингми? Яна бир марта такрорлайман, исминг Асад, миллатинг татар. Бола угирлаганларни, жуфтакни ростлаб қолганларни отманглар, Озарбайжонда камроқ кон туқилсин, деб махфий равишда шипшип куйишибди бу формалиларга! Лекин айтиб бўладими?! Кинода полициячиларни кўрганмисан? Худди шундай отадилар! Кукрагимдан, пешонамдан, корнимдан — бошдан-оёқ yigiар тешиб утиб, қонимга беланиб уламан. Тилим мана шунака чикдб кол ад и, боя сен кўрсатдинг-ку! — Абдулин бошини бир ёнга осилтирди ва тилини чикариб, кўзларини олайтирди. — Щуни хоқлайсанми, кичкинтой Асад?

Кўркиб кетган Жахонгир бошини кескин чайкади.

— Баракалла! Ахир, сендек болакайнинг мехрибон бувасиман! Менинг ҳам яшагим келади. Туркиядан кайтган куним икковимиз самолётда Москвага учамиз. Сени отангга олиб бораман. Отангни роса согандингми?

— Йуқ - деди Жахонгир.

— Нима?! Уни согинмадингми?

— Йук.

— Бунча тошбагир бўлмасанг.

— Онамни согиндим, — шивирлади Жахонгир, лекин овози савдогар эшитадиган даражадан паст эди.

— Биламан, онангни согингансан, — хурсинди Абдулин.

Катталарнинг сухбати чўзилса, Жахонгирга ёқмас эди,
вужудини зерикиш чулгаб олди. Гиламга сиргалиб тушиб, дераза тагига чопиб борди ва парда этагини кўтарди. У ерда қизиқарли хеч нима йуқ эди. Бироқ шу захртиёқ эрмак топди: пардани юзига тусиб, Абдулин томон турт-беш қадам ташлади. Қачонки, парда унинг юзидан сиргалиб тушаётганида бор овозида: ”Ва-а-а!" деб қичқирди. Гарчи Жахонгирдек невараси бўлса-да, болакайларнинг қиликдарини унутиб юборган савдогар бошини кўтариб: "Бу тирранча нима қилаяпти-я?!" дея бепарво қараб турганди, ногахоний қичқирикдан бир сапчиб тушди. Кўзлари оний лахзада ола-қўла бўлиб, лаб- лунжи шалвиради. Шу фурсатда кўзгудаги ўз аксини ҳам кўрди. Абдулин "мистер Бин" деган кино қахрамонининг устидан қўлиб юрарди, не тонгки, кўзгудаги аксига қараб ўзи ҳам айнан уша Бинга ухшаб кщганига шохид бўлди.

— Кўрқитиб юбординг-ку, ярамас! — сочиқ отди у.

Жахонгир ҳам қайтариб отиб, хона буйлаб қоча бошлади.
Унинг шух кўлгиси йулакка, йулакдан зина йулига, зина йулидан биринчи қаватдаги мехмонхона ходимлари қўлогига етиши мумкин эди. Абдулин қалбаки хужжатга улганинининг кунидан ишониб ўтирарди. Шундай экан, одамларнинг эътиборини жалб этиш яхшимикан?

— Чироқни учираман, ухлаймиз, — деб фармон берди.

— Сен ёмон одамсан, — деди Жахонгир тушакка кириб.

— Бир гапни бунча эзмаладинг?! - муштини дулайтирди Абдулин. — Хозироқ ухламасанг, деразадан ташлаб юбораман.

— Бокс, бокс... — бола ўз муштчасини унинг муштига теккизди. Бурунгидек чучук тилда "бокш" демади, тобора улгайиб борарди у. Бироқ бу ютукдинг фарқини фахмламаган Абдулин бошқа нарсадан хайратланди:

— Шайтон, хар балони билади! Кўча кўрган эчкича!

— Сен ҳам эчкисан! - кдкдрлади Жахонгир.

— Қўлогингни ўзиб олайми? — Абдулин ҳам ўз урнига чўзилди. — Бокс дедингми? Жин ургур, бокс нима ўзи, сендайлигимда тушунганманми? Қаёкда! Иирт овсар бўлганман... Умуман олганда, хозир ҳам овсарман. Бировнинг боласини Озарбайжондан Россияга олиб утаяпман! Қўлга тушсам холим нима кечади?

— Мен билмайман, — жавоб берди Жахонгир.

— Сени тоғамга ташлаб крчсам ҳам бўларди-ю... бу ёги бизнес! Туркиядан келаётган молни Озарбайжондан утказмасликнинг иложи йуқ-да. Ё борми?.. Сендан нега сураяпман ўзи?.. Телбалик! Бир бор экан, бир йуқ экан, Абдулин деган шурпешана тепакал бор экан... Ухла... Юм кўзингни...

Тез орада Абдулиннинг хурраги хонани тутди. Жахонгир кўзини секин очди. Мает амакини арокдар жини силаб- сийпалаб ухлатиб куйганди. Нимкрронги хона унга Собир торасининг уйини эслатди. Эсида, Самаркандца тоғасиникига тез-тез бориб туришарци. Гохо бир кечага колишарди. Махалла якинидаги бинони болалар "Шабистон" деб аташарци. Тоғасининг уйи икки каватли бўлиб, юкоридаги айвонга чикдб, махаллани томоша қилишарди. Тоғасининг ўғли "Мана, Самарканд шахримизнинг осмонцан кўриниши! Хув ана "Шабистон" томи!" цеганлари ёдидан чикмайди. Кечагина бўлган вокеалар-ку, каицай ҳам хотирацан учеин? Онаси Лайло... Охирги марта качон кўрци уни? Бир ой бўлдими, бир йилми? "Балки аям хозир уйда ўтирган бўлса-чи? — уйлади Жахонгир. Юрак-багри шундай ачишиб кетдики, кўзлари бир зумда ёшга тулди. — Аямни жуда согиндим... Аяжонимга бораман, менга хеч ким, хеч нарса керакмас..."

— Менга хеч нарса керакмас, — гўлдиради у.

— Бокс дейди, бокс... — алахсиради Абцулин.

— Аяжон... — гўдаккинанинг овози бўғилиб чикди. Кўрка- ииса йиглай бошлади. — Ая, качон келасиз? Сизни согиндим...

Уйку аралаш ихтиёрсиз равишда онасини йуклаётган Жахонгир икки-уч заиф йугалди, хеч ким юпатмади, бошига энгашмади. Бола мехрибонларидан айрилганини яна бир марта

тушуниб, кўз ёшларини артиб, дераза томон бурилиб ётди. Негадир Нурсоч билан онасининг кдёфасини аралаш-кўралаш тасаввур қилди. Тасаввуротига нимадир бўлаётган эди, худя и яхши ишламаётган телевизор га ухшаб қолди. Бироқ она иси, вужуди, овози юрагининг туб-тубидан "мен шу ердаман" деб чиқиб келди. Жахонгир ёстиқни мехр ила силади, чойшабнинг бир четини кучокдаб, бафига босди. Аяси баъзан уни шундай қаттиқ кучоклардики, нафаси қайтиб кетар, шунда эрка фарзанд волидаи мухтарамасини типирчилаб урар, теиқилар эди. Албатта, бу уришлар, теиқилашлар беозор эди. Аяси шартта оёкдарининг биридан ушлаб оларди-да, боплаб кдтикдарди, Жахонгир ўзини хар томонга отиб кдйкдрарди. "Ўзимнинг полвоним! Мум-ма-а-а!.. — деб лабларини куч билан босиб упарди. — Ўзимнинг жоним! Ўзимнинг шакарим! Келажакда мени боқасан, катта одам бўласан-да сен!.. Кел, мени ҳам уи!”

Кейин улар тушакда у ёкдан бу ёкда думалашарди. Онаси кўчада нимадандир хафа, жиддий, хатто баджахд кўринганига кдрамай уйда, айниқса мехри товланиб кетган кечаларда жуда- жуда мехрибон, дунёда тенги йуқ пари аёлга айланарди. ”Ҳеч кимга айтмасанг, сени куш кдлиб учираман”, — дерди у. "Айтмайман, аяжон, куш қилиб учиринг", — ялинарди Жахонгир. Онаси унинг икки қўлидан тутиб, оёклари билан кукрагидан кўтарарди. Қўлларини куйиб юборганида, онанинг оёкқларига кукси билан ётиб олган дилбанд қанот қоқарди. Канчалар маза эди гўдаккинага... Кейин онаси яна багрига босиб, сочларини силаб, кўзларига тиқиларди. "Сени яхши кўраман, болажоним", — дерди у. "Мен ҳам сизни яхши кўраман, аяжон", - дархрл жавоб қайтарарди Жахонгир. "Сенсиз бир кун яшолмайман..." Жахонгир ҳам шундай дерди: "Сизсиз бир кун яшолмайман..."

— Аяжон... — бўзлаб йиЕлади гўдаккина. Кўзига онасидан бошқа хеч нима кўринмади. Канчалар бебахо, канчалар таърифи йуқ хилқат эди она аталмиш зот! Унинг жилмайишлари, қўлумсирашлари, мехр-ла кучоқ очишлари, иси, овози, хатто койиб беришлари ҳам сехрларга тула

оқанрабо эди. Ким айтади шу болакайга, она урнини босадиган нима бўлиши мумкин? Качонгача Жахонгир ўзини Шафақ, Сеньорита, Нурсоч кабилар билан алдашга уринади?..
Шу пайт:
— Жахонгир... — деган овоз янгрagандек туюлди.
Эндигина ковоклари юмилган Жахонгир ялт этиб кўз очди.
"Аям чакирди!" — деган уй миясида чакмокдек чакди. Шунчалар тулкинланиб кетдики:
— Аяжон!.. — деб ёстикдан бош кўтарди.
— Ухламадингми?
— Йуқ, ухламадим... — Жахонгир гиламга думалаб тушди. — Каердасиз? Сизни кўрмаяпман-ку, аяжон?.. — Намотки, яна йукртиб куйсам, деган кўркувда бўзлаб йиглаганча турт оёкдаб хона турига шошилди. — Аяжон! Канисиз?
— Шу ердаман, кел, болажоним...
— Каердасиз? — тўхтади Жахонгир ва ўтириб атрофга мултираб аланглади. — Ая... Аяжон...
— Мени сошндингми? — сурадi майин бир овоз.
— Согиндим...
— Кел багримга, ўзимнинг эркатойим, - энди овоз хонанинг бошка бурчагидан эшитилди.
Онасини йукотишдан кўрккан бола жон-жаҳли билан шкаф сари урмалади. Тўхтади. Аланглади. Шафкатсиз дунёнинг Боку дейилмиш шахридаги бу меқмонхонада унинг онаси йук эди. Муштдеккина одамча калампирдан ҳам аччик хакикатни тан олиши даркор эди, акс хрлда эсидан огиб, тентакка чикдб Колиши мумкин.
Бир соат ахтардими, икки соатми, бола ахийри х;олдан тойди. Ҳакикат юки остида эзилиб, гиламга парчин бўлди. Кўз ёшлари атрофни ХУ-Л қилиб, бармокчалари гилам сочикларини тирнаб эшикка нигорон тиқилиб ётди...
— Ким у? — хириллади Абдулин.
Назарида, ёнида аёл шарпаси тургандек бўлди.
— Нима бало, шунчалик куп ичдимми? — уйгонди савдогар.
— Шарпа кўрдимми ёки тушмиди?.. Хой, кимсан?.. Ким бор бу ерда?.. Худо-ё тавба, нима бу? — Абдулин гилам устида

ётган болага яқинлашди. Сунг дархол чироқ ёкди. — Э, ландовур, сени шунча мақтасам, мендек овсар экансан-ку! Тушагингдан думалаб кетганингни ҳам билмабсан.

Абдулин Жахонгирни кўтариб диванга ётқизгач, бир нафас серрайиб қолди. Боланинг кўзлари йигидан шишиб кетган, хозир ҳам мижжалари ёшга букиб турарди.

— Йигаабди, — деди Абдулин диван четига бехол чукиб. — Истанбўл сафарини ортга суриб, тезроқ Москвага, отаси олдига олиб борсаммикан? Нега ҳаммамиз унга богланиб қолдик? Сеньоритани ҳам асир кдлган шу бола!

Кейин пешонасини муштлади.

— Бизнес! Бизнес!.. Бормасам бўлмайди! Энди Сеньорита йуқ. Кунгилчанлигим кдмматга тушади!

Эрталаб Абдулин мехмонхона хизматчисига болакай учун каша буюртирди.

— Фақат тезроқ! — деди жахл билан.

Улар ими-жимида темирйул вокзалига жунашди. Бугун Абдулин ҳам, Жахонгир ҳам нихоятда жиддий тортишган эди. Иккиси ҳам шошилаётгандилар: бири Козонга, иккинчиси ватанига.

— Исминг нима? — қўлогига шивирлади Абдулин.

— Асад, — деди Жахонгир.

— Каердан келаяисан?

— Бокудан Козонга кетаяпман, — ургатилган сўзларни айтди бола.

Бироқ кутилмаганда Оренбургдан кунтроқ кдлишдию режа ўзгариб қолди. Улар тушгача тентираб юришгач, 13:30 да вокзал га келишди. Боку-Козон эмас, Оренбург рейсидаги поездларнинг бирига чикдшлари керак эди. Вақт имиллаб, кўрқинч билан утарди. Милиция ходимлари тумшайган эркак ва хафа болакайга синчков нигох ташлашди, лекин саволга тутишмади. Бундай кўз қарашлар учта жойда, уч марта тик каби ботди, Абдулиннинг бўлари-бўлди. Нихоят, вагонга чикдилар. Поезд Россия худудига етгунча Абдулин тўз тотмади Хисоб.

— Сеньоританинг гурига қабртош эмас, хайкал куйиш керақ

— деди Абдулин томоғнни хуллаб олгач.

Жахонгир купедош эр-хотинга ва уларнинг олти ёшлардаги угаига анча эш бўлиб қолди. Абдулиннинг бахтига ҳамрохлар Россияга ишлашга кетаётган содца эр-хотинлар эди. Улар Жахонгирнинг айрим гапларига тушунмади, тушунганларини эса шунчаки болаларча чўлдираш деб уйлашди. Мавзу боксга бурилди-ю Абдулин анча енгил тортди. "Ўғлимиз уч ёшидан бошлаб боксга қизикдди, х.атто Россияга ҳам кўлцопларини олиб кетаяити", дейишди ҳамрохлар ва сумкадан бокс кўлкопларини чиқаришди. Жахонгирнинг кўзлари кандай яшнаб кетди-я! Қўлига катталик кдлса-да, унга кўлкрпларни кийдйришди. Жахонгирнинг муштлари ўзига яраша залворли эди. Абдулин "мени ур" деб хазиллашди. Бироқ кўзига қўлқои теккач, шундоқ ҳам асабийлик ва ичқиликдан қизарган кўзлари янада алвон туе олди.

Оренбургга боришдан мақсад - уни Тэгир лақабли амакиваччаси интизор кутмокда эди. Тэгир шахеий хаётда бутунлай омадсизликка учраган бир бахтиқаро йигит эди. Шу вақтгача уч марта уйланган, йигирматача жойда ишлаб кўрган, Хар гал муваффакдятсизликлар туфайли куч ада колганди. Абдулин якднда уни ахтариб тоиолмаганди. Энди эса Тэгир Абдулиндан қарз олиш учун Козонга пиёда боришга ҳам тайёр ахволга тушиб, ялинаётганди. Амакиваччасига нима ҳам дерди? Оренбургдан бир кддам ҳам чиқмасликни буюрди. "Бир шартим бор, — деди Абдулин телефондаги сўзлашувда, — қарз бераман, лекин Туркияга жуда ҳам шошилиб турганим сабаб бир болани Лебедино орқали уйимга олиб борасан..."

Абдулин айтган шарт Тэгир учун кўлгили туюлди. У кдхвахонада оёгини уйнатиб, асабийлашиб ўтирган замонда, итгифоқо, орзуси амалга ошди-қолди. Бир болани Лебедино оркали Козон шахрига, амакисининг уйига кўзатиб куйиши керак эмиш. Мазкўр топшириқни буйнига олсагина, амакиси к;арз берармиш. Шу ҳам ишми? Минг-икки минг доллар карзлик ундирса, марра уники эмасми? Болани кўзатса кўзатибди-да. Нари борса, бир кун вақт йуқотади, аммо имконият бераётган аёл — Нэлла билан умрбод бахтли бўлади.

Дарвок;е, Нэлла сохибжамол эмас, лекин ўзун буйлари, шахдо

кўзлари, озгинлиги, иягидаги дона холи билан Тэгирнинг оромини угирлаган эди. Унга Нэлла каби хотинлар ё кард и. Аввалгиларидан фаркди уларок Нэлла кунглига ёкдан опщий аёл эмасди, адашган банда такдири энди кимсан — Россия шоу-бизнеси оламида номи чиқаётган хонанда билан бокланмокда эди. Гўзаллик ва маищурлик бир бўлиб, бебахт йигитни бутунлай ошику шайдо этди. Кимлар лоф урганди Тэгирни омадсиз деб? Омац бугун-эртан қўлиб бокади. Эхтимол, қўлиб ҳам боккандир. Зеро, Абдулин карз беришга рози бўлди-ку...

—Салом, амакижон, — кучок очди Тэгир.

Оренбург темирйул шохбекатига калами етган Абцулиннинг соколи олинмаган, кўзлари киртайган, шими ва куйлаги гижим эди. Истар-истамай қўл ўзатди, аммо Тэгир маркам кучокдаб олди.

—Бахтимга сиз бор экансиз, — деди амакивачча.

— Бошимни котирма, иулни качон кайтарасан? — Абдулин уни ўзидан нари итарди.

—Хали берганингиз йук-ку, амакижон!

—Бераман...

—Уч ойда кайтараман. Шуниси — охирги карз сурашим.

— Бу сафар канцай ақмокона ишга қўл урдинг? — Абдулин шляпасини кўтариб бош каш иди.

—Бирдан айтаверайми?

—Ха, чўзма.

— Нэллага уйланмокчиман. Оилавий бизнесни йулга куямиз, ёмон яшамаймиз. Биз шундай режа тўзмокчимизки...

— Тоиилмаган хазинага янги коими? Мен танийманми уша Нэллани?

— Албатта-ца, — қўлоч ёйди Тэгир, — у бўлажак мегаюлдўз! Овозини сиз ҳам мактаганцингиз! Козонца, 5қтан йили бир тўғилган кунда Нэлла ҳам иштирок этганци, кушик куйлаганди. Турилган кунини нишонлаган аёлнинг исми эсимда ftyF-y, аммо лакабини бемалол айта оламан. Сеньорита эли, бизнес Ҳамкорингиз...

—Сеньорита улди.

—Бечора...

— Лекин уша кушикчи хотиннинг эри бор эди шеқилли, — ортига қаради Абдулин.

—Мен ҳам аввал уйланганман-ку!

—Асад, бу ёкда кел, — Абдулин Жахонгирни чакирди.

Жахонгир вагондан тушгач, Абдулинга бир оз эргашган, сунг тўхтаб, қўлидаги яхна гушт бўлагини тишлаб-тишлаб ўзиб олаётган куйи одамларга мунчокдек кўзларини кизиксиниб кадамокда эди. Абдулин вактида овкатлантириш у ёкда турсин, бола качон, нима ейиши керақ мутлакр билмасди. Ўз гамини ўзи уйлаш мажбурияти Жахонгирни тобора ўзгартириб борарди. Йиглаб ўтиришдан ҳамиша ҳам натижа чикдвермасди-да.

Мана, у охирги лукмани оғизига кушқўллаб тшдиб, лунжини тўлдириб чайнади. Купедошлар берган гушт хаки катан юмшок пиширилган, мазали эди. Ютишга кийналиб кўзлари ёшланса- да, харакатдан тўхтамади. Сал колди бўғилиб, укчиб юборишига, аммо чала чайналган гушт томогидан сиргалиб Шундай кейин Жахонгир енгил тортиб, кафтининг тескариси билан оғизини артди-да, бурнини тортиб, Абдулин ва Тэгирга бир-бир кўз ташлади.

—Иркит бола ким бўлди? — хайратланди Тэгир.

— Мен энага эмасман, — деди Абдулин. — Ўзок йул юрди, шунака бўлиб колди.

—Сиз энага бўлмасангиз, онаси-чи?

—Онаси йук. Отаси ҳам...

—Фу-у-у, ким бу ўзи, а?

— Сенинг "посилканг", жиян, — деди Абдулин пичинг охангида ва "болани етакла" дегандек имо қилди.

Учаласи Оренбургдаги улкан вокзалдан тезрок даф бўлиб, еб-ичиб олишлари керак эди. Хилватдаги рестораннинг салкин хоналаридан бирини эгаллашгач, Абдулин Жахонгирнинг тарихини ўз билганича кискача сўзлади.

— Сиз учун бола ушрлашга ҳам тайёрман, — деди Тэгир. — Лекин зумраша ушрланмаганига ишончим комил. Акс холда ула колсангиз ҳам ўз уйингизга жунатмасдингиз.

— Ўз уйимга юборишни қуя тур, жиноятнинг хиди чиққанида аралашармидим?

— Йук;, албатта йуқ. Нэлла билан бахтли бўлиш арафасида турганимда менга ҳам бола укриларига шерик бўлиш не даркор, амаки?

Жахонгир оёгини осилтириб юмшоқ уриндикда ухлаб қолди.

— Букирмайдими? — тиқилди Тэгир. — Рирт безори бола бўлиб етишадиганга ухшайди.

—Нега букиради?

—Ярим йулда онаси эсига тушиб кдлмасин дейман-да.

— Оламни бўзиб бўлган, — деди Абдулин. — Ишонасанми, у уч ёшда уч минг қилометрдан ҳам ўзоқ йуЛни поездда, хужжатсиз босиб келаяпти. Москвага борса, Ер шарининг яримини айланиб чиққан хисобланади.

— Қойил! — деди Тэгир. Кейин ястланиб ўтирди. — Рифат деган ошнам бор, Украина орқали Туркия билан бизнес қилади...

—Эшитмаганман.

— Агар унга одангни урирлаб кел, десам, угирлайди. Мен ҳам синглимни унга турмушга беришдан буйин товлаёлмайман. Кисқаси, икки кўр роса бир-биримизни топганмиз-да! Унинг айтишича, Истанбўлдан Россияга Крим орқали қатнаш энг яқин ва осон йул экан, нима кдлиб Асадни ўзоқ йулдан айлантириб юришибди-я?

— Такдири шу экан.. Энди сен яқин, лекин кўзга ташланмайдиган йуллардан уйимга элтиб қуй. Болани Москвада гастарбайтерлик қилиб юрган отасига топширишни менга қандай илтимос кдлишган бўлса, сенга ҳам шунақа илтимос. Йулларда эхтиёт бўласан. Канча керак? Беш юзми?

—Долларда икки минг, амакижон.

—Томинг кетганми? Бошингга бир урайми?

— Мендек жиянингизни уриш сизга ярашмайди. Хул, бир ярим минг бера қолинг.

—Амакингни банк деб уйлаяпсанми?

— Биринчи дуч келган патрулни кўриб нима ахволга тушишимни тасаввур қилаяпсизми? "Бу гўдак ким?" — деб

сурашади. "Амаким Озарбайжондан етаклаб келган экан, Крзондаги уйига олиб боришимни илтимос қилди", — дейман. Агар сизни ёмонотлиққа чиқармоқчи бўлсам, еган тўзим Харом! Пулсиз одам кўркдди, демоқчиман... Ўзр, патрулнинг эмас, прокўратуранинг терговидан парча келтирдим. Ростини айтишга мажбурлашадими, мажбурлашади.

—Сенга сари қ чақа ҳам йуқ. Кдни, туёгингни шикдллат! — хумрайди Абдулин.

—Улсам ҳам сотмайман, лекин...

—Лекинингни чучвара кдлиб е!

— Сураган пулимни қарз бермай хавфли ишга аралаштираётганингизни тушунмаяпман! — асабийлашди Тэгир Ҳам. — Мен органдан эмас, Нэлладан кўркдяпман.

—Шурпешона!

— Аввал эшитинг, амаки! Униб-усиб келаётган хонанда қандай кдлиб жиноятчи билан турмуш кўради? Буни уйлашимнинг нимаси кўрқоқлик? Хизмат хакд с5фаяпманми? Эртага қайтаришим керак бўлган қарз, холос.

—Барибир Нэлладан кўркдрмиш! Нега мендан кўркдгайсан? Сенга хеч ким эмасманми?

Тэгир кўлиб юборди.

— Хазиллашдим, амакижон, — деб рюмкаларга ароқ куйди.

— Сиздан кўркқаним учун оламиз! Икки минг бермасангиз, мингга ҳам кунавераман. Нэллани пулларга учадиган очофат деб уйламанг, мен очофатман, мен! Бахт очофатиман, қанча бўлса туймайман.

—Аҳмок,, — деди Абдулин. — Ишкдлиб, шу ахмокдигинг бошимга етмаса эди...

Улар 'Тазель"лар турган бекатда хайрлашдилар. Кутилмаганда ёз ёмгири куйиб берди. Жахонгир бошқа одамнинг измига угаётганини тушуниб, ўзини ёмгир билан андармон кдлиб кўрсатди. Ҳализамон йиглаб юбориши юз- кўзидан сезиларди. Назарида, Абдулин уни шу ерга ташлаб, Самарқандга кетаётгандек эди. Тили учига саволлар илинди: "Янги одам аямга олиб борадими? Дадамнинг ёнига борсам ҳам розиман..."

- Дадажон, — деган сўз учди шунда боланинг тилидан.

Сует ёгаётган ёмгир қўлоги буралган душ каби секинлашди.

- Тез кунда кўришамиз, - деб Абдулин Жахонгир билан хайрлашди. — Тэгир сени неварамнинг ёнига олиб боради, уйинчокдарини уйнайсан, хупми? Кейин иккимиз Москвага, отангнинг хўзурига борамиз. Фа кат илтимос, Тэгир амакинг билан юрганингда хархаша қилма! Яхши бола бўлсанг, отангни шунча тез кўрасан.

Абдулин кетгач, Тэгир Жахонгирнинг қўлидан маркам ушлаб, аллакаёкка судраб кетди. Бу жой одам гавжум, сигарет тутунига димиккан нимкоронги, сершовкин макон эди. Тэгир баланд пештахтага капишиб, устма-уст кадах кўтарди ва ким биландир телефонда ўзоқ гаилашди, хиринглашди. Жаҳонгирга ҳеч ким эътибор бермасди. Шунда унинг хаёлида ил к бор кочиб кетиш хақида фикр пайдо бўлди. Кўчага чикса, кетаверса, кетаверса, ўзлари яшаган уйга етмасмикан?

—Хой бола, каёкка? ¯ йул тусди бир мает.

—Уйга кетишни хохлайман, — йиглэмсиради Жахонгир.

- Хар бир одам уйига кетиши керақ — деди мает ва гандираклаб йул бушатди-да, честь берди. — Яшасин, болакай!

Жахонгир таищари эшикни топгунча икки марта адашди. Фахм-фаросат бўлса, ертуладаги кахвахонадан бемалол чикиб кетса бўларкан.

Хаял утмай кўча четидаги йулакда турарди. Энди каёкка юриши керак? Ёмгир хотимасида шахар ажиб хидга чулганган эди. Жахонгирга яна Самаркандни, онаси билан хотиржам яшаган чоЕдарини эслатди.

—Уйимни топаман, — деди Жахонгир.

**Бирок йигирма-уггиз кадам ҳам юрмади.**

— Тўхта! — хитоб эшитилди ортидан. — Каёкда кетаяисан? Хой, сенга айтаяпман!

Кайфи ошиб колган Тэгир унга етиб олгач, қўлидан каттик Кисди.

- Исминг нима эди? — суради тишлари гижирлаб.

~ Жахонгир.

~ Нима? Жахон... гир... Бунакамасди чоги...

—Уйга кетаман.

— Ҳа, уйга кетасан, бошка каерга? — Тэгир уни кўтариб, такси тўхтатди. Жахонгир типирчилаб йиглади. — Йиглама! :

—силтаб ташлади маст. — Мен мехрибон амакимдан жинча фарк қиламан!.. Тушунаяпсанми?.. Шартта чикиндихонага ; ташлаб юбораман!

Охир-оқибат енгил тарсаки еган болакайнинг овози учди. Таксида кетаётганларида, ёшли кўзларини Тэгирга гина- кудурат ила кадаб, бикднига мушт солди.

—Нега урасан?! — кдчкдрди Тэгир.

Жахонгир яна йиклашга тушди.

— Болага бакдриш яхшимас, — танбех берди таксичи. — j Ўзинг ҳам бир вактлар бола бўлгансан...

— Сенинг нима ишинг бор, кдрия! — ушкирди Тэгир. — Ҳайда аравангни!

—**Уелингми?**

—Э, канала ўғлим! Яна бир марта савол берсанг...

—Укангми?

—Укам? Шу-я! Телбамисан?

— Шунакд де, — муйловига о қ оралаган таксичи пешойнадан Жахонгирга ачиниб караб куйди.

—Эронликларга ухшар экан, — деди у.

—Сенга нима? Бунча бурнингни сукдинг-а?

—Чиройли бола экан.

—Чириган том!

Шу аснода Жахонгир яна йиглай бошлаганди, Тэгир кучлирок тарсаки туширди.

—Жонимга тегди овозинг, ярамас!

Такси йул четига тўхтади.

—Бу ёкда туш, — деди хайдовчи орка эшикни очиб.

—Менинг кимлигимни биласанми, ув? — удагайлади Тэгир.

—Кўрсатиб куйяйми кимлигимни?!

— Майли, лекин кучингни болага кўрсатма, — деб таксичи Тэгирнинг кор ни га бир мушт уриб букчайтирди. Жахонгир кизарган чап юзини силаб, кўзидан шашкатор ёш окиб уларни очик эшикдан кўзатиб ўтирарди.

— Аблах;! — дея Тэгир таксичига ҳамла қилди, аммо валинеъмат ёшлигида бокс билан шугулланган экан, чап бериб, яна бир зарба куйди, Тэгирнинг боши бир ёнга силтаниб, мувозанатини йукртди.

— У киминг бўлади, ўғлим? — таксичи Жахонгир томон бурилди.

Бола гапиролмади.

— Сени угирладими?

—Йуқ, мен уйга бораман... — овози қалтиради гўдаккинанинг.

—Уйинг даёкда?

—Уша ёкда, — тугрига ишора қилди жажжи йуловчи.

— Ўлдираман, аравакаш! — Тэгир пайтдан фойдаланиб, таксичига ташланди. Таксичи жагига мушт туширди. Сунгра сония ичида яна иккита мушт солиб, чўзилтириб куйди.

— Болага қўл кўтарасанми? — Тэгирнинг устига энгашди у.

— Йуқ!.. йуқ!.. У менинг ўғлим... ўғлим... — додлади Тэгир.

— Фақат... фақат... хотиним билан бирга яшамаслигимиз учун у... у мени... яхши танимайди... Урманг!.. Боламнинг олдида урманг... Куйиб юборинг бизни!..

Таксичи Тэгирнинг қўлтигидан кўтариб, орқа уриндикда чиқарди. Кейин машинани индамай юргизиб, автошоқбекатга келди. Эси кириб қолган Тэгир зудлик билан автобусга чипта харид қилди. Шу тарикд Тэгир ва Жахонгир Оренбург вилоятини ортда қолдириб, Самара худудига кириб келишди. Кош қорайганда улар Зубовка шахри кўчасида судралиб кетиб боришарди. Тамадди қилиб олишди-да, "Тойота" микроавтобусида Лебединога йул олишди. Лебединода Абдулинга ҳам, Тэгирга ҳам қариндош бўлмиш бир аёл яшарди. Уникида уч соат мизгиб олишгач, Козонга қатнайдиган паромга чикдилар. Паром кдргоқ билан хайрлашмасданоқухлаб крлган Жаҳонгир Козонга етганида уйгонди. Бироқ ниҳоятда поддан тойгани учун эзилиб йиглайверди.

— Касал бўлиб қолдингми? — туртқилади Тэгир.

Жаҳонгир буйин томирлари буртиб, бўғилиб-бўғилиб
йиглади. Тэгир яна урмоқчи бўлди, аммо журъат этолмади. Болага қўл кўтарса, худди таксичи каби химоячилари

топилишидан чучиди. Крлаверса, Абдулин қизи Ильзарага Тэгир болани conna-coF келтиргандагина пул беришни тайинлаб куйганди.

Ниҳоят, улар Абдулинга кдрашли чогроққина ховлидан иборат уй эшиги тагида тўхташди.

—Мендан кутуладиган фурсатинг ҳам келди, — деди Тэгир.

Эшик очилиб, сочига найчалар уралган, халатли сохибжамол кўринди. Тэгир салом берди, аммо ул гўзал ўз қаршисида турган бетайин амакиваччанинг кўзига қарашни-да жоиз топмади. Холдан тойган Жахонгирдан нигохини ўзмай суради:

—Ростми?

— Нима? — деди Тэгир тажанглик ила елка кдсиб. — Халиям уша... томдан тараша тушгандек галати-галати гапиришингни куймас экансан-да.

— Истанбўлдан поездма-поезд, сумкалару полкаларда келган бола шуми?

— Ха, буни мендан яхши билсанг керак. Кирсам бўладими? Амакимнинг мўзлатгичида доим бренди бўларди...

— Пулингизни оласиз-да, жунайсиз, — деди Ильзара йулга оёқ тираб. — Уртамиздаги ака-сингилчиликни аллацачон ўзиб улгургансиз. Отам йуқ чоглари уйга чангингиз ҳам кирмайди.

—Сен фолбин эмас, жинни бўлиб қолгансан.

—Хақорат кдлишга хакдингиз йуқ.

— Хуп, унда авлиёсан, маъқўлми? Каромат кўрсатиш ҳаммага ; Ҳам насиб этавермайди. Харқалай, мен эринг эмасман-ку, илохий кучларинг борлигини кўриб, жодугарлик деб Хисоблайдиган ва боланг билан хайдаб юборадиган.

— Қондошлик хурмати бўлмаганида шапалогимдан j юзингизнинг териси бир қават шилиниб тушарди, — деди ] Ильзара, — гарчи эшакнинг терисидан қалин бўлса ҳам!

— Ажабланмайман! Шунақа эканлигинг туфайли бевасан! ! Саволлар борми?

— Афсус... Отамнинг ваъдасига хурматдаман!

Абдулиннинг қизи қовоқ солган куйи Жахонгирни етаклаб ховли турига юрди. Бола Тэгирга кдйрилиб ҳам қарамади. Тэгир ; ёмон одам эди, Жахонгир ундан кутулдим, деб уйлади. Шу "

пайт ховлини кувноқ боланинг чийиллоқ овози тутди. Бу Ильзаранинг турт ёшли ўғли Элдўз эди.

— Ура, менга уртоқ келди! Уртоқ келди! - деб Элдўз зинапоядан сакраб тушди.

Татар тилига тушунмаганидан бўлса керақ кўркдб кетган Жахонгир дархол Ильзаранинг ортига бекинди. Элдўз ундан бакувват, харакатчан ва онасининг олдида ўзига ишонганлардан эди.

— Кўрима, у менинг одобли ва ширин ўғлим, — деди Ильзара Жахонгирнинг бошини силаб.

— Уйинчокўтаринг борми? - суради Жахонгир рус тилида (овозида хадик ва хушомад сезилди). — Менга онам трактор coBFa кдиган, лекин хозир йуқ. Онам ҳам йуқ, эртага келади.

— Трактор нима керак? Менда ўзи юрадиган "Мерседес" бор. Хохдайсанми, кўрсатаман? — деди Элдўз ҳам рус тилида.

Пул олиб чиққан Ильзарага Тэгир алам билан бокди, жувоннинг хаёли ховлида шух-шодон кдйкдраётган ўғлида эди.

s— Нэллага уйланаяпман, — деди Тэгир АКДП долларларини чунтакка уриб.

— Нэлла хеч қачон фарзанд кўрмайди, — эшик туткдчидан ушлади Ильзара. — Болани урдингизми?

—Нега унақа деяпсан? Бу ҳам ахмоқона башоратингми?

—Бола калтак еганга ухшайди.

— Э, гўдакни уриб фашистманми?! Нега Нэлла хакдда бухтон гапираяпсан деяпман?

— Салонга борганимда, унинг яқин дугонаси билан қариндош бўлган қизни учратиб қолдим. Эрдан эрга кучиб юрган уша Нэлла бир умр тугмайдиган ахволга тушишига ўзи сабабчи экан. Қанақасига дейсизми? Бу ёгини айтсам чидолмайсиз... Ғурур бўлиш керак одамда!

—Ильзара, атайлаб гашимга тегаяпсанми?

— Одамлар хакдқатни гашга тегиш деб уйлашади. Оддий Хакдқат бўлганида ҳам бошқа ran эди. Энди айтарсиз, болани нега урдингиз? Гапни айлантирманг! Нима айби учун қўл кўтардингиз?

— Урмадим...

—Болалар Худога биздан кўра якднроқ.
— Минглаб қилометрдан келаётган шу дайдича хар қаерга урилиб-сурилиб юргандир-да, бу дагдаганг нимаси, а?!
— Гаплашадиган бошқа гапимиз йуқ, — деб Ильзара эшикни ёпди ва ўз-ўзига гапирди: — Болани урган қўлларинг синади хали.
Уша куни Тэгир Оренбургга қайтмади. Нэлла отлиқхаваскор хонанда Оренбургдан Москвага учганидан хабар топгач, Тэгир ҳам Қозондан катта пойтахтга жунаб қолди. Абдулин эса Истанбўлда бир дунё муаммоларга кумилиб, то уларни хал кдлгунича — уч кун кунгироқ қилмади. Учинчи кун Ильзара билан йигирма дақиқача гаилашди.
—Жахонгир қалай? — деди у.
—Қайси Жаҳонгир? — тушунмади Ильзара.
— Уҳ миям чарчаганига қара, Асад демоқчи эдим, — пешонасига урди Абдулин. — Нима кднаяпти жаноб кичик Давлетов?
— Элдўз билан уйнаяпти. Аникроги, ўғлим уни ўзи билан уйнашга мажбур қилаяпти. Жуда гамгин бола экан, одамнинг юраги эзилиб кетади, ота. Уйда эмин-эркин юришга ургатишим учун икки кун вақгим кетди.
— Онасидан айрилиб кўчада ёлгиз қолган гўдак хурсанд бўлармиди, қизим.
—Отасига тезроқ олиб боринг бечорани.
Абдулин бир оз уйга тодди. Сунг:
— Агар кайфияти яхши бўлса, яна бир-икки хафта турсин,
— деди. — Шунча вакт чидади, яна ун-ун беш кун чидар. Сен уни урмасанг, сукмасанг... Ишларим шунақа қайнаб кетдики...
— Ишингиз куп бўлса, майли, лекин... Ота, мен... бундан кейин уйда бўлишингизни хохлагандим. Қачонгача дам Уфада, дам чет элда... Керакмас, ота... Очишни айтсам, бу боладан кўрқаяпман.
—Кўрқаяпсан?
—Унинг изидан одамлар келаётганга ухшайди.
— Канақа одамлар, Ильзара? Шуни олдинроқ айтсанг бўлмасмиди?

—Туш кўрдим... - деди савдогар қизи. - Юзтача одам уни ҳаммаёкда ахтариб юрганмиш. Бошимизга бало орттирмасмиканмиз?

Абдулин қўлди, аммо қўлги жуда кдскд бўлди.

— У холда августга крлдирмайман, — деди жиддий тортиб.

— Тэгирга бирйула Москвага ташлаб кел, демабман-да.

— Куйинг, гапирманг ушани, — овози дагаллашди Ильзаранинг.

Биринчи кунданоқ Ильзара Жахонгирни оқ ювиб, оқ таради. Бир сидра кийим-бош харид қилди. Элдўзнинг утган йилдан крлган кийимларидан ҳам берди. Икки бола ака-ука бўлди-
к.олди.

Элдўз эркалик кдлганида, Жахонгир индамасдан чидарди. Лекин улар деярли жанжаллашмасдилар. Кенг хонага киришарди-да, машиналарни карвон кдлиб тахлашарди. Огизларидан тулук сачраб уларга мотор овозини беришар, гохида бири ўзбеқ иккинчиси татар тилида хитоб кдлишар, бир-бирининг тилига тушунишмаса-да, бу хеч қандай муаммо тугдирмас эди. Машакдатли сафардан сунг Жахонгир гуё жаннатга тушиб крлгандек эди. Сувдан сесканиш, кўкариб йиглаш, тиш огриги энди уни безовта кдлмаётган эди. Мазали пироглар, таъми тушгача огиздан кетмайдиган сутли бутка, ичи малла конфетлар — бўларни Жахонгир анча вактдан бери бемалол ўтириб емаган эди. Айниккса, баджахд амақиларнинг йукдиги-чи.

Осуда маконда кечган иккинчи хафтада Жахонгир хийла ўзига келиб қилди. Бир куни исмини Ильзарага кайта-қайта такрорлади.

—Сен Асад эмасмисан? — хайратланди Ильзара.

—Йуқ, мен Жахонгийман.

—Онангни эслаёласанми?

~ Онам камокда, — Жахонгир охирги марта ойиси билан кўришган панжарали жой хибсхона эканига энди-энди акди ета бошлаганди.

Ильзаранинг кўркувига кўркув кушилди. Демақ Асад Давлетов номига сохта хужжат тайёрланган. Буни отаси жуда

яхши билади. Бир куни "Жахонгир” деган исмни бежиз тилга олмади... Балки болани Москвага алдаб олиб кетишаётган бўлсачи? Алдовга Абдулин ҳам учган. Алалхусус, ота ва қизи ўз қўллари билан бола угриларига ёрдам беришаяптимикан?..

Изидан тушганлар эрта-индин етиб келишса, Ильзара ҳам, Абдулин ҳам факдт ва фадат мехрибонлик кўрсатган зотлар бўлиб қолиши керак эди. Ота билан қизи Жахонгирни угирлашмаган, далбаки хужжатлар билан шугулланишмаган, жиноятчиларга кумаклашишмаган. Болакайни отасига етказиш кераклигини билишгач, мазкўр ишга бош кушишган, утган вак? мобайнида яхши парваришлаганлар...

Ильзара шуларни уйлади. Жахонгир кечалари уйку аралаш онасини суроклаб йиглаганида елкасидан, бошидан охиста силаб овутарди, оёқчаларини ҳам уқиларди. Бола жувоннинг қўлини махкам ушлаб, багрига босарди-да, киприкларига илинган ёш билан ширин уйкуга кетарди. Баъзан ўзини ухлаганга солиб ётарди. Яна йигласа, бу аёл кўчага кувиб юборишидан кўркдрди.

3

Лайло ўғлини эргаштириб Туркияга жунаб кетган хафта Алиаскдрга Москвадан кунгироқ бўлган эди. Синфдоши Лазиз Москванинг Одинцовосидан яхшигина иш топибди.

— Қизлар ҳам денгиздир? — деди Алиасдар аламини ичига ютиб.

— Жура, кайфиятинг йуқ? — сезиб куйди Лазиз.

—Э, эски машина.

—Хотининг жанжал қилаяптими?

—Жанжал мае... У хужжатга қўл куйдирди.

—Канала хужжат?

— Болани хорижга чидариш учун отасининг имзоси керак- ку. Кдёкдан ҳам қўл куйдим! Ўғлимни Туркияга олиб кетиб колибди.

— Ўзинг қўл куйган экансан, нега сукинасан? Истамаган экансан, хужжатини юзига отишинг керак эди.

—Бўлар иш бўлди, ўғлим COF-OMOH юрса, бас.



—Лайло эхтиёткор-ку, хавотирланма. Бу ёкда келасанми?

—Ҳаммаси жонга тегди, қанот боглаб учаман.

— Алиасдар, — деди Лазиз бир нафас жим тургач, — нега гапни халигилардан бошладинг? Хотининг билан "тунги капалак"лар дастидан ажрашгандинг-ку?

— "Мен юрмайман" демодаимисан?

— Оббо, дустим-ей, — ачиниш-ла сўзлади Лазиз, — юришдан нима фойда? Зарилми сенга бегона хотинларни деб ўз хотинингдан айрилиш?

—Ўзинг-чи?

—Мен тавба қилдим. Энди тугри яшайман.

— Лайло ўзи шунада рашкчи, ахмоқ, уришкоқ эди. Мен эркакман! Эркакчиликда бўлиб турадиган ишларни кечирмаган хотин оиласидан жудо бўлади! Бошда хеч нарсага эришмайди!.. Тавба масаласига келсақ пешонамга ёзилмаганга ухшайди.

— Россияда ишлаб, бир нимали бўлиш учун арокдан ва "капалак"лардан ўзоқ юришинг керак. Шу икки офатга илққишеанг, топган-тутганинг совурилаверади, Самардандга кўруқ қўл билан дайтасан.

—Мулла бўлиб колибсан, журажоним.

— Қўпол бўлса ҳам айтаман, икковимиз ҳам эрсиз хотинларга ошиқ бўлиб, оқибатда *ўз* хотинларимиз эрсиз қолишди. Кайтмакайт дунё! Энди кимлардир уларни кўз остига олиб юришган бўлса керақ худди биз бошдаларнингхотинларини...

— Лазиз, бўлди, менга бунада гапларни гапирма! Лайлога тупурдим! Эрга тегса тегиб кетаверсин! Лекин огохлантирганман! Ўғлимнинг кунглини укситса, кўз олдида фохишалик кдлиб юрса, мен уни ўлдираман! Касам ичиб айтаманки, ўлдираман!

— Қизишма, жура. Россияга кел, уйингдан ўзокда бир-икки йил яшаб кўр. Мусофир бўлмасдан мусулмон бўлмас, дейишади. Одам куп нарсани уйдан ўзокда тушунар экан...

Хулласи калом, Лайло ва Жахонгир Истанбўлга кетгач, куп утмай Алиасқар дусти Лазизнинг ёрдамидан умидвор холда Москвага учди. Лайло дамокда олиниб, Жахонгир бегоналар Қўли да қолганидан кейин Гулчехра Сеньоритага, Сеньорита

Абдулинга берган когозчада ёзилган "Москва области, Одинцово райони, Дунай кўчасидаги уттиз биринчи завод ётокхонаси, Ҳамидов Алиаскар" деган ёзув мутлақо тугри манзилнома эди. Дастлабки ҳафталарда Алиасдар худди уша манзилда Лазиз билан бирга турди. Жахонгир ит азобида Истанбўлнинг Европа кисмидан Кавказ этакларидаги Карсга, Карсдан Тбилиси оркали Бокуга, сунгра Оренбургдан Козон шахрига — Ильзара карамогига келган кезларда Лазиз бошка иш топди.

— Алиаскар, бу ердан кетамиз, — деди у. — Сенга иккита] янгилик айтаман.

—Негадир аллакаёкдарга кетгим келаяити, — деб Алиаскар паспорти орасидан ўғилчасининг суратини чикарди.

—Жахонни согиндингми? — каравотга чукди Лазиз.

—Соганмай бўладими?! — кўзига мунг ўтирди Алиаскарнинг. Кейин суратни паспорт орасига жойлаб, кутилмаганда деворни муштлади. — Лаънати! У ёкда нима иш қилиб юрганини биласанми?

—Лайломи?

— Сенга айтмагандим, журажон! У Истанбўлда кари миллионер кампирнинг тувагини тозалаб юрганмиш! Менинг; ўғлим энди чурининг боласи! Тасаввур қилаяпсанми, чурининг] боласи! Уйдагиларга бундан кейин Лайло хакида гапирманглар, дедим. У хқакда эшитишни ҳам истамайман!

—Ўғлинг билан гаплашмаганингга канча вакт бўлди?

Алиаскар бошини чангаллади.

— Охирги марта бахорда кўргандим. Туркияга кетганидам бери гаплашганим йук Юрагим сезаяпти, ўғлим га бир нима бўлган...

—Нафасингни ел олеин, ундай дема.

— Кунглимга қил сигмайди... Менинг айбим нима? Хотииимга хиёнат қилдим, тан оламан! Лекин Жахонгир нима учун чет элларда чури боласи бўлиб юраркан?

— Чури деб жуда ерга уриб юборма. Лайлога осмондаги ойни олиб берганинг йуқ, кунини кўриб юргандир-да. Колаверса, уй хизматкорлиги бутун дунёда санъат даражасиг!

чиккан- Хозир аламзадасан, Алиаскар! Ўзингча Лайло ва **ўғли** я гни кдндайдир бойнинг қўллари деб тасаввур қилаяпсан.
— Уйдагилар билан кунгирокдашганимда Лайло хасида ran очишдан гижинаман. Уйдагилар ҳам индашмаяпти. Жахд устида Россиядан кайтиб келишимга ёки Истанбўлга учиб бориб, Лайл они бир нима қилишимдан кўрКИшаяпти.
—Кел, Жахонгирни мен сураб бераман.
—Йуқ.
—Унда нима қилмокчисан?
—Ўзимни овутишим керак.
— ТаҒНН муштлашувдан сунг алахсираётган бўлма, - бармокдарини кисирлатди Лазиз (бунга жавобан Алиаскар сукинди). — Иккинчи янгиликни эшит, бир киз билан таништираман.
— Бошладингми? — бошини кўтарди Алиаскар. — Жа муллага айлангандинг-ку?
— Мен унга уйланаман. Розилигингни олмагунимча сендан ҳам сир тутдим. — Лазиз катъий охангда кушиб куйди: — Хотинбозликдан энди Худо сакласин.
—Россияликми?
—Озарбайжонлик.
— Ишонмайман, сен озар кизига уйланмайсан, — қўл силтади Алиаскар. — Устимдан қўлаяпсан, баччагар!
— Исми Флюза. Хоналарида яна бир киз бор — Аида. Якинда Бокудан бир укдтувчи қиз ҳам келганмиш, исмини Нурсоч дейищди. Лекин унисини хозирча кўрганим йук-
— Нурсоч? Зур исм экан, — пичинг кдвди Алиаскар. — Танишсаммикан?
— Сени бўлажак хотиним билангина таништираман. Флюзанинг дугоналари эса сен уйлаганлардан эмас, билдингми?
Икки дуст куч-кўронини кўтариб, завод ётокхонасидан Москва бикинидаги ижара уйга кучишар экан, факат Рустам Деган йигитгагина манзилни айтдилар. Алиаскар уч кун аввал Kaқвахондла моддованлар билан ёкалашган, шира-кайфларидан қирининг кўзини кўкартирган эди. Ўзун-қўлок гапларга кўра

шу **хафта** бир неча йигит Алиасқарни кўчага алдаб чакдриб, 1 крнга белаб кетишлари мумкин экан. Заводда ҳам, ётокқхонада 1 Ҳам уларнинг хешлари бор, тўзоққа туширишлари кдйин | эмасди.

Янги макон Алиаскдрга ёкди. Эртасига улар чиройли кийимларини кийиб, кўчага чиқишди. Бугун Флюзанинг | туғилган куни эди. Гипермаркетга кириб, совга олишгач, такси і тўхтатдилар.

— Шунча вақт мендан кдндай сир тутдинг? — дустининг. елкасига қокди Алиаскар. — Качон, қаерда учрашдинг, а?

—Интернетда, — деб жавоб берди Лазиз.

— Нима дединг? Интернетда? - шартта тўхтади Алиаскар. 1

— Сени эс-хуши жойида, тўзуккина бола десам, гирт ахмоқ і экансан-ку!

—Интернетда танишиб, турмуш кўриш мумкин эмас ми?

—У билан учрашиб юрибсан, деб уйлабман.

—Юзма-юз ҳам учрашганман, — деди Лазиз.

—Одам эмассан!

— Айб ўзингда! Фахм-фаросат бобида бир оз етишмовчилик 1 бор.

—Кимда?

—Сеида.

—Интернетда дейишингга бало бормиди, акдли?

— Ростини айтиб ҳам рахмат эшитмайманми? | "Одноклассники" сайти деб эшитганмисан? БизЗ танишганимиздан сунг "одно" оркали гаплашиб туришга кдрор | қилдик. Хадеб учрашавериш иккимизга ҳам тугри келмади.1 Бошида у ҳам Одинцовода эди, энди бу ёкда кучди.

— Шунинг учун мени ҳам Одинцоводан кучириб кетдингми?! Бўларнинг ҳаммаси битта қиз учун эканини билганимдами...!

— Одинцовода яна бир хафта яшаганингда молдованлар ё сени ўлдирарди, ё сен улардан бирини ўлдириб, кдмалиб кетардинг.

— Одоблилар! Айтдим-а туш чоги туғилган кун нишонлайдиган антикд мавжудотлар қаёкдан пайдо бўллит деб!

Куп утмай улар трамвай йули ёкасидаги ойнаванд ресторан ёнида тўхташди. Лазиз соатига каради. Киз интернетдан юборган мактубида худци шу соатда трамвайда боришини маълум қилганди.

—Кечикаяпти, — деди Лазиз.

—Интернетчилар!.. Умуман кррасини ҳам кўрсатмаса, хеч ажабланмаган бўлардим.

— Интернетга нега осилаяпсан-а? Ёмон эски одамсан-да, Алиаскар! Бир тепайми?! Интернетда ёлгон гаплар ҳам бўлади, лекин мен севгилим билан рост гапларни гаплашаман. Ким интернетга шубха билан караса, к;арайверсин! Ям-яшил чирок!

— Хул, хуп, интернет хотинмидики, унинг учун ёкамдан оласан, жура, — мазах қилди Алиаскар.

Бир вакт такси тўхтади. Йигирма беш ёшлардаги икки киз тушди. Якинрок келганларида, сочи турмаклангани юмалок юзли, буйдор ҳамрохидан ёш экани билинди.

— Униси Нурсоч бўлса керақ — деди Лазиз сочи турмакланган кизга имо қилиб. — "Азарбайджанка".

—Тавба, "бўлса керак" деганинг нимаси?

—Хали кўрганим йуқ дедим-ку, хит!

—Куёв бўлмай ул, мулла! — туртди Алиаскар. — Наригиси хотининг бўлса, ейди сени! Юз фоиз кафолат! Кўзлари ёнишини кара! Вой, ойижон! Кўркиб кетаяпман!

Лазиз ва Флюза масофа сакдаб, жилмайиб хол сурашдилар. Флюза кечикканлари учун таксига ўтирганларини гаи орасида Кистириб утди. Гап пулда эмас, гаи ваъдада эди. Лазиз хадеб трамвай бекатига карайвериб кўзлари тешилиб кетган эса-да, бўлажак ёрини кечирди.

қ Алиаскарга дустининг топгани ҳам, дугонаси ҳам ёкмади. Уртада кўзга кўринмас калин парда борлигини хис этди. Шу вакгга кадар Алиаскар ҳаё пардасидан мосуво кизлар билан гаплашиб урганиб колганди. Бўлар эса гуё укитувчилар эди-ю Алиаскар укувчи...

Дарвоке, иккиси >қам ростдан укитувчи эди. Алиаскар вужудини камраб олган хижолатпазликдан тентаклик билан КУтулишга карор қилди.

— Дустим Алиаскар, — деб таништирди Лазиз.ресторанда.

—Дугонам Нурсоч, — ёнидаги кизга и шора қилди Флюза. Алиаскар атайин уткир арокдан ичди. . * ...•

— Сиз татарсиз, — деди у Флюзага, — Нурсоч эса озар. Топдимми?

—Миллатшуносмисиз? — истехзоли қўлди Флюза.

— Йуқ бу одам бир вактлар жинни бўлган, ушандан айрим асоратлар колган, хафа бўлмайсизлар, — гапни илиб кетди Лазиз. Сунгра дустига "Ўзингни одамга ухшаб тут" деб пичирлади.

— Галати одатларингиз купми? — суради Флюза Алиаскардан.

— Ростини айтсам, икковларингиз роса топишибсизлар, — деди Алиаскар. — Биз дугонангиз билан нариги столда ўтирганимиз маъқўл шеқилли.

— Гапни олиб кочма, — деб Лазиз Алиаскарнинг елкасига қўл ташлади. — Интернетни ёкгирмаслигингни гапир. Шундан бошка ёмон одатинг йуқ тугрими, ошна?

— Интернетни Нурсоч ҳам ёкгирмайди, — қўлиб юборди Флюза. — Афсус, у билан тенг эмассизлар-да. Биз эмас, сизлар топишган бўлардингиз!

— Нега тенг эмасмиз? — дея Алиаскар Нурсочга караб куйди. Қиз бетокатланди. Мажбуран келгани шундагина сезилди.

— Мен ҳам ажрашганман, Лазиз ҳам. У эса... — Флюза бош чайкади.

— Ажрашмаганми? Нега шундай "бахт"ни ўзига раво кўрмади?

— масхарабозликка утди Алиаскар. — Уйланганимдан сунг бир йил ҳам утмай хакикий бахт ажралишда эканини тушуниб...
:

—У турмушга чикмаган, жигит! — Флюза гапни кесди.

— Хм, шунака демайсизми? Лекин тенг эмаслигимизга асоссиз асос экан! Элликта боласи бор одамга ҳам кизлар тегиши мумкин.

—Сиз одамлар хакида гапиринг, илтимос, — деди Флюза,:

—боядан бери гапингиз чорвадорликдан нарига утмаяпти.

- Кимга бегона одам шшщимлик қилса, хакоратини дарда тутмасин... Олдикми?
Ширин винодан тотинган бўлишди.
—Мен борай, — деди Нурсоч сумкасини қўлига олиб.
Бир нимани сурамокчи эдинг? — дугонасига саволомўз тиқилди Флюза.
~ Йуқ, керакмас, — деди Нурсоч асабийлик билан.
Алиаскар ва Лазиз жиддий тортишди.
Ўзр, хазилимиз ёкмаган бўлса... — деди Лазиз.
— Гап бунда эмас, у Озарбайжондан якинда келган, — деб Флюза Нурсочнинг ахволи-рухиясига изо* бераётган эди, Алиаскар:
— Нега энди уни ёлшз куйиб юборарканмиз?! — дея урнидан турди. — Янги келган бўлса, нишонлаймиз! Хозир кетса, биз хакимизда нотутри хаёл юрагига мухрланиб кол ад и... Исмингиз нима эди? Нурсочми?.. Менга каранг, синглим, ҳаммамиз мусофирмиз. Агар сизга ёмонлик тилаётган бўлсам, тил тортмай улай! Лазиз Флюзага мен ҳакимда етарлича гапирганга ухшайди. Ха, мен уйланганман, битга болам бор!
Нурсоч даврадагиларга қўлумсиради.
~ Таваллуд айёмини яхши утказинглар, — деди-да, эшик томон юрди.
—Хой...
Илтимос, мени кўзатманг, — Нурсоч ортига кайрилиб Катьият ила сўзлаган эди, Алиаскар суппайиб колди.
— Куяверинг, хозир унинг эс-хуши жойидамас, - шипшиди Флюза.
—Нима учун? — Алиаскар ва Лазиз баравар савол беришди.
Интернетда уч ёшли жиянчасининг видеороligини кўрибди, — тушунтирди Флюза. — Нурсочнинг севган йигити ичганми, чекканми, зиёфат чогида боланинг... тасаввур Қилинг, уч ёшли боланинг оғизига калампир тикиб юборибди! иттамас, иккита! Шу йул билан Нурсочдан уч олганмиш! ша роликни кўрганидан бери ўзига келолмаяпти.
—Худо уради унакаларни, - кайфияти бўзилди Лазизнинг. Еш болага калампир едирибдими? Кдерда бўлибди бу вокеа?

—Бокуда. ,'

Алиаскар бир зум чайкдлиб турди.

— Нима, жиянининг якинлари йукмикан? — деди стул га ўтириб. — Зиёфат деяпсиз, демақ атрофида одамлар куп бўлишган... Улар ҳам овсар экан-да! Мен уша захотиёк ўлдирардим нокасни!

— Сенга ишонса бўлади, - деди Лазиз, - асабларинг жойидамас...

—Асабим жойида, аммо иплари ўзилган.

— Флюза, — севгилисига каради Лазиз, — бу дустим бир молдованни уриб қўлатди, нега дейсизми? Молдован богчадан| ўғилчасини олиб кайтаётиб, кахвахонадан ичиб чикибди. Бизга ] хиралик кдтганди, Алиаскар "Нега гўдак етаклаб юрган холда | арок ичдинг?" деб мушт солди. Роса жанжал бўлди. Бола йиклаган, отаси сукинган... Уша йигит боламни етаклаб бориб, кўз олдида сени ҳам дуппослайман, деб касам ичди.

—Бечора бола, - хурсинди Флюза.

— Менинг ҳам уч ёшли ўғлим бор... ўғлим эсимга тушиб кетди... — ўзини окдади Алиаскар.

—Шу сабаб боланинг кўз олдида отасини урадими? — деди Лазиз. — Хафа бўлмайсиз, Флюза, дустим шунака галати феъл | сохиби!.. Ким хакдигини билмайсан киши.

— Тугри... — деб куйди Флюза. Бир оздан сунг охиста суйлади: — Нурсоч сизларнинг Самарканддан j эканликларингизни билиб бу ерга келганди. Нималарнидир сурамокчи эди, лекин хазилларингиз ёкмади. Кеча бир самаркандликни учратиб, Самарканддаги кайсидир мехмонхонани суриштирган экан, "Уйнашингиз билан дам] олишга борганмисиз?" дебди.

— Бефаросатлар ҳамма шахарда учрайди, — деди Лазиз. - Хакикатан, Нурсочга Самарканддаги мехмонхона нега керак экан?

—Бировни излаётганмиш.

—Сахродан кум ахтармокчими?

— Балки кумнинг сахросини ахтармокчидир? — ўзига арок Куйди Алиаскар. — Мен яхши одам эмасман, ёмонман... Арок ичаман, чекаман, хиёнат қиламан...

— Алиаскар, - деди Лазиз, - хотиииигга аввал хиёнат қилгансан, хозир эса ичишни ҳам, чекишни ҳам камайтираётганиигга гувохман. Тугри, бугун сал куп роқ ичаяпсан. Аслида яхши одамсан, оилангда даданг билан аянгнинг бир-бирига мухаббатини кўрмай усгансан, холос. Аянг дадангга хукмини утказгани сенда аёллардан КЎРКИШ туйгусини уйготган. Хотин зотини куч билан ушлаш шарт, бўлмаса дадамга ухшаб коламан, эркак киши кўчада ким билан дир юриши керақ ичиши, чекиши оддий хол, шу одатларига карши чиккан хотинни жазолаб, ўз хукмимни утказишим даркор, деган фикрлар миянгга кдттиқ урнашган. Истайсанми, Лайлога кунги рок қиламан, сени яраштираман, ўғлингни... ўғлингни...

— Жахонгир...

— Ха, Жахонгирни сен билан гаплаштираман.

Алиаскарнинг ковоғн солинди. Лазиз тушунди, дусти хохдамаяпти. Лайло билан муносабати шунга етиб борганки, Алиаскар ажрашишга, яъники ўғлидан айро яшашга рози бўлган. Рози бўлгани учун ҳам ажрашди-да. Энди эса юртдан олисларда Жахонгирни кун сайин согинмокда. Согина туриб ҳам Лайло оркали жигарбандининг овозини эшитишга ўзида куч тополмайди.

—Мен... мен сабр қилишим керақ — деди Алиаскар ўзига- ўзи. — Лайло ҳам чет элда умрбод колиб кетмас, мен ҳам Москвада юрмасман... Ўғлимни кўраман, келгуси йил бўлса Ҳам кўраман-ку, ахир...

Флюзанинг тўғилган кунидан сунг Лазиз уйига, Самаркандга КУнгирок қилди. Россиядан муслима келин топганини айтган эди, онаси кайгурди, отаси сукди.

— Хотининг турмушга чикаяпти, — деди опаси газаб билан. ~ Пул ни мул-мул ишлаб кел-да, эрга тегмаган кизлардан топиб, уйлан, кўзини куйдир унинг! Флюза деганинг ким? Ўзингни ҳам, бизни ҳам махаллага шарманда қилмокчимисан?

~ Бўлди, сизларга сир айтмайман, маслахат ҳам олмайман, ~ аразлади Лазиз. Кейин Алиаскарнинг гам-аламини эслади. ~ Опа, айтгандай, Алиаскарнинг ма-халласига якдн турасиз,

унинг хотини Туркияга кетиб колибди, деб эшитдим. Уч ёшли 1 ўғилчаси ҳам Истанбўлда экан. Ўзи оиласи хакида лом-мим ] демайди менга.

— Эндигина шу хакда гапирмоқчийдим, хали ] эшитмадингми?

Оиасининг овози фожиавий охангда ўзгаргани Лазизнинг 1 этини жунжиктириб юборди.

—Нима бўлди? — юраги гул-гул урди.

— Лайлони Туркияда камаб куйишибди. Аввал бир кампирнинг улимида айблабди. Энди куйиб юборамиз 1 деганида, Интерпол Америкадами, Финляндиядами, Техрон Абдурасуловни ушлаган экан, Лайлони ҳам тортиб кетибди. ]

—Б... банк каттасими?

— Ха. Уни суд кдниш учун чет элдан Самаркандга олиб ] келишди. Лайло Техрон Абдурасуловга ёрдамчими, котибами... ] кимидир бўлиб ишлаган. Лайло халиги кампирнинг улимида 1 айбсиз деб топилган жойида, кредит буйича яна камокда 1 олиниб, тугри бу ерга жунатилибди. Хозир Самаркандца икковининг ҳам суди бўлаяпти. Техрон Абдурасулов ун йилга, | Лайлони камида беш йилга кетади, дейишди.

— Вух! Чаток ишлар бўлибди-ку! Алиаскарга совук хабарларни уйдагилари атайин айтмаган, чунки журамнинг 1 асаби охирги пайтларда жуда таранг...

—Лазиз, бу ёгани эшит!

—KynoFHM сизда, опа.

— Алиаскарнинг ўғилчаси йук эмиш.

— Тушунмадим...

— Лайло Истанбўлда камокда ўтирганида, ўғилчасини озарбайжонлик бир одам ижара уйига олиб кетган экан. Болани! Самаркандга юборамиз деб ўзимиздан борган бир савдогар аёлга топширибди. Савдогар аёл болани яна бировга бериб, квартирасига кайтаётганида, машина уриб кетибди. Аёл шифохонада улибди. Энди бола кимда, каерда, хеч ким билмайди.

—Жахонгир хеч каерда йукми?

— Биз ҳам кеча эшитдиқ лекин йукщганига икки ойча бўлганмиш.

— Нахотки, топилмаётган бўлса? Полиция, элчихона... хабардор кдлинибдими?

— Хабардор қилинган, лекин бола бечора топилмаётган эмиш. Лайлонинг Собир деган акаси Истанбўлга ҳам бориб келди. Расмларини полицияга берганмиш, Туркиядаги газетада ҳам эълон қилдирганмиш. Фойдаси бўлмабди. Мана, Туркиядан дакдқама-дакдқа хушхабар кутиб ўтиришибди. Поччанг махаллага чиққанди, эркаклар "бола энди топилмайди" деганмиш. Рост-да, уч ёшли бола бўлса! Чет эл бўлса! Кдёкдан ҳам топил ад и!.. Ҳамма айб Лайл ода! Болангни чет элга олиб кетиб улиб бораяпсанми, ахмоқ!

—Лайло қай ахволда экан?

—Тентакка ухшаб қолган дейишди.

Лазиз телефонини учириб, каравот четига чукди. Алиасқар "хотиним Туркияда кампирнинг тувагини тозалайдиган чури", "ўғлимга чурининг боласи, деб ирганиб қарашади" деган уйлардан даргазаб. Юз берган кунгилсизликяарни эшитсами!..

Икки хафта сир тутди. Учинчи хафта бошида сабр косаси тулиб, Алиасқарга деди:

—Уйингга кунгироқ қилдингми, жура?

—Уйимни эслатма, — қоши чимирилди Алиасқарнинг. — Унутмокдиман... Шундагина менга осон бўлади...

—Ўғлингни ҳам унутасанми?

—Унутолмайман уни! Унутолмайман! — Алиасқар уриидан туриб, пиво идишини деворга отди. — Бугун Жахонгирнинг тўғилган куни! Бугун туртга кирди! Бугун у... отасиз, ўтирибди... Лайлонинг хўжайинлари чурининг боласи тўғилибди-да, деб мийигида қўлиб куйишаяпти!.. Лайло мени ресторанда бир қиз билан ушлаганди. Энди уйлаб қарасам, унинг ўзи нима қилиб юрганди ресторанда? Мен чиндан фаросатсизман, Лазиз!.. Юр, ичамиз! Ўғлимнинг тўғилган кунини нишонлаймиз! Флюзаникини нишонладинг-ку!.. Кетдикми?

~ Рустам қунгироқ қилаяпти, — деб Лазиз телефони экранчасига қаради.

— Рустамни нима кдиасан? У Одинцовода бўлса, келармиди ишни ташлаб?! — Алиаскар Лазизнинг телефонини тортиб олиб, учирди. — Фа кат иккимиз... иккимиз ўтирамйз!
Икковлон кахвахоналардан бирида ичишаётганида, Лазизнинг телефонига Рустамдан "sms" келди: "Нега телефонларинг учган? Алиаскарни бола етаклаган бир одам сураб юрганмиш. Молдованлар "махсус операция" бошлаганга: ухшайди. Эхтиёт бўлинглар..."
— Шундай бўлиши аниқ эди-да! — ўзига-ўзи гапирди Лазиз ва четрокка чиқиб, кунгирок қилди: — Рустам, ўзр, телефонимни боя Алиаскар учириб куйганди. Хозиргина ёккандим. Нима ran Одинцовода?
—Ўз кўзим билан кўрмадиму бировлардан эшитдим.
— Боласини ҳам етаклаб келганмишми? Эси жойидами у молдованнинг?
— Билмадим, жура. Нариги цехдаги Нигмат деган новча айтиб қолди. Алиаскдрда мухим иши бор экан, болани топширармиш, деди. Лекин молдован демади, кдрк ёшлардаги татар эмиш.
—Болани топширармиш? Кимга?
— Тугриси, гапига тулиқ тушунмадим. Цехдагилар Алиаскарнинг кучиб кетганини, бу ерда бошка таниши ҳам, кариндоши ҳам йукдигини айтишибди. Мабодо кимдир ҳамшахар эканимни гуллаб куйса нима дей? Эски гапми?
— Албатта! Нимадан кўркасан?! — деди Лазиз. Сунг тишини кавлаб, Алиаскарнинг ёнига кайтди.
—Нима ran? — бўзрайди Алиаскар.
—Молдован завод ётокхонасига боласи билан келибди.
—Тентак!
—Э, куй, эсламайлик ушани, — қўл силкиди Лазиз.
— Эсламаслик учун гапирмаслик керак эди, — янада асабийлашди Алиаскар.
Лазиз тушунди: уртогининг фикр-хаёли ўғлида. Оилавий хаёт йуллари агдар-тунтар бўлганлар купинча шундай согинчли куйга тушадилар. Бус-бутун оила шунинг учун ҳам бахтки, у

бус-бутун. Синик кўзгуни эса бутун урнида кабўл кдттишса- да, барибир у синик кўзгу.

Кдхвахона шовкин-суронини унутиб, ўз хаёлларига гарк бўлишди. Уртадаги қўлдонда эзилган сигарета колдикдари икки-учтага купайгач, Алиаскар бошини кўтариб, кутилмаганда деди:

— Лайло билан ярашсаммикан?

Бу гаи Лазизни сескантириб юборди.

—Яр... ярашармикан, жура?

— Нега довдираяпсан? — энсаси к$^{\text{ОТ}}$ди Алиаскарнинг. — Одам ўлдирганлар ярашади-ку, мен бир эркакчилик қилиб куйган бўлсам, куйибман-да.

— Довдирамадим. Шунчаки... Лайло сени ушлаб олган, ажрашгансан, у... у чет элда... — мужмал сўзлади Лазиз.

— Ушлаб олган бўлса-чи? — оловланди Алиаскар. — Нима, энди буйдок йигит уйланармиди унга? Агар иккинчи марта турмуш кўрмокчи бўлса, барибир бошка бир аёл билан яшаганга хотин бўлади. Шундай экан, менга куниб яшагани яхши эмасми? Уртада ўғлимиз бор... Шуларни тушунтирсам, уйлаб кўрар.

—Ўзинг биласан...

— Лазиз, сенга тушунмаяпман, нега ўзгариб колдинг?

— Ўзгарганим йуқ уша башара, уша туркман, — ер остидан Караб куйди Лазиз.

— Аввалляри "яраш" деб миямни ачитардинг, хозир Кандайдир...

— Ўзинг биласан, деяпман-ку, жура! У кечирса бўлди, ярашасан-да!.. Т>три айтдинг, Лайло сени хиёнатда айблаб, ажрашди, лекин умрида бошка аёлнинг қўлини ушламаган эр тополмайди. Иккинчи марта турмуш кўрса, хотини билан ажрашган ё хотини улган дуч келади унга. Сен хдксан, юз фоиз хаксан.

—Кунгирок қиламан...

Лазиз бошини ушлаб, уф тортди.

—Шунинг учун кўркиб кетдим, Алиаскар! — деди у.

— Нимадан кўркиб кетдинг? — бир қоши чимирилди Алиаскарнинг.

—Сен Лайлога кунгароқ қилолмайсан.

— Ракамларини эртага топаман. Бугун эса уйдагилар билан гаплатаман. Кдоримни айтаман, хурсанд бўлишади.

— Гаи бундамас! Лайлонинг ракамлари йуқ! — бакирди Лазиз.

— Ўзингга ўзинг нега кичкирасан? — Алиаскар ниманидир сезиб, сергакланди.

— Алиаскар, сенга айтолмай юргандим, Лайло камокда...] Унинг суди бўлаяпти...

—Кдмокда? - кўзларида кўркув зухурланди Алиаскарнинг.

— Жахонгир-чи? Нанасига топширишибдими?

Лазиз индамади.

—Кимдан, качон эшитдинг?! Кдердаги камокда?

—Самаркандда... — деди Лазиз.

_ Алиаскар дустининг ёкасидан тутган эди, куйиб юборди. Урнига ястланиб угириб, кадахга қўл чўзди.

— Ўғлим бекорга тушларимга кириб чикмаётган экан-да...; "Дада, дада, мени олиб кетинг" дейди... - Алиаскарнинг кўзларига ёш куйилди. — Тушларимда шундай йиглайди, j шундай йиглайди, худди биз хрч качон учрашолмайдигандек... Аясини хойнақой банк ишлари буйича камагандир? Туркиядан ' депорт қилдириб келишган-да уларни?.. Вох, ўғлим-а, анча сарсон бўлибди... Ҳаммаси Лайлони деб! Унинг дастидан! Банкда ишлаганида Техрон Абдурасулов қўл куй деса, қўл куяверган! Бунинг ҳам тагида бошка ran бўлиши мумкин! Мен ҳаммасини аникдайман хали!

Лазизнинг кўзларида дахшат акс этиб турарди.

— Самаркандга кетаман, - деди Алиаскар. - Ўғлим аясисиз бир кадам ҳам юролмасди... Аяси камокда бўлса, нанасига куниколмай йиЕлаётгандир... Ростини айтсам, Жахон эрка... Эрка-ю аммо акдли... Мен эртагаёк кетаман, жура... Ўзи ўғлимнинг ёнида бўлолмаётганимдан юрагим эзилиб юрганди.

— Алиаскар...

—Нима дейсан? — **кадах** кўтарди дунёи дундан бехабар ота.

—Шу билан ярашиб ҳам кетаман... Ахир, камалган хотинга

ким уйланарди? Бу гапим билан мени пасткаш дема, — истехзоли қўлумсиради Алиаскар. — Мухими, оиламни ямайман.

—УЕЛИНГ йуқ журажон...

Алиаскарнинг чап ковоғн учли.

—Нима деб валдираяпсан?

— Лайло камалганидан сунг, — деди Лазиз, — уилинг йуколиб колибди.

—Тушунмадим! — Алиаскар Лазизнинг ёкасига энди росмана чанг солди, стаканлар полга тушиб, жаранглаб синди. — Жахонгир хакида гапираяпсанми, хув бола?! Менинг ўғлим хакида шундай деяпсанми? Аясини излаб кўча-пучага чикдб кетибдими? Кқачон? Качон деяпман?!

— Май ойи охиридан бери йук эмиш... Ўзинг кунгирок қила Кол, уйларингга...

—М... май? Май?! Нималар деяпсан? Лайло качон камалган? Майдами? Шунча вактдан бери нега мен бехабарман?

— Хотининг Туркияда бир кампирни ўлдиришда айбланиб камокка олинибди. Уша куни Истанбўлдаги ўзимизнинг самаркандлик хотинлар Жахонгирни ижара уйларида олиб колишибди. Лайло камаладиган бўлса, ўғлини ўзимиз Самаркандга юборамиз, дейишибди. Лекин...

— Ўғлим Туркияда йуколибдими? — кўзлари олайди Алиаскарнинг. — Гапирсанг-чи, Лазиз!

-Ха...

Алиаскар тошдек котиб турар, пешонасини совук тер босгани кўринар, kobofh ҳамон пириллаб учар эди. Лазиз уни кандай юпатишни билмасди, қўлидан келгани — хакикатни айтиш. Улган одамнинг жигарларига "бандалик" дейилади ва Хеч ким мархумни тирилтириш хакида уйламайди. Лазиз ҳам жанозада улик эгасига тиқилиб тургандек сезди ўзини. "Энди фойдаси йуқ топилмаса керак", деб уйлади ва Алиаскарга жуда-жуда рахми келиб кетди.

— Майдан бери йукми? — лаблари шивирлади отанинг. — Туркияда... Чет элда йуколган... Эй Худо...

— Ҳамма ахтараяпти... - деди Лазиз. — Топилади... Яхши ният қилайлик.

—Истанбўлда йуколган, шунаками?
—Истанбўлда...
—Истанбўлда дегин...
-Ха.
— Лайлони **ўлдириш** керак!
— Самаркандлик савдогар хотин ўғлингни кимгадир олиб борган. Кдйтишда хотинни машина босиб кетган, шу сабаб Жахонгирни кимга берганини хеч ким билмайди. Балки ўғилчангни олган аёл кдйтариб келар? Нима қилади бировнинг боласини сакдаб? Газеталарга эълон берилибди, Тур кия полицияси ҳам ахтараётган экан.
—Кдраб туришга олган бўлса, нега кайтармади шу вактгача?!
—Алиаскарнинг буйин томири буртиб чикди.
— Балки энагага пул беришгандир, икки-уч ойдан сунг онаси Ўзбекистонга олиб кетади, деб! Шунга хотиржам юргандир...
— Сен... сен нега яширдинг мендан? — елкалари силкиниб йиглаб юборди Алиаскар.
— Якинда эшитдим...
Алиаскар гандираклаб кахвахонадан чикди-да, йигирма- утгиз кадам юриб, тиззалаб й и қилди. Овози борича укириб йиглаб, ер муштлади. У совук хабарни эшитган ондаёк "ўғлимдан бир умр жудо бўлдим" деб уйлаган эди.
— Тирик эканига шукр қил, — Лазиз урнидан тургизди. — Топилади, жура, топилади... Хархолда тирик-ку! Улди деб хабар келганида нима қилардинг? Улимдан сакдасин!
— Крч! — Алиаскар итариб юборган эди, Лазиз асфальтга аганади. — Жахонгир! Жахонгир ўғлим! — фарёд урди Алиаскар.
— Кдердасан? Кўркма, мен сени топаман!.. Топаман! Факат улган бўлма!.. Улган бўлма! Мени кечир... Менинг ҳам айбим бор, болагинам...
—Алкаш! Қора! — сукиб утди бир йуловчи.
Алиаскар йуловчига ташланмокчи эди, Лазиз ушлаб колди.
Эртасига Алиаскарни аэропортга олиб борди. Бебахт ота ўзини бутқўл йукотиб куйган, абгор бир ахволда эди. Чиптахона

эди, Лазиз "ялт" этиб караб, юзи ёришиб кетди. Флюза ҳамхонаси Аидани Бокуга кўзатаётган экан.

— Нурсоч иккимиз бирга турадиган бўлдиқ — жилмайди Флюза.

—Кдни у?

— Нурсочми? Ишга утди. Бугун иш куни. Кўркманг, у сиз хакингизда ҳам, анави уртогингиз хакида ҳам ёмон фикрда эмас. Аиикроқ айтганда, ўзига келиб кщди... Алиаскар нега кетаяпти? Ранг-руйи бошкача?

—Ўғли йуколибди, — пичирлади Лазиз.

—Вой!.. Угарлашибдими ё...

— Хрзирча анигини билмаймиз, — дея Лазиз Флюзага якин сурилди. — Куйинг, яхши гаплардан гаплашайлик. Бу йил уйланиш ниятимни албатта амалга ошираман. Кўрдингизми, умр утаяити, алгов-далгов... Уйдагиларим рози бўлмаса ҳам менга турмушга чиколасизми?

— Якинларининг розилигисиз никохдан утиб, яширинча яшаб юришни гунох хисоблайман, — деб жавоб берди Флюза.

— Лекин биз ошкора, шаръий, конуний турмуш кўрамиз. Мухими, якинларимизнинг фикри эмас, ўзимизнинг ахду паймонимиз.

— Дугонамни кўзатишга чикдим, десам, умр савдомни пиширишга келибман-да, — қўлиб юборди Флюза. — Сиздек йигит билан такдиримни бошашга жон-жон деб розиман, аммо мусофирчиликда эмас. Келишдикми?

—Сизни Самаркандга олиб кочишга рухсат этинг!

— Балки Бокуга борарсиз-а? — буш келмади Флюза. — Туяга янток керак бўлса, буйнини чўзади.

— Келин аввал куёвникига бориши, чимилдикка кириши кераҳ урф-одат билан хазиллашманг.

Флюза гулдек очилиб қўлди, кизариб ҳам кетди. Сунгра суради:

—Самарканд зебо шахарми?

—Таърифга тип ожиз.

—Ҳамма мехмонхоналарни билсангиз керак?

—Сизни мехмонхонага куймайман.

— Борсам, мезбонга айланиш учун бораман-ку, Лазиз, — эркаланди Флюза. — Бошка масала буйича сурагандим. "Шабистон" деган мехмонхонани биласизми?

— Нега билмас эканман, — қўлги аралаш деди Лазиз, — дустимнинг махалласига я кин.

_

—Ростданми? Тўғилган кунимда Нурсоч сурамокчи бўлган жой мехмонхона атрофидаги квартал хакида экан. Афсус, сурамабди-да. Алиаскарнинг ёрдами тегиб колармиди.

— Мехмонхона атрофини квартал дейишмайди, махалла дейишади, тушундингизми, яхши киз?

—Тушундим... Айтгандай, Нурсочнинг телефонидан блутз I оркали видероликни кучириб олдим. Кўринг, хакикатан ачинарли вокеа экан, Бокуда, "Ганж" деган ресторанда бўлган. Нурсочнинг асабийлашганича бор-да... Бу ресторанда бир вактлар Янги йилни нишонлаганмиз. — Флюза телефонини ёкиб, видеолавхани намойиш этди. — Каран г, хозир бир йигит келиб, болакайнинг оғизига калампир тикади, паррак қилиб кесилган аччик калампир... Ярамас, вахший! Дунёда шунака одамлар ҳам борми?! Одам деган номга нолойик!

—Қизишманг, Флюза. Каи и, томоша қилайлик-чи.

Телефон экранчасида Бокудаги "Ганж" ресторани, Нурсоч, Яйла ва бошка кизлар, шунингдек Оскар ҳам намоён бўлди. Кдй-чувга коришган кувнок бахс давом этмокда эди. Видеолавхани интернетга жойлаштиришдан бурун хажмини анча кичрайтиришгани важидан тасвир хирарок эди. Боз устига суратга олаётган Дунё жойида муким туролмаган чоги, кадр худди автомобилда олингандек титрарди.

— Ана, бола, — кўрсатди Флюза. — Четда ўтирибди. Диккат билан каранг!

— Нари борса уч ёшда-ю! Шунинг оғизига калампир тикадими?

Лазизнинг кошлари уртасида чизиклар пайдо бўлди, кўзларида ут шуълаланди. Шу пайт кизлар тудасининг унг томонидан сиргалиб утган бир йигит чапак чалишга ухшаш харакат қилиб, атрофга жавдираб караётган болакайнинг бошидан ушлади-да, оғизига халкачаларни ти£ди. Болакай

дастлаб укчимокчи, кейин ютинмокчи бўлди, аммо туй кус илон чакдандек сапчиб тулгонди-ю чинкдриб йиглаб юборди. Қўлчаларини жон аччигада силкиб, дахшатли азобдан халос бўлолмаётган, сунгра ўзини полга отиб типирчилаётган гўдаккинани жимгина кўзатиб ўтириш акдга сигмасди.
—Вой ифлос! — кўз олди тиниб кетди Лазизнинг.
— Кўрдингизми, сиз ҳам сукиндйнгиз, — деди Флюза. — Кднлай вахшийлиг-а?! Битта қиздан уч олиш учун бегунох болани... Ахир, уч-турт ёшли бўлса ҳам гўдак-ку! Ноинсоф! Йигит бўлмай ул!
—Нурсоч учун шундай кдлганми?
— Ха, собик севгилиси экан. Қизлар уни уласи кдлиб ,руппослашибди, ресторан хўжайини якднда тайинланган ёш йигит экан, у ҳам калампир берган виждонсизни урибди. Шундан сунг энг катта шефи ёш хўжайинни ишдан бушатиб ташлабди.
—Бола Нурсочнинг жияни экани анщдуш?
—Жияним деди, билмасам.
Лазиз уйланиб колли.
— Нега Нурсоч самаркандликларни, "Шабистон” мехмонхонаси атрофидагиларни сураб-суриштириб юрибди?
— Менга аниииши айтмади, кандайдир ўзок кариндошлари бор шеқилли.
— Видеони кайтадан куйинг-да, боланинг юз-кўзига яна бир карай.
Шу он Алиаскар касса ёнида бир одам билан тортишиб колди. Дусти куили рухдй бухронлар исканжасида бўлгани боис Лазиз чопиб бориб, можаронинг олдини олди-да, ўзлари ўтирган уриндикка эргаштириб келди.
— Бугунок учишим керақ — мает одамдек гўлдиради Алиаскар. Кейин Флюзага кизарган кўзларини тикди. - Салом... Сиз билан сурашмадим ҳам... Ўзр...
— Алиаскар, — деди Лазиз, — телефонда бир видеоролик бор, кўрасанми?
-А?
— Флюзанинг тўғилган кунидаги Нурсоч бор эди-ку,'

ушанинг жиянига Бокудаги ресторанда бир йигит калампир едирган. Эшитгандинг-ку бу воқеани... Энг қизики, болакай менга таниш туюлаяпти.
—Нима? Нурсочнинг жияни?
— Бокуда цалампир еган болакай... У ҳам уч ёшда экан. Ма, бир дара...
— Нималар деяпсан?! - Бу сафар Алиаскар ростакам ушкирди.
— Менга интернетдаги видеони томоша қил, демокчимисан? Хозир-а?
— Бир кўр, дедим-да, жура. Мен ҳам чарчаганман, миямга бир фикр келди...
—Фикр-пикрингни видеонг билан кушиб йигиштир!
— Нотугри эканини шу секунддаёктушундим... — қўлларини кўтарди Лазиз.
У телефонии учириб, севгилисига кайтариб берди.
— Алиаскар, эшитдим, ҳамдардман, — деди Флюза хижолатпазлик ила.
— Нега бундай бўлди-я?! — қўлларини мушт қилиб тугди Алиаскар.
— Рахмат деб куй, жура, — деб Лазиз дустининг қўлошга шивирлаган эди, оловга мой сепилиб кетди:
— Йуқ сен нима қилмокдисан мени? — деди Алиаскар. - Бирйула жинни қилмокчимисан? Шундай пайтда видео кўраманми? Ё устимдан кўлаяпсанми?! Аллакандай ёлгон-яшик кадрларни итлар томоша қилсин! Миянгга келган фикрни пишириб е! Тушундингми? Тушундингми деяпман, Лазиз?! Эртага камок эшигини бўзиб кириб, Лайлони суяман! Видеога ол-да, интернетингга жойлаштир! Ана ушанда реал видео бўлади!
Флюза ортик чидаёлмай нари кетди.
— Алиаскар... — деди Лазиз ялинчок товушда. — Кечирасан, деяпман-ку! Флюзанинг олдида бакиришинг шартми?
— Бўлди, гапирма! — тишини гижирлатди Алиаскар. — Самолётимга тинчгина чикай! Бўлмаса, шу ердаёк бировнинг тумшугини уриб ёраман! — У бир нафас тин олгач, кўзларини ола-қўла қилиб вишиллади: — Менга кара, Лазиз, болам

йукрлди, болам! Сен эса кайсидир мамлакатдаги видеороликни кўриб, кандайдир бола учун кўз ёш туқ демокчисан! Мен-а?! Улиб кетмайдими?! Ахир, ўзимнинг дардим ўзимга етади! Ичим ёнаяпти, ичим! Бир тийинга арзимайди кандайдир мухаббат можаролари, битта қиз учун жиянчасига калампир едиришдек ахмокона ишлар! Учинчи Жахон уруши бошланса ҳам менинг дардимнинг урнини ололмайди хозир! Шуни тушун, акд ургатаверма, тикиштирма менга хеч нарсани!

Шундай қилиб, Алиаскар Москвадаги ишини ҳам, Одинцовода бола етаклаган кишини ҳам — барчасини ташлаб, юртига учиб кетди. Самарканд халкаро аэропортида кариндошлари кутиб туришарди. Ҳаммалари Алиаскар нихоятда даргазаб холда бўлса керақ деган хаёлда эдилар, аммо кўриб кўзларига ишонмадилар. Фарзандини йукотган ота бир кун ичида букчайиб, сочларига ок оралаган эди. Атрофга ўғилчаси каби жавдираб караб, кимнидир кидирар, кизарган кўзларида кўркинч, хавотир, тушкуилик акс этарди. Қовокдари йигидан шишган, кўз таглари салкиган эди.

—Энди каердан топаман? — деб жигарларини кучиб хунг- хунг йиглади. — Ёнгинамда юрса бўлмасмиди? Гўдак боши билан Туркияда нима бор эди? Нега олиб кетади? Нима учун бировларга ишониб беради боламни?..

Кейинги кун судга боришди. Алиаскар онаси билан ёнма- ён ўтирди. Милиция ходимлари айбланувчиларни панжара оргига бирма-бир олиб киришди. Техрон Абдурасулов, тепакал, Кориндор кимсац яна бир сарик киши, кора киши, кейин Лайло...

—Аблаҳ ¯ пичирлади Алиаскар, — ўзингни ҳам, боламни Ҳам еб мендан баттар тамом бўлибсан-ку.

— Жанжал кдимасликка ваъда бергансан, — деди онаси Алиаскарга. — Огир бўл, болам.

—Она, туришини каранг бу махлукринг!

—Ўз фарзандингнинг онасини махлук дема.

— Ўз фарзандим... Қани у? Қани? — Алиаскар юзини тусиб, бош эгди. — Кечагина туртга кирган бола... ота-онасиз, чет элда, бегона одамлар қўлида... — Шунда кунглига аввалгидан-

да вахимали хаёллар оралади. — Кимгадир фарзандликка сотиб юборишган бўлса, деб кўркдим. Агар... агар донорликка сотишган бўлса-чи? Ҳозир ўғлим улимини кутиб ётибдими?

Унинг паст овозда айтган гапларини онаси тушунмади. Орадан ярим соатча Ва«j утгач, Алиаскар суд жараёнига диккат- эътибор қилди. Баайни Лайло ва Абдурасулов уртасидаги муносабатлар хакида сўз бораётганди.

—У менга кизимдек эди, — деди собик бошлиқ. — Банкка' етказилган зарарнинг ҳаммасини тулӧлмаслигим аниқ. Бироқ бор-будимнинг бир кисмини шу аёлни озод этиш учун унинг хисобига ундириб олинглар.

Прокўрор эътироз билдириб, нимадир деди. Кейин, бирканча вактдан сунг:

— Мен пулни топиб бераман, — дегани эшитилди Лайлонинг.

—Нимани топиб бермоқчи? — Алиаскар онасига бурилиб каради. — Миллионларними?

— Кудаларда бунча пул йуқ, — совуккина жавоб берди онаси.

— Анави гурсухта пул бераман, деганига дарров ўзгариб қолди.

—Ҳув! — Алиасқар оёкда қалкиган эди, бутун залнинг нигохд унга қадалди. — Аввал ўғлимни топиб бер! Сен еган... йуқ, еёлмаган миллионлар шахсан мен учун оддий қогоз! Мақўлатура! Жахонгирни касофатингга қолдириб, қаерларга йуқотиб келдинг? Тан оламан, — дея Алиасқар панжара томон юрди. — Сенга хиёнат кдлганман! Ҳамманинг олдида айтаман! Магазинчи қиз билан юрганман! Чунки сенда кунглим йуқ эди... Лекин мен давлатнинг пулларини умармадим! Ўзи мни чет элда қўлликка багишламадим! Ўз боламни кимларгадир бериб юбормадим!

Соқчилар Алиаскарнинг йулини тусиб, қўлини оркага кайиришди. Алиаскарнинг онаси дод солган эди, суд раиси деди:

—Онахон, тинчлик сакдамасангиз, сиз ҳам залдан чиқиб кетасиз!

Лайло эри судда катнашаётганини билмаган эди. Даставвал карахт холда кўз ўзмай котиб турди, сунг панжарага ёпишиб

— Номард! Номард! — деб к.ичкдрди. — Ҳаммаси сенинг касофатингга! Ниятингга етдингми? Етдингми, номард?! Кунглинг йуқ экан, нега уйландинг менга? Оилани эплаёлмас экансан, умримни хазонга айлантириб, нега хотин қилдинг? Сен туфайли чет элга кетдим! Ҳаммасини нафсинг бошлади, эр бўлмай улиб кет! Жахонгирни шунча яхши кўрар экансан,

— қон йиглади Лайло, — нима учун... нима учун кимларгадир илакишиб, гулдай умримизни хаdo изларинг билан бўлгадинг?!

— Банкдаги жиноятларингга жавоб беришдан кочиб Туркияга кетгансан! — деди Алиаскар. — Жирканчлигингни менга авдарма!

1 — Бошимда эрим бўлганида чет элга кетармидим, хайвон?!

Алиаскарни судраб олиб чика бошлашди.

— Жахонгир! Болам!.. — айюханнос солди Алиаскар остонада.

—Болам... — зор-зор йиглади Лайло ҳам.

Хаёт бу эр-хотинларни шафкатсизларча жазолади. Уларнинг пешонасига яккаю ёлгиз фарзандининг тобути устида кўз ёш тукиш ёзилгандек эди.

Дарвоке, Лазизнинг суюклиси бўлмиш Флюзанинг ҳамхонаси Нурсоч Жахонгирга вакгинчалик энагалик кдлган уша логопед-муаллима кизнинг шахсан ўзи эди. Видеолавхадаги болакай Ҳам айнан Жахонгир эди. Бокудаги истирохат богида болани тортиб олган Абдулин ва кариндошлари Нурсочни алдашди, бола Москвацаги отаси хўзурига етказилгач, телефонда таплашасан, дейишди. Куп утмай Нурсоч Жахонгир билан чиндан ҳам кунгироклашди, аммо калтис вазиятни юмшатиш учун Абдулин Москвадан эмас, Козон шахридан кунгирок Қилдирган бўлиб, болакай: "Мен отамнинг ёнидаман", деб Ильзара томонидан ургатилган сўзларни айтган эди. Ота ролини эса мардикор йигитлардан бири уйнади.

Бирок шубха-гумонлардан кутулолмаган Нурсоч Россияга ишга келгач, Жахонгирнинг изини суриштириб кўрди. Унга масхараомўз муносабатда бўлган одамларни довда колдириб, Самарканд шахридаги ташқилотларнинг расмий сайтларига

ҳам мурожаат кдлмоқчи бўлди. Айни дамда хафсаласини яна | бир хийла сундирди.

— Жахонгирни унут, — кунгироқ қилди Сусан. — 5 Эшитишимизча, боланинг иши билан Федерал хавфсизлик I хизмати шугулланаётган экан. Бу ишга ижобий J аралашганмисан, салбийми, фаркд йуқ, вақтида қозоннинг Я қопқогини ёпмасанг, бир умр афсусланасан. Жахонгир 1 отасининг қўлидами, тамом! Озарбайжонга қандай келиб | қолгану Россияга қайси йул билан борган, кдсқаси, сен хеч нима билмайсан, укдингми? Кимдир ўзини Ўзбекистондан j деб таништириб, менинг оилам, Абдулин, Жахонгир, айниқса ; ўзинг хакднгда маълумотлар сураса, OFH3 очма. Ўзингни! уйламасанг ҳам, ота-онангни уйла. Қиз боланинг шаъни ҳаммасидан устун!

**4**

Хакдқатан, Ильзара утган вақт мобайнида Жахонгир га онадек мехрибончилик кўрсатди. Абдулин Истанбўлдан қайтганида, Элдўз "Катта атий!" деб югуриб чиққанида, Жахонгир ҳам "Катта атий!" деб кдкдр-кцкдр қўлиб, диконглаб чопди. Иккала болакайга бирдек соBFa улашилди. Элдўз эркатой эмасми, бобосини рашк кдлиб, аразлаб қолганди! Абдулин:

— У ҳам энди менинг неварам, — деди ва "неварам" дейилган! болакайни ўз қўли билан тез орада жаллодга топширишиюя шу тобда хаёлига ҳам келтирмай мамнун қўлумсиради.

Кечки овқат чогида "Маша ва айиқ" мультфильмини ойнаи жахонда намойиш эта бошлашди. Шу хафта утказиладигам профессионал бокс кечаси хозиргина рекламада кукларга кўтариб мадх этилгани важидан Жахонгир қошигини таракдатиб косага ташлади.

— Нима ran, Асад? - суради Ильзара жиддий кдёфада.

— "Маша ва айиқ"қа эмас, боксга куйинг, — ялинчоқ овозда сўзлади Жахонгир.

—"Маша ва айиқ"ни кўраман, ахмоқ! — уни кошига билан урмоқчи бўлди Элдўз.

Жахонгир украйди, аммо Ильзаранинг эркатойига бир сўз деёлмади. Элдўз шундок ҳам ундан кўрККани дарров сезилди:
—Ойи, Асад ёмон бола, - деб чакди лархол.
—Бокс эртага бўлади, рекламада айтди-ку, — деди Абдулин.
- Аразламай овқатингни е, Асад. Эртага боксни отанг билан бирга кўрасан, Москвада. Хурсандмисан?
— Эшитдингми, Элдўз? — гурурланди Жахонгир ва овқатини ейишга тутинди. — Менинг ҳам отам бор, онам бор... Ўзокда бувим, бобом — ҳамма нарсам бор.
—Бор бўлса-чи, илойим, ҳамма уйинчокдаринг синсин!
— Сенга шунакд ёмон гап гапирдимми? — хурлиги келган Жахонгирнинг кўзлари йилтиради.
»- Ильзара, — норози бўлди Абдулин, — неварам каргашни каердан урганди?
—Куирок аёллар орасида усаяити-да, ота, — деди Ильзара.
- Сиз хар доим сафарларда юрсангиз...
— Бу бола эса, хатто, боксга кизикади, — чой хуплади савдогар Жахонгирга нигохини укдек кадаб. — Ахборотинг учун у ҳам сафарларда юради, айникса хотин-халаж билан. Хотин-халаж деганим оддий хотин-халаж эмас, оғизидан боди кириб, шоди чикадиган, арок ичадиган, сигарет чекадиганлар.
— Балки Асад кдмор уйнашга ҳам кизикадиган боладир? Яна ким билади, у ахлоксиздамдир? Факат ўз ахлоксизлигини билдириш учун ёшли к қил ар?
—Жахлинг чикяими, қизим? Мен хаки катни айтдим.
— Ота, ўзингиз ишлайдиган соханинг жирканч тасвиридан хурсанд бўлайми? Асаддан эмас, сиздан хавотир олишга мажбурман. Болани хотин-халажлардан олибсиз-да?
—Онанг каби тергашни яхши кўрасан-а, Ильзара?!
— Хуллас, уни тезрок отасига олиб боринг. Шунча кундан бери буш вакт тополмадингиз. Бир имо билан Тэгирни югуртира оласиз, ушанга айтсангиз бўлмасмиди? Нега энди Тэгир билан бу ергача шартлашдингиз? Нега шунча тижорат ишларини ташлаб, етти ёт бегонани Крзондан Москвага Шахсан ўзингиз олиб бормокчисиз? Ана, пулини беринг, Тэгир *он-жон деб кўрьерлик қилади.

— Яна Тэгир дейсан-а? Ихм... Сен жуда ўзгарувчансан, Ильзара, кечагина уни ёмонлагандинг. Шуни билиб куйки, II бо.ла угирлаб, уйда яшириб ўтирганим йуқ.

— Унда нега Бокуда яшайдиган кандайдир Нурсоч деган!) киз га ёлгондакам кунгирок уюштирдик?

— Масаланинг бу томони билан уйнашма, менга ҳам осон эмас, — деди Абдулин. Сунг болаларга караб: — ЭхА жужахурозлар, — деб куйди. j

Кейинги кун Абдулин Жахонгирни етаклаб, Москва кайдасан, деб йулга чивди. Жахонгир Элдўз билан ҳам, |! Ильзара билан ҳам илик хайрлашди. Бу уй унга мехр берди, 1; бошиана берди, рохат берди, лекин кичик мусофир яна бир || оз кийналса-да, ўз уйига, ўз якинлари багрига етиб олиши || даркор эди.

— "Яна кел", демадингиз-ку, — деди Жахонгир Ильзарага. — « Кимникига борсам, шундай дерди.

—Хул, катта бўлсанг, яна келасан, — қўл силкиди жувон. 1

—Рахмат, — деди Жахонгир катталардек. У ҳамма-ҳаммаси I учун юракдан ташаккўр изхор этаётган эди.

Поезд жойидан жилди. Бола Ильзара карамогадан чиккани 1 учун хурсанд ҳам, хафа ҳам эди. То отаси хўзурига етгунча бундай мехрибон аёлни учратармикан? Бирок унинг мехр- мухаббатини деб Крзонда ҳам кололмайди-да.

Поезд айнан Жахонгир учун Москва сари илдамлаётганга 1 ухшарди. Болакайнинг калби согинч ва хаяжонга шу кадар ] лиммо-лим тулган эдики... Шурликкина "дадамни кўраман",.! дея тез-тез хаёлга толар, "Мени албатта аямга олиб боради"* деб ич-ичидан кувонарди. Онасини уйлаган чогда кўзлари жикка ёшга туларди унинг. Кўзини очса ҳам она эди, юмса Ҳам она. Фавқўлодда матонат билан холатини бошкаларга | сездирмасликка тиришарди. Отаси-чи? Дарбадар болакай она I урнига отани уйлаш харакатига ҳам тушарди. Оз бўлса-да, У дадасини хаёлотида жонлантира оларди. Гохо сабр-токати | тугаб, тусатдан вагон йулагига алангларди. Назарида, дадаси Ҳам ортик кутолмай бир иложини топиб Москвадан учиб

келгану поездга чикдандек ва хозир вагонлар оралаб, хар бир купега бош сукиб юргандек эди.

—Москвага етдикми? — деб суради бир гал.

— Москвага эмас, Одинцово деган жойга борамиз, — бошини силади Абдулин. — У ҳам Москванинг бир райони.

—Отам уша ердами?

— Уша ерда... — деб Абдулин қўлогига шивирлади: — Хайрлашганимиздан сунг мени бир умр унутмайсан-а, ўғлим?

Жахонгир ойнага юзини босиб, урмонни кўриб крлди.

— Унутмайман, - деди ишонч билан. — Урмонга кирсак йуколиб колам изми, катта атий?

— Йуколмайсан.

— Сиз каттасиз, мен кичкинаман. Демақ мен йуколиб коламан.

Абдулин пешонасини кдшиб, урнига чўзилди. У турли кечмишларга коришган дунё хусусида тафаккўр қилди ва:

— Сен ўзи йуколган боласан-ку, — деб тусатдан қўлиб юборди. Бора-бора овози кўчайиб, телбаларчаках-ках уришга тушди. Купедошлари кириб келишганида ҳам савдогар ўзини тиёлмай силкиниб-силкиниб қўлиб ётарди.

Бу қўлги купе деразаси тиркишидан чикиб, рус урмонлари ўзра сўзиб кетди гуё. Эманлар учидаги баргларни титратиб, сунг асфальт йулга шунгиди. Машиналарни ортда колдириб, завод-фабрикаларга етди. Улкан мурилар сиртидаги темир нарвонга кунган кушларни хуркитиб, купкаватли уйларни Кучди. Очик деразадан шувиллаб кириб, очик деразадан шувиллаб чикди. Уйдаги телевизорда "Жди меня" кўрсатуви бўлаётган эди, экранга тиқилиб ўтирган ахли оиладан хеч бири учар қўлгини пайкамади. Аслида учар қўлги хаёлий эди-да. (Лекин учмайдиган қўлги ҳам бўладими?)

Шундай қилиб, қўлги Москвагача учди. Минг бир тиркишдан утиб, ахийри вакт-соати етгач, шурлик болакайнинг отасини тодди. Алиаскар утлининг йуколган идан бехабар одам эди. "Бугун ўғилчамнинг тўғилган куни муносабати билан Лазизга хак бераман", деб уйлаётган эди, юраги санчиб, яна хавотир чулговида колди.

—Ўғлим, сени бунчалик согинаман, деб хаёлимга **ҳам J** келтирмагандим, — деди деразага пешона тираб. — Бугун I туғилган кунинг... Лекин сен кдерларда юрибсан? Качон I кўришамиз?.. Аянгда эс йуқ! Сени чурининг боласига айлантирди... Кўрасан, келажакда энг бой одам бўламан, 1 истаган нарсангни совга қиламан... Лекин хозир ноиложман... ' Бир бечораман... Қўлимдан хеч нарса келмайди... Нега бунча || пешонам шур?! Нега мен бойнинг боласи эмасман? Нега ўз I ўғлимни табриклаёлмайман? Кайси гунохим учун?..

Алиаскар Лазизнинг кдцам товушини эшитиб, кўз ёшларини || артди. Оилавий бахт учун кўрашишдан кўра арок ичиб, гам- | [ алам утининг ховурини босишни истовчилардан бўлмиш ота j чунтагидан сигарет чиқарди-да, бурукситиб тутатди.

— Лазиз иккинчи турмушдан бахтини топади, мен эса... мен эса бахтли эдим, ўзим йуқ қилдим... — гапиринишда давом этди у. — Иккинчи марта бахт кўлиб бокмаса керак... Хозиргина ; "Кайси гунохим учун?" дедимми? Гунохларнинг каттаси менда- ку!.. Ярашсаммикан? Кўчадагиларни деб ўз уйимни вайрон қилдим-а!.. Йуқ, яна бир оз шошмаслигим керак. Балки Лайло Туркияда менга хиёнат қилгандир? Балки банкда ишлаб юрганидаёқ Техрон Абдурасулов билан... Ха, аввал аниклик! киритаман... Йуқ, яна йулдан чиқаяпман! Нахотки, Лайло мен каби бўлиб чикса? Хатто, Лазиз эркак бўлса ҳам хозир юрмайди-ку... Ушлчамнинг хакки-хурматини уйлар бу Лайло?.,! Йук-йуқ мен уйламадим-ку ўғлимнинг хакки-хурматини?

Лайло ҳам... агар бир олгир эркакнинг назарига тушса, бир кун келиб, макрларига учади, ушандан мехр истаб колади, аёл зоти кўлои! билан севади-да... Азоблар, азоблар!.. Энг яхшиси, ҳаммасини унутишим керак...

Куп утмай хонага Лазиз кириб келди.

—Уйингга кунифок қилдингми? — сўради у.

— Уйимни эслатма, — деди Алиаскар. — Унутмокчиман..* Шундагина менга осон бўлади...

—Ўғлингни ҳам унутасанми?

—Унутолмайман уни! Унутолмайман! — Алиаскар пивс| идишини деворга отди. — Бугун Жахонгирнинг туғилган куний!;





Бугун туртга кирди! Бугун у... отасиз, якинларисиз ўтирибди... Лайлонинг хўжайинлари чурининг боласи туғилибди-да, деб мийигида кўлиб куйишаяпти!.. Лайло мени ресторанда бир киз билан ушлаганди. Энди уйлаб карасам, унинг ўзи нима қилиб юрганди ресторанда? Мен чиндан фаросатсизман, Лазиз!.. Юр, ичамиз! Ўғлимнинг туғилган кунини нишонлаймиз! Флюзаникини нишонладинг-ку!.. Кетдикми?

—Рустам кунгирок қилаяпти, — деди Лазиз.

— Рустамни нима қиласан? У Одинцовода бўлса, келармиди ишни ташлаб?! — Алиаскар Лазизнинг телефонини юлкиб олиб, кизил тугмачасини босди. — Факат иккимиз... иккимиз , ўтирамиз!

Иккови кахвахонада ичаётганларида, Лазизнинг телефонига Рустамдан "SMS" келди: "Нега телефонларинг учган? Алиаскарни бола етаклаган бир одам сураб юрганмиш. Молдованлар "махсус операция" бошлаганга ухшайди. Эхтиёт бўлинглар..."

Дархакикат, Алиаскар ва Лазиз Москва канорасидаги Кахвахонада рус арощдан ичиб, таом тановул қилиб ўтиришган уша кунда Абдулин Жахонгирни етаклаб поездцан тушган, такси кира кдлиб, Одинцоводаги Дунай кўчасига келган, аввал уттиз биринчи завод ётокхонасига, кейин хорижлик ишчилар ишлаётган цехга борган, Алиаскар исмли ўзбекистонлик йигитни суриштирган эди. Бу хакда эшитган Рустам шошилинч равишда Лазизга "SMS" юборганди...

—Ҳамидов Алиаскарми? — деди цех бошлиги аввало Абдулинга бощдан-оёк син солиб. — Ўзбекистондан, шунаками?.. Ха, ха, бизда ишларди. Бир кечада аллакаёкка кучиб кетди, аризасини Лазиз деган дустидан (хозир Лазизнинг Ҳам каерга кетганини билмайман) бериб юборди. Ралати йигит, асабий, тажанг. Унда нима ишингиз бор? Мабодо "наливайка'даги жанжал масаласида эмасми? — Кейин болага кўз тикди. — Гўдакларда нима гунох-а?

Абдулин Жахонгирни ими-жимида отасига топшириб, гойиб бўлмокчи эди, шунинг учун йуколган бола хакидаги шов-шув [к]тарилишини хохламади. Жахонгирни хУКУК-тартибот

органлари ҳам кидиришаётганидан кўркди. Туркиядан Озарбайжонга, сунгра Россияга ноқонуний йулЛар ила мол утказишлари тергов чогада фош этилиши мукаррар эди-да. Бироқ хадеганда Алиаскар хасида хеч кимдан маълумот ололмагач, хакдкатнинг бир учини чикдриб, ношуд отанинг ўзи ахтариб топадиган кцлмок.чи бўлди.

— Болани Алиаскар га топширишим керақ — деди у цех бошлигига.

—Кдриндошими?

— Шунга якднроқ. Эртага келаман, илтимос, Алиаскарнинг кдерга кетганини аникдаб беринг. Ҳеч бўлмаса, юртдошларига гапимни етказинг. Мана, телефон ракамим.

Цех бошлиги кргозчани бир ишчига тущазиб, Абдулиннинг гапини айтди. Ишчи Алиасқарни танимас эди, боища бировга ўзатди. Қўлма-қўл утган когозча дом-дараксиз йукрлди. Рустам эса ўз хонасидан жилмай, уруш-жанжал чиқмаслигини, хеч ким ахтариб келмаслигини Яратгандан илтижо қилди.

— Отангни бугун тополмаймиз шеқилли, — деди Абдулин завод дарвозасида Жахонгирнинг бошини силаб.

—Нима учун? - баланд деворлардан кўз ўзмади бола.

—Ўзинг ҳам эшитдинг, у бошка жойга ишга утибди.

—Энди нима қиламиз?

— Кўркма, Москва менинг иккинчи уйим. Отангни топиш чут эмас. Фа кат бир кун вақт керак.

Улар гипермаркетда овқатланищди. Крринлар каппайгач, автомат-уйинлар жойлашган каватда беармон уйнадилар. Жахонгир шу тобда бахтиёр бола эди, канчалар шоду хуррам утказди у сунгги лахзаларни...

КуТилмаганда Абдулиннинг телефонига бизнесдаги шеригидан хабар келди: "Ташкдрига чикиб кунгирок кдиаман, сен ҳам тайёр тур".

— Оббо, жин ургур, бир фалокатни айтади хозир, - тунгиллади Абдулин ва болани етаклаб, эскалатордан тушди.

Телефон жиринглади.

— "КамАЗ"ни чегарада ушлашди, — деди шерик. - Кдердасан, валинеъмат?

— Москвадаман. Юк чегарадан **уттанди-ку**, нималар деб валдираяпсан?

—Бошкдрдистон чегарасида...

— Кайси ахмокдинг фикри "КамАЗ”ни Бошкдрдистонга хайдаш?! — бутилди Абдулин. — Тушунтиргандим, кайта ва кбайта! Энди сен тушунтир!

— Бўлар иш бўлди. Эртага тушгача етиб келсанг, муаммо хал! Ушаковни танийсан! Акс холда, хатто, "КамАЗ"ни ҳам куткариб бўлмайди!..

— Хей! Хей!.. Бор-йугимни тикиб, бир таваккал кдлсам, бир кунда ажраламанми? Кимнинг касофатига, ярамас?!

— Сукинма! Упкангни бос! Такдирингни ўзгартиришинг мумкин, — деди шерик совукдина кдлиб, — хал и вакт бор.

Хурсандчиликдан асар ҳам колмади.

— Қўлоқ сол, — деди Абдулин Жахонгирнинг қўл ид а я махкам тутиб. — Сени шу ердан таксига **ўтиргизаман**, туппа-тугри Одинцовога, отанг ишлаган бояги завод ёток?сонасига элтиб куяди. Рус тилини ҳам, ўзбек тилини ҳам биласан. Юртдошларингга айт, сен Алиаскарнинг йуколган ўғлисан! Шундай десанг, юртдошларинг отангни топиб беришади, тушундингми? Ўзокдардан келганлар хар кдцамда учрайди!

Жахонгир тусатдан айтилган кдтьий хукмни хазм қиладиган ёшда эмасди. Лаблари чуччайиб, кўзлари ёшланиб Абдулиннинг қўлига ёпишди-да, гудранди.

—Нима деяпсан? Аник-тиниқ гапир! — койиди Абдулин.

— Дадамга бораман...

— Борасан, албатта борасан! — Абдулин гипермаркетнинг плиталар тушалган йулагидан болани судрагудек торткилаб кетаркан, яна сукинди: — Лаънатилар! Бир огиз огохлантирмайдими?! "КамАЗ" йуналишини ўзлари ўзгартиришади-ю, яна менга иддао қилади, палидлар!

Таксига атиги ун кладам қилди. Жахонгир йиглмаса ҳам бўларди, ахир савдогар уни завод ётокхонасига жунатаётгани айни хакдкат. У ерда таксичи ўзбекларга ҳаммасини тушунтиради... Тукдиз кддам, саккиз, етти... Шу чоқ телефон жиринглади. Ранг-руйи гезарган Абдулин шоша-пиша қўлогага тутиб, асабий хансираш билан:

—Нима дейсан? Гапир! — деди.

— У-у-у!.. Амакижоиим, амакижон!.. — кувнок хитоб қўлокди зириллатди. — Сизга шон-шарафлар бўлсин! Хозиргина жонажон шахримизга кунгироқ кдлсам, Ильзара сизни Москвада деди. Нега огохдантирмадингиз, амакижон? Мен ҳам энди москваликман!

—Тэгир! Сенмисан?

—Шон-шарафлар бўлсин, амакижон!

—"Катта карусель"га етиб кел! Факдт тез!

Орадан ярим соат утгач, башанг кийинган Тэгир — ОРЗИ қўл о гида — машинадан тушиб, бетокдт турган амакисига юзма- юз бўлди. Тэгирнинг олма-кесак тераётган кўзлари фаввора ёнида йигламсираб турган Жахонгирни ҳам кўрди. Кўрди-ю мультфильмлардаги оч тулкиники каби кўзлари маъноли кдсилиб кетди.

— Сенга юз доллар тушлик пули! — Абдулин кўришаётиб маккорнинг кафтида пул крлдирди. — Болани Одинцовога олиб борасан! Когозчада манзил битилган! Боланинг отаси у ерда эмас! Сурайсан! Суриштирасан!.. Кисқаси, хеч бўлмаса, бирор юртдошига топширасан! Огохлантириб куяй, болани формалилар кддираётган бўлишлари ҳам мумкин, шу сабаб ёток?сонага нари-бери ташлаб крч! Юзингни эслаб қолишларига изн берма! Кўркканингдан кўчага ташлаб кочма ташн! Бечора бола отасига ёки отасининг танишлари қўлига етиб бориши! шарт!

—Ана холос!

— Анграйма! Мен бизнес ишим билан кетишим керақ кўрккднидан куён бўлаяпти, дема. Кўркдциган ишимга сени аралаштирмайман!..

Абдулин беухшов букчайиб, Жахонгирнинг юз-кўзига каттий тиҚилди. Ильзаранинг Тэгир бадфеъллиги хусусидаги гаплари хафтадирки хаёлида айланиб юрарди, шу боис:

— Сен... ўғлим, мендан хафа бўлма, — деб болакайнинг бурнидан беозор чимчилади. — Бу амакинг яна сени хафа кдиса, терисига сомон тиқаман... Тэгир, — у кдйрилиб қарадй жияни га, — икки қўлогинг билан ҳам эшит! Тайинлаётгг»

ишимни сенсиз ҳам битиришим мумкин. Лекин сен бор экансан, бегона таксичига ишонгунимча, одамга ухшаб қарашиб юборасан, деб умид қиддим. Утган сафар кичкинтойни йигаатибсан? Ахир, шундоқ ҳам кунгли ярим- ку!

—Бўлиши мумкинмас, чертмадим ҳам! — деди Тэгир.

—Урнига ўз болангни куйиб кўр! Ёки отаси урнида бўл-чи?

— Менинг болам йуқ, амаки, — Тэгирнинг шодмонлик ниқоби ечилиб, гезарган, захил юзи очилди.

— Бупти, уни сенга ишониб тоиширдим, — Абдулин бир оз юриб, ортига угирилди-да, болага қўлини силкиб, хоргин қўлиб куйди.

Жахонгир додини хеч ким эшитмаслигини тушуниб, йигламсираганча крлаверди. Бир кунгли Абдулиннинг ортидан чопмоқчи ҳам бўлди. Хозир унга Абдулиндан бошкд мехрибон зот йуқ эди, аммо бу мехрибоннинг ўзи ҳам кунгирокдардан сунг қахрли сувратга кириб, кўркувига кўрку в кушди.

— Юра қол, чақимчи, — деди Тэгир Жахонгирнинг эгнидан гижимлаб.

—Куйинг, — гингшиди бола.

— Ўзр, энди сени хафа кдтмаслигим керак. Амакисидан чучиди, деб уйлама. Тугри, унинг томи жойидамас, лекин мен ўзимдан кўрқаяпман. Нега дейсанми? Сенсиз бахтиқаро бўламан, хи-хи-хи-и...

Тэгир арзон-гаровга ижарага олинган эскироқ яшил "Мерседес"нинг орқа эшигини очиб, Жахонгирни силтаб киргизди ва эшикни қарсиллатиб ёпиб, рулга ўтирди.

—Отангни эслоласанми? — суради йулда.

Жахонгир юраги така-пука бўлганидан миқ этиб огиз очолмади.

— Сени уришмаяпман, чин дилдан сураяпман, — пешойнадан муралади Тэгир. — Нима, русчани унутиб КУйдингми? Татарча гапирайми? Балки ўз тилингни урганишим керакдир?

• - Эслоламан... — бола йиглаб, кўз ёшларини арта бошлади.

? ~ Нега йиглаяпсан?

—Сиз ёмон одамсиз, — бурнини тортди Жахонгир.

— Нега ёмон одам эканман? Яхшилаб эшит, шу бугундан бошлаб сенинг отангман! Сен эса яккаю ёлгиз фарзандимсан! Онанг билан ажрашганман! Сен шу ваккътгача онанг билан Озарбайжонда яшагансан. Отам бошкд, деб, хдтто, уйлашга Хакинг йуқ! Аввал таниган одаминг угай отанг эди, яъни бегона одам, укдингми? Менга ўғил шунакд зарур бўлиб крлди, шунақа зарур бўлиб крлди, тасаввур ҳам кдполмайсан. Битга бола учун ҳамма нарсага тайёрман, ҳамма нарсага... Кдсқаси, яхши кўраман сени.

— Алдайсиз...

— Алдамайман, онт ичаман, ўғлим! — кдсамни ямламай ютди Тэгир.

Жахонгир айни дамда ёвўз кимса нима деса, шуни бажармаса, олис шахарнинг овлоқ кунжакларида улиб кетишини уйлади. Машина бутунлай боища томонга йул олганини ҳам фахмлади. "Мени суядимикан?" - сову к; хаёл кунглидан лип этиб утди. Бир кинода кўрган эди, шахар чеккасига борганда ўлдириб кетишади. Бола утрилари хакдда Самарқандда тоғасининг ўғиллари ҳам гапиришганди. Нахотки, куни битган бўлса?

— Нега бунча мендан кўрқасан? - Тэгир янада мулойим овозда сўзлади.

— Урасиз.

—Энди урмайман, — Тэгир машинани четга тўхтатиб, орк;а уриндикқа угирилди-да, Жахонгирнинг қўлчаларидан тутди.

— Нима олиб берсам мени кечирасан? Ўзи юрадиган пультли машинами? Велосипедми? Самокатми? Фию-фишт кдлиб учиб юрасан. Хохлайсан-ку, а? Балки сенга она керакдир? Мен уйланаман, сенинг ҳам онанг бўлади. Она бўлганда ҳам оддий она эмас, санъаткор! Машхур кушикқи! Бой! У сенга менинг совгаларимдан ҳам куп нарса олиб беради.

Жахонгирнинг кўзидан маржондек ёш думалаб, лунжин? ялтиратди. Унга ўз ота-онаси, ўз ватани, ўз қариндошларй керак эди.

— Йигламагин, хозир мен ҳам йиглаб юбораман, — ялтокланди Тэгир.

—Ишонмайман, — бош эгиб, кўзларини ипщалади бола.

—Одамга тугри кара, Асад... Исминг Асад ҳам эмас, Ринат... Ҳой ширин бола, эшитяпсанми? — кўлди Тэгир. — Хо-ой, сенга гапираяпман... Сен аслида Ринат эдинг, Ринатик!.. Бурича!

Жахонгир туполон кўтариш шаштидан аллақачон кайтган бўлиб, бу одамдан итдан кўркকандек кўркаётган эди.

—Вой, бунча жавдирайсан? — кдгиклади Тэгир. — Қўлмасанг шунақа усул билан қўлдираман, ўзингдан кўр... Баракалла, худди ўзимдексан!.. Мен онангни яхши кўрардим, аммо ажрашишга мажбур бўлдик. Исм-фамилиямни биласанми? Рифкат Абдулин! Отанг ким, деб сурашса, Рифкат деявер! Сен эса Ринат Рифкатовичсан... Қилай, зур жаранглаяптими ё тилинг келишмай, тутилиб крласанми? Ри-ри-ри... Ринат, Рифкат!

Тэгир "Мерседес”ни Москванинг ажойиб гушаларидан Хайдади. Бу одам падарига интизор гўдак устидан ўз хукмини укиб, кабих ниятини амалга оширишни уйлаб борарди. Боланинг нигохи ташкарида: истирохат боглари, баланд- баланд уйлар, черковлар, минорасимон ойнаванд бинолар, куприклар, электричкалар, одам кайнаган чоррахалар... Хаёлида дам онаси, дам отаси. Бугун улардан бирини кўролмаса, улиб қолиши тайиндек эди.

— Дадамга бораман... — ўзбек тилида шивирлади Жахонгир бардоши тугаб.

—Мен отангман, унутма, — такрорлади Тэгир беш каватли уйга етгач. — Жаҳлимни чиқарганларни уришим, сукишим, катакка қамаб куйишим бор гаи. Сен жаҳлимни чикармайсан, тугрими?.. Сендан жавоб кутаяиман, Ринат!

— Дадамга бораман, — мунгайиб такрорлади Жахонгир.

—Шунча гапни хавога айтибман-да, а?

— Дадам...

—Отанг мен эмасми, ярамас бола?

" ~ Сиз эмассиз! Ўзимнинг дадам бор! — кутилмаганда Дадилланди Жахонгир.

—Нима?!

—Ўзимнинг дадам бор...

—Учир овозингни! — ахийри Тэгир портлаб кетди. — Учир! Учир! Учир!.. Сен менинг ўғлимсан! — Рулни икки қўллаб урди у. — Онанг билан Россияда, мана шу мамлакатда танишганман! Оила кўрганман! Лекин мени ташлаб кетди! Бир яшар бола эдинг, онанг билан кетдинг, эслолмайсан мени...

Жахонгир эзилиб йиглаётиб йуталиб колди.

—Йуталма, хайвон! — Тэгир томоfн йиртилгудек букириб, ўтирган жойида депсинди. — Айт, бўлмаса, кимсан менга? Кимсан?! FnpT бегонамисан? Шунча ваққт онанг билан яшадинг, угай отангни ота, дединг, лекин охир-окдбат мени топдинг-ку! Томирларингда менинг қоним окаяпти! Нега додлайсан? — Тэгир устма-уст тарсаки туширди, Жахонгир юзини бекитишга уриниб, уриндикдан думалаб тушди.

—Дадажон!.. — зорланиб йиглади у.

Кутурган Тэгир машинадан тушиб, орка уриндикка утди ва болани оёқ остидан тортиб олиб, қоқсуяк бармокдари билан икки юзидан чангаллади.

—Аблах! Канака дада?! Канака? Бугундан бошлаб сенинг отангман, тушунарлими, тирранча?

Бола ҳам ахийри жонидан туйди. Жон-жаҳли билан малъуннинг қўлига ёпишиб, гарч тишлади.

— Қўлим!.. — кич кириб юборди Тэгир ва Жахонгирнинг* оғизига турт-бешта шапалок туширди. — Крнхур! ҳали конимни| ичмокчимисан? Мана сенга!.. — Шу захотиёк боланинг бурнидан кон келди. — Мени тишлайдиган бўлдингми! маразча?! Кўзингга кўрсатаман сенинг!

Йигадан бўғилиб, овози чикмай, кўкариб колган болани уриндикта улоктириб, машина рулига ўтирди ва газни босди. Бир чакирим юргач, кескин тормоз бериб, ортига кайтди. Яна угла уй олдида тўхтатди.

—Ит бўлсанг ҳам, сендан бошка вариант йук! — деб бакирди-да, болани қўлтиклаб, подъездга кирди. Жахонгир бошига тушган бандилик кисматига кукиб, бурнини ушлаб, хиқиллаганча Тэгирнинг чангалида осилиб борарди.

Учинчи қаватга чикдилар. Тэгир малла эшикни очган кдрк- кдрқ беш ёшлардаги хотинни четга сургудек бўлиб бостириб кирди.

— Ким бу? — Тэгирнинг ортидан эргашди уй соудбаси. — Ҳаммаёги қон-ку! Бурни қонадими?

—Бу ўғлим... Йиқилди!

— Болам йуқлиги панд берди, Нэлла билан орамиз бўзилаяпти, деб кеча букиб ичгандинг-ку?

— Ичган бўлсам кусдим, тахррат олдим, поклandим, — дея Тэгир Жахонгирни гилам устига ташлаб юборган эди, бола ноуотай тушиб, йиқилди, қўли кдйирилиб кетди. Хонани унинг чарчокда қоришган юракни эзар йигиси тутди. Бошига тушган кўргиликлар олдида бутун дунё ожиз эди.

—Эхтиёт бўлсанг-чи! — жеркиб берди хотин.

— Аввал уйланганман. Бугун боламни менга ташлаб кетишди, бокдб ол, деди. Бундан хурсанд бўлишим керак эди, лекин арзандани кўрмаяпсизми, ўз отасини танимай хун кдлиб юборди.

— Бунча вахшийсан-а? Агар шу бола ростдан сеники бўлса, бир кун келиб жасадингни хурмат-иззат билан кумади, қабринг тепасида дуо укдб...

Жахонгир ёшли кўзлари билан аёлга ёлворганнамо тиқилди. Ёвўз амакига ишонманг, чангалидан кутқаринг, демоқчи эди У-

— Э, улигим кўчада кщмайди! — қўл силтаб нари кетди Тэгир. — Дуоларга умуман зормасман!

— Дўзахга талабгорларгагина дуо керак эмас, — деди хотин. У Жахонгирни ювинтириб, кийимларини алмаштирди.

Бурнига тоза пахта тикди. Кейин ширин чой ва печенье бериб, телевизор қаршисига ўтиргизиб куйди-да, колбаса ковуришга уннади. Жахонгирнинг иштахаси йуқ эди, бироқ янги макондагилар рахм-шафқатдан йироқ кимсалар эканини тушунгани учун ҳам печенье кавшашга мажбур бўлди.

Тэгир ҳам ювиниб, диванга чукди. Болага қайирилиб-да Карамади.

— Энди батафсил тушунтириб берарсан? — ошхонадан туриб гапирди хотин.

Тэгир татар миллатига мансуб озарбайжонлик гастарбайтер жувон билан Москвада танишиб крлгани, бирга яшагани, ўғил кўргани, сунг ажрашгани хасида чупчак тукдди. Икки йил утгач, аёл бошқа оила кўриш учун Ринатни Бокудаги болалар уйига топшираётганида, гуё Тэгирнинг амакиси вокдф бўлиб, шахсан ўзи болани Россияга олиб келган, бола эса Озарбайжондаги ота-онам деб дунёни бошига кўтармокда. Бор гаи — шу.

—Гапларинг чин бўлса, омадинг бор экан, — деди хотин. — Нэлла шифохонадан чиқса, болангни кўриб, боши кукка етади. Такдир икковларингга ҳам сюрприз кдлибди!

—Нэлла... — дея кўзларини юмди Тэгир.

**Дархащщат,** Жахонгирни Козонга олиб борганида, Ильзара Нэлланинг утмишдаги ахлоқс изл икларию умрбод фарзанд кўрмасликдек балога ўзини гирифтор этгани хакида айтганлари хакдқат бўлиб чикди.

Тэгир сохибжамол хонандага кана каби ёпишиб олганди. Бўлажак юлдўз деб кдралаётган аёлий шахснинг хар қандай ахлоксизликлари кўзига кўринмаётган эди. Нэлланинг эри бўлиш, продюсери даражасига кўтарилиш, "лимўзин"да таникди бўлиб юриш анча йиллик орзуси эди-да.

Бир хафта бурун Тэгир бир укув юрти дарвозаси олдида Нэллани кутиб турарди. Ҳали юлдўзлик шохсупасига кўтарилмаган талабгор, арзон хонандаларни кандайдир тадбир юзасидан чакиришган эди. Ногахон ёмгир ёгди-ю Нэллани кўзатиб келаётган калта соколли олифта йигит соябон тутди. Иккаласи соябон тагида бир-бирига сингиб кетгудек эди. Кўлишганлари-чи!..

—Тэгир, — деди Нэлла кечкўрун, — кўчада ўзингни ёмон тутганингдан хабаринг бордир?

— Хуп, очиқ сухбатга утиб қуя қолайлиқ — Тэгир хонанданинг қаршисига ўтирди. — Мен рашк қилдим. Рашким асосли бўлиб чикди.

—Сенга хақиқатни айтай, июсовинг ҳам менга бирсан.

— Лекин қанақасига?

— Лекин икковингга ҳам турмушга чиқолмайман. Фарзандим

бўлишини хохлайман... Хато кдлганимни тупгуниб етдим... Буни кднდай тушунсанг тушун, мен васвасадаман. Ёшим уттиздан ошаяпти, бола кўролмайман... Хатто санъатда ҳам ном кщдиролмаслигим тобора ойдинлашди.

—Нима, сен уша попга ухшаш нусхага боласи борлиги учун турмушга чикмоқчимисан? Йуқ, бу такдид! Болали эркакка турмушга чикдш васвасаси Россияни тезда четлаб утганди- ку, жин урсин! Кўзингни очсанг-чи, Нэлла!

—Миямни бутунлай ўзга фикрлар эгаллаб бўлди! — шартта урнидан турган Нэлла у ёқ~бу ёкда юра бошлади. — Хеч бўлмаса, эримнинг боласи бўлиши керак... Нега захарли қўласан, Тэгир? Бу қўлги бўлса, демақ мен жинни эканман- да? Операция бўлганимдан сунг бир умр фарзандсиз яшашга маққум этилдим...

Тэгир хар кдндай гапни кутган эди, аммо кушикқининг болали эркакка турмушга чщдишни исташи акдига сигмасди.

—Бас! — у Нэллани кучиб олди. — Сен фарзанд хакдда ҳам, санъатдан кетиш хақида ҳам уйлама! Ҳаммаси энди бошланаяпти! Утган ун йил тайёргарлик эди. Бола керак бўлса, асраб оламиз, худци Америка юлдўзларига ухшаб! Фақат сен... сен юлдўзликдан кунгил ўзма! Келишдикми, севгилим?

—Гапларинг шунчалик шубхалики...

—Бола топсам бўлдими? — кдчкдриб юбораёзди Тэгир, аммо асаб толалари сунгги сонияларда чидам берди, акс холда биргина нидо туфайли ҳам уртага айролик тутттитни турган ran эди.

—Мендан хафа бўлма, — Нэлла стулга бехол ўтирди. — Бу билан хар кдндай болали эркак менга мос, демокқи эмасман... Танлаёлмаяпман... Сени яхши кўраман, у ҳам... яхши одам.

Хозир Тэгир мазкўр сухбатни эслаб, лаблари кдмтилди.

—Мана, энди "болам" бор, — деб мийишда қўлиб куйди- да, ҳамон печенье кавшаётган Жахонгирга кўз ташлади. Шу пайт телефони жиринглади. Бу — Абдулин эди.

— Амакижон, сизмисиз? — тусатдан бутунлай бопща одамга айланди Тэгир. — Буни кдранг, сиздан яна икки минг доллар

ёрдам кдлишингизни сурамокчи эдим, - у ётокқхонага утди, — ёдимдан кўтарилибди-да!

—Аввал боладан гапирсанг-чи!

—Отасига топширдим.

—Отасига? - ажабланди савдогар. — Заводга келибдими? |

— Сизнингча, кичкинтойни кўчага ташлаб крчаманми? — зурмазураки кўлди Тэгир. — Оренбургдан Козонга олиб борган | одам бир кладам наридаги Одинцовога боролмайдими? Отасига айтдим, болангни бегалва қабўл кдл, деб. Индамасам, минг ! марта таъзим кдлиб, оёкдаримни упарди.

—Худога шукр, — енгил тортди Абдулин. Кейин сўради: — Жуда катта кдрз бўлиб кетаяпсан, бунча пулни нима қиласан? J Нэллага уйланаётган экансан, унинг миллиардер тоғаси тулиқ; таъминлаб куйган бўлса...

— Қизшдмисиз, амаки, кўрукдул куёвни миллиардерлар тугул I триллионерлар ҳам ёқтирмайди...

Шу билан Абдулин Жахонгирни кдйтиб суриштирмади. Ўз ташвишларига кумилди шеқилли. Ёш мусофир эса уша уйда ж — Тэгир ижарага олган хонадонда яшай бошлади. Унга ортиқча | мехр ҳам, ортиқча кдхР ҳам кўрсатилмас эди. Бола тушунди, 1 агар жим юрса, бу одамларнинг истакларини бажарса, хеч | ким калтакламайди.

Нэлла тез-тез асаб тизими сабаб шифохонада ётиб чицар, I Хар гал аввалгисидан баттар ёмон хис этарди ўзини. Унинг 1 кдриндошлари художуй одамлар эди. Санъат улкасига довон 1 ошиб утган жувон аро йулда ор-номусидан ҳам,| кзриндошларидан ҳам, хаттоки соглигидан ҳам айирилди. I Оила бахти хакдда уйлаб кечалари алахсираб чиқарди. Ваққт 1 оркдга дайтсаю унта болали эркакдан совчи келса ҳам розилик I берарди. Айни дамда атрофидагилар ўзи кабилар эди, кечаю I кундўз хўзур-халоватдан бош кўтаришни хохташмайди. Турмуш ; кўриш ҳам шон-шухрат, бойлиқ карьера учун таксою кдлса... |

Эртасига студияга Тэгир кириб, ойна ортида синиқ ǀкўлумсираб куйди-да, уриндикдардан бирига ўзини ташлади. j Нэлла бир корхол юз берганини тушунди.

— Яна нима бўлди? — истирохат бўлмасида ёлгиз қолганларида суради Нэлла.

—Овозинг қалай?

—Овозим йукдигидан нолиганманми?

— Ниманг йукдигидан нолигансан? Кел, сенга охирги сиримни очай.

Нэлла таажжубда эди: бу йигит қандай каромат кўрсатмокдйки, ўзини шу кддар дадил тутмокда? "Ниманг йукдигидан нолигансан?" эмиш. Агар борлиқ аталмиш маконда насиб этмаган моддиятлару номоддиятларни санаб берса, нечтасини жо-бажо эта олади?

Китиқ патига тегинилган хонанда қисқа уҳ тортиб, магрур тиқилди.

— Хуш, Тэгир, эшитайлик? Тушунишимча, мендаги йуқ нарсани мухайё кдлмокчисан?

—Сиримни очаман, Нэлла.

— Йуқ, сен аввал нимам йукдигини айт. Мухайё қилмоқчи эканингни тушуниб...

— Трсга, — Тэгир сунгги ор-номусини йиишштириб, тиз чукди, — мени кечир! Агар кечирсанг, охирги сиримни очганим бўлсин. Нима **coBFa** кдлишим шунда маълум бўлади-қолади.

— Кечирдим, — уйлаб ҳам ўтирмади Нэлла. Фикрлаш Нэлла учун ортидча ташвиш эди.

— Менинг ўғлим бор эди, уни қайтариб беришди... ўзимга,

- деди Тэгир. Шунда кўзлари угри мушукникидек чакраб кетди. Нэлла эса тушунмагандек жим турарди. Нахотки, бир неча йиллик таниш буйдоқнинг бирдан ўғли пайдо бўлиб қолса? Кечаги талабдан сунг бугунги ижобат!

—Исми Ринат, уч ёшда... — қўлт этиб ютинди Тэгир.

—Ростдан сенинг уишнгми?

—Ха, ўз ўғлим.

Нэлла ногахон бор овози билан қах-қах уриб қўлиб юборди. Йулакдан утаётган режиссёр ва ёрдамчиси қия очиқ эшикдан назар ташлашга мажбур бўлишди. Нэлла қўлгидан ўзини тиёлмай уларга: "Бу одам бола угирлаганга ухшайди", деди- да, эшикни ёпиб, Тэгирга угирилди.

— Мен бола угирладимми? - ранги окдрди Тэгирнинг. - Нега уларга унақа дединг, Нэлла?

— Хазил...

— Менинг ўз ўғлим бор, ахир! Угри эмасман!

— Хул, хул, қизишма, — кўзларини сўзди хонанда. — Сенинг ўғлинг бор. Бундан чикди, буйдокдеан, деб ичган қасаминг| ёлгон экан-да?

— **Йуқ...**

— Нега йуқ деяпсан? Шартимдан сунг кимнидир фарзандликка олдингми? Сен-а? Лекин бу қўлингдан келади, чунки шунакд жиннисанки, таърифлашга тил ожиз. Томдан тараша тушгандек келиб, дейди: "Нэлла, менинг ўғлим бор...” Эртага самолёт кераклигини айтсам, индин деразага ишора қилади: "Нэлла, кечирасан, менинг самолётам бор эди, айтмайИ юргандим, хув ана..."

Тэгир озарбайжонлик гастарбайтер жувон хақидаги чупчагини сўзлаб, қасам устига қасам ичиб, хали Нэлла билан танишмаган йилларидаги ишкдй саргўзаштлари учун сон-1 саноқсиз ўзрлар сўради.

— Кдни у? — деди Нэлла нщоят қўлгидан тўхтаб.

— Ринатми? Уйимда. Энага ёлладим, хозир куникиш даври... ; Ахир, уч ёшда! Кейинги хафта кўрсанг бўладими?

— Майли, - деб Нэлла даструмоли билан оғизини артди, — , лекин бошидан айтиб куяй, агар бирор муаммоси чиқса, | умрбод юзингга кдйтиб қарамайман. Мен шоу-бизнесдан кетмоқчи эмасман, болали эркакка турмушга чиккмоқчи ҳам 1 эмасман. Бу билан тўзоққа тушдинг ҳам демокқимасман, I қурк;ма! Сени кечираман... — У румолчасига диққат-ла| тиқилди. — Кдрасам, шунга арзийдиган ягона хо-жатбарорсан!.. | Мени ажалимдан беш кун бурун ўлдирмасликка сўз бер!

—Сўз бераман, — деди Тэгир.

—Севасанми?

— Севаман! Боланинг хеч қандай муаммоси чиққмайди. Онаси' оналик хукукддан махрум этилган.

— Яна бир марта айт, бола ўзингникими? — шунда ҳам; ишонкдрамай сўради Нэлла.

—Кдсам ичаман!

—УБИрламагансан, асраб олмагансан, бирор кдриндошинг ижарага ҳам бермаган?

—Яна ва яна кдсам ичиб айтаман! Бола угирлаб жонимдан туйганманми?, Биз бутун Россияга машхур оилага айланамиз. Агар угирликка қўл урганимда, ижарага олганимда эртага газета-журналларда оидавий суратларимизни кўриб крлишади-

**ку-**

Шу пайтхонанданинг телефони жиринглади. Абдулин тилга олган миллиардер ТОҒа хол-ахвол суради, янги клип учун маблаг ажратганини айтди. Нэлланинг юзи ёришиб, Тэгирга шундай яйраб кдрадики, улимтик куёв уни кучокдаб олди.

—Оила кўришинг хакдца ҳам уйла, — деди бой тоға.

—Уйладим, уйладим! — деб Нэлла тоғасига хавойи улич йуллади.

Орадан бир эмас, икки хафта утди. Бу ваққг ичида Тэгир ўз маккорлигини яна бир марта намой и ш' этиб, худди амакиси каби сохта хужжат ясовчи топди ва Жахонгир учун Ринат Рифкатович Абдулин деган кдлбаки гувохнома ясатди. Кеча Асад Давлетов бўлган бола энди бошқа исм-фамилия либосига бурканиб, такдирнинг чигал йулларидан янада ичкарилади. Дуқ-пуписалар ҳамда калтаклар остида болага тутикушга ургатилгандек жавоблар ёдлатилди: "Исминг нима?" — "Ринат"

—"Отангнинг исми?" — "Рифкат" — "Уни бошқилар нима деб чакдришади?" — "Тэгир" — "Онангнинг исми-чи?" — "Флюра"

— "Аввал кдерда яшардинг?" — "Озарбайжонда" — "Сени Россияга нега олиб келишди?" — "Онам мендан воз кечди, амаким билан поездца келиб, отамни топдим" — "Онанг сени урармиди?" — "Ха, урарди" — "Сенга яна она керакми?" - "Керақ отам янги она топиб беради..."

Нэлла Жахонгир билан уша ижара уйда шодмон учрашиб, багрига босаркан, шундай деди:

— Шу бугундан бошлаб онанг менман, ширинтой. Бир вақтлар менинг ҳам ота-онам бўлган, лекин уларни эслаёлмайман. Кейин бошкд ота-она асраб олди. Куп ичишарди арок... Калтак ҳам еганман. Мен отангни яхши

кўраман, аммо унинг феъли маълум. Бола асраб олганимда, Тэгир кўзимни шамгалат кдлиб бўлса ҳам унга кун бермасди.1 Ўзининг фарзанди бўлганида эди, дегандим, мана, бўлди. Шу вакдтача Озарбайжонда яшаганинг учун бизни танимайсан. I Биз жуда яхши инсонлармиз.

— Менинг ўз онам бор, — шивирлади Жахонгир паст овозда. | Шурлик бола сунгги марта хакдкдтни айтишга уриниб кўрди.

Шундай кдлса, ҳаммалари кўрқаётган, хурмат қилаётган магрур: хоним ёрдам қўл и ни чўзади, деб уйлади.

— Қаттикроқ гапир, Ринат, — қўлогини тутди Нэлла. — Нима | дединг?

Тэгир орцага угиб, болакайга муштини дулайтириб, афтини} газабнок бужмайтирди-да:

— Ринат! — деб уйни бошига кўтаргудек хитоб қилди. — Бугун ўз ота-онангни расмий топадиган кунинг! Энди сен, мен ва Нэлла — битта оиламиз!.. Овозингни эшитмаяпман, Ринатик!

—Битта оиламиз, — деди Жахонгир.

—Кдттикроқ! - бакдрди Ринат.

— Битта оиламиз... — ўз онасини умрбод йукдик каърига сураётганини фахмлаган Жахонгир йиглаб юборди. — Бигта оиламиз... битта... битта!..

—ЙиЕлама, болажоним, — деди Нэлла хайрон бўлиб.

— Унинг асаблари чарчаган, — изох берди Тэгир. — Тукдан онаси куп қийнаган, калтаклаган, хатто оч крлдирган. Бахти бор экан, бизни топди, Нэлла.

Тэгир газабга тулган кўзларини Жахонгирга кадаган эди, юрак олдириб куйган болакай:

— Бизни топди, Нэлла, — деб унинг гапини йиглаб такрорлади.

— Оҳ бунчалар тили ширин! — дея Нэлла Жахонгирни яна багрига босди. Назарида, боладан қон иси келгандек туюлди, аммо хонанданинг ўзи крн билан боглик хасталикка чалингани боис дархол оғизини артиб, даструмолга утринча қараб куйди.

—Йиглама! Тэгирга хозир бир ковоқ уяман, овозини учиради.

Отанг ўзи шунака, бакдр-чакдрни ёктиради. Ҳали келишиб кетамиз.

Шундай кдлиб, октябрь ойи охирида Москвада Тэгир ва Нэлланинг туйи бўлди. Тэгир туйни Абдулин хорижга кетган вактга амал-такал белгилади. Жахонгир хакддаги хакдкатни энди факат Абдулиндан эмас, Нэлладан, жамоатчиликдан ҳамда Россия Федерацияси жиноят кодекси билан иш кўрадиганлардан сир тутиши керак эди. Болакай туйда ҳам, бир неча кун келин-куёв кошонасида ҳам корасини кўрсатмади. У хакда хозирча айрим миш-мишларгина кезиб юрарди.

Шунингдек, Тэгир Нэлланинг миллиардер тоғасидан кичикрок дастурхон ёзишни, ресторан номи ҳам факат мехмонлар учун ошкор этилишини, никох базми матбуотдан сир тутилишини илтимос қилди. Шундай ҳам бўлди. Бироқ уларнинг туйи хакдкатан ҳам Россия шоу-бизнеси салтанатини қизиктирмас эди. Шоу-бизнес матбуотга хом-ашё эди, туртта омадсиз ку ш и қ куйлаган, иккита угирланган гоя асосида клип ишлаган санъаткордан матбуот учун икки мискрл ҳам хом ашё чикмади.

- Табриклайман, - деди Абдулин Истанбўлдан кунгирок қилиб. — Хар холда бу гал бахтли бўласан, деб умид қиламан... Айтгандай, фарзанд ҳам асраб олибсан?

- Мен эмас, Нэлла, - гапни олиб кочди Тэгир. - Кўча миш-мишларига бундан кейин қўлок солманг. Туйга нега келмадингиз, амаки? 1Сичикрок кдлиб угказдиқ лекин зап ажойиб бўлди-да.

- Одамга ухшаб уйлансанг бораман, — совуккина жавоб берди Абдулин.

- Мен энди Нэлланинг маъмуриман, уйлаб гапиринг, — деди Тэгир. - Татаристондаги, Боищирдистондаги телекомпаниялар ҳам клипини намойиш этишаяпти...

- Хизматкорларга уйламай гапириб урганганман, жиян, - чакдб олди Абдулин.

Нэлла эса газеталарни вараклашдан чарчамасди.

- Хой, нега туйимиз хакида хеч каерда ёзишмади? - жишбийрони чикди унинг. — Бизни журналистлар ўзлари

кддириб топишса керақ деб хато қилдик шеқилли. Ҳаммасига сен айбдорсан, Тэгир!

—

уқ, бу бизнинг эмас, матбуотнинг хатоси, — деди отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган куёв. — Янги ёзилаётган кушикларинг чикса, тоғамиз кеча айтган уч миллион рублни= берса, карабсанки, матбуот суякни кўрган итдек югуради. Ушанда туйимизнинг расмларини сураб, тахририятлар ялинишганида, канчаликхўзурланасан, канчаликхўзурланасан! Пандавақилар, ушанда туйимиз бўлаётган ресторанни ахтариб топишмагани, юлдўз эмас, деб менсимаганлари учун хали жабрини ўзлари тортишади. Нима, туйимиз шунчалик каттик| сир тутилдими? Ярамаслар топса бўларди-ку. Хозирча юлдўз бўлмасанг ҳам келажагимиз оппа-ойдин!

Уша йили Россияга кор хар йилгидан ҳам эрта тушди. Туй дан сунг Нэлла анча согайиб колганга ухшади. Шифохонага бир кўриниб келишини айтмаса, барчаси ортда колган эди. Маъмур бушатилиб, урнига шахсан тоға томонидан Тэгир тайинланганда, куёвтура шоу-бизнесга шиддаткор, аиикроги, кутуриб ҳамла қилган эди. Бундайлар учун маълум бир манзилгача сукмоклар мавжуд эди. Шуваждан кейинги икки ой ичида Нэлла ижодида силжиш кўзатилди. Туйларда, тадбирларда ва кечки ресторанларда хаддан ташкари буянган, антика либосдаги Нэллани учратиш мумкин эди. Бирок бу саъй-харакатлар билан хакдкий хонанда деб тан олинармикан? Россиядек бепоён улкадаги шахарлару шахарчаларда Нэлла каби отарчи хонимлар юзлаб, эхтимол, минглаб тоииларди. j Шундай кисматдан мамнун эди улар. Ахир, ҳамма ҳам мегаюлдўз бўлолмаслигига факат мегаюддўзларнинг эмас, оддийларнинг ҳам фаросатлари етарди-да.

Бу вакгда Жахонгир ўззукун энагаси карамогида яшади. Туй утгач, келйн-куёв болакайни янги оилага расмийлаштирган эди. Энагага тулаётган маошни айтмаганда, хеч кимнинг хеч кимга огирлига тушмаётганди. Бола Нэлла учун фарзанд эмас, буш вактларида уйналадиган уйинчок эди. Крлаверса, і хонанданинг хоббиси болалар дуконларини айланиш ва ажиб либосчалар харид

аёлнинг учрагани бир жщатдан Жахонгирнинг бахти, иккинчи томондан бахтсизлиги бўлди. Энди уни хеч ким чертмай куйди, аммо фарзандталаб хотин дуч келмаганида Тэгир Жахонгирни угирламасди.

— Аям... аяжоним... — деб деразадан Москванинг кррли кўчаларига тиқиларди Жахонгир. — Я вас люблю... Я по тебя скўчаю... Мама... мамочка моя...

Ха, болакай секин-аста ўз тилини унута бошлаган эди. Дам сенлаб, дам сизлаб русийзабонда қилган гойибона мурожаатлари жавобсиз крларди.

Она маъносидаги "ая" сўзини хеч адашмасдан, албатта, хеч кимга эшиттирмасдан ўзбек тилида хозиргача айта оларди.

5

Уч ёшида сарсону саргардон бўлган бечора болакайни дунё буйлаб ахтариш, нщоят, куйидагича бошланди. Уч йилу беш ойга озодликдан махрум этилган Лайлонинг куп вакги панжара ортидаги шифохонада утаётган кунларнинг бирида учрашувга Диля келди. Найзан кампирнинг улимидан сунг Диля Туркиядан депортация қилинган эмасми, Истанбўлни хаёлидан чикдриб юборган эди. Эндиликда у Самарканддаги кийим дуконида сотувчилик қиларди.

—Интерполга ариза ёздингми? — деб суради Лайлодан сирли охангда.

—Ахтаришаяпти, — зурга овози чикди онаизорнинг.

—Кдердан ахтаришаяпти?

— Кдердан бўларди, Туркиядан... Истанбўлдан... — Лайло пешонасига тушган сочни калтироқ қўллари билан йигди. — Кдердан... кандай топаман энди болажонимни? Битта' йул колди... барибир бир кун ўзимни ўлдираман...

—Нега бунча тушкунликка тушиб холдинг, Лайло? Бу кунлар утади-кетади, Жахонгир албатта топилади.

— Топилади, деб нега бунча ишонч билан гапираяпсан? — Лайлонинг кўзларида алланечук уг йилт этди.

—Улган бўлса Гулчехра опа улган, сенинг ўғлинг тирик!

Лайло ўғилчасини кучиб, Юсуфнинг машинасидан

сакраганда лат еган унг қўлини силаб ўтирарди. Хаёлида боласини Ёточоёкдан хозиргина кущарган, аммо жигарбанди аллакдёкда гойиб бўлиб қолган эди. Ёмон хотираларнинг эскию янгиси — барчаси бир бўлиб, лоп этиб бугунги кун сахнасига чикдб крлмокда эди.

—Тирик? — такрорлади Лайло.

— Ха, тирик. У... — Шу тобда Диля гапини тугатолмади: Лайло дугонасининг юзига тарсаки туширди.

—Шунчалар ишонч билан хўзур кдлиб гаиираяпсанми?! — кдчкдрди у. — Сен болангдан айирилмадинг-да, а?! Урнингда бўлганимда, мен ҳам шундай дердим! Ичимда эса "болангни чет элга олиб борма десам ҳам айтганингдан қолмадинг, шурингга шурва туқилсин" дердим! Гапир, шунақа деяпсанми? Мени томоша кдпишга келдингми? Ўзингни рамгин кўрсатиб, ичингда "Худога шукр, унинг урнида эмасман", деб шукрона айтаяпсанми?!

—Лайло, ўзингни қўлга ол! Яхши ният қил, дугонажон!..

— Топиб бер ўғлимни! Уни сенлар йуқотдинглар, сенлар! Мен камалган бўлсам, сенлар очиқ мозорда эдиларинг-ку! Битта болага эплаб қараёлмадиларингми? Жахонгир... норасида... қандай яшайди менсиз? Мен усиз қандай яшайман?!

Назоратчи чопиб келиб, Лайлони ажратди-да, ичкари йулак эшигига судради. Багри хун бўлган Диля:

—Балки савдогарлар уни Туркиядан биз томонга олиб чикдб кетишгандир? — деди аламли товушда. — Ўзингни ўзинг еийишингдан нима фойда?! Уни Интерпол ахтаришини талаб қил! Давлатлараро кддирув дейишади, халқаро қидирув дейишади, қанақа кддирув бўлса, ҳаммасига айт! Ёз аризангни! Сен банкдаги ишлар буйича махбуссан, лекин болангнинг олдида онасан, эшитаяпсанми, Лайло?!

Диля эшикка етганида, назоратчилардан бири қайтариб келди.

— Майли, яна икки дакдқага рухсат берамиз, — деди аёл ходим. — Биз ҳам онамиз. Дугонангизнинг айтадиган яна бир огиз гапи бор.

Диля хонага кайтиб кирганида, Лайло бир дакдка ичида янада холдан тойганини кўрди.

—Ўғлим Туркияда бўлмаслиги ҳам мумкинми? — тиқилди у Диляга.

— Ха, Гулчехра опа болангни энагага эмас, бирор савдогарга берганга ухшаяпти. Уша савдогар Жахонгирни Самаркандга олиб келиш ташвишида юрган...

—Аникдаб беролаасанми?

— Исботланмаган бўлса ҳам бир гаи айтай. Латофат деган хотин эри билан Истанбўлда бизнес қиларди. Бу ерга келишимга сабаб, кеча бир гаи эшитдим. Рахматли Гулчехра опа улимидан олдин Латофатга ҳам учрашган экан. Латофат у кишига Россиядан келиб савдогарлик қиладиган аллакандай Сеньорита лақабли аёлнинг ракамини берганмиш. Балки Гулчехра опа болангни айнан уша Сеньоритага топширгандир. Шу хакда интерполга ариза ёз, демокчи эдим.

—Нега бу гапни аввалрок айтмадинг? — кдчкириб юбораёзди Лайло.

—Кеча эшитдим деяпман-ку, дугонажон, — қўлини куксига куйди Диля.

— Кимдан эшитдинг? — Лайло гуёки ҳамла қилмокчидек қўлларини кўтарган эди, назоратчи аёл эхтиёт шарт ушлади.

— Ўзр, жанжал кдлмайман, қилмайман!.. — Махбуса назоратчиларга ёлворди. — Кўраяпсизлар, йуколган ўғлимнинг дараги чикди! Аник уша савдогар хотинда! Аниқ! Аниқ! Хозирок мен мурожаат қиламан, ўғлимнинг иши буйича бу ерга ким мутасадци бўлса, чакиришсин!

—Сиз хозир "свидания"дасиз, — деди назоратчи.

— Лайло, аввало кеча кимдан эшитганимни айтай, — қўл силкитди Диля. — Дугонажон...

—Айт!

—Бозорда Бехол доллар лақабли аёл бор, турк кийимларини сотади. Лекин Бехол опа жиддий эмас, галатироқ хотин, гапларининг тайини йуқ тушунаяпсанми? У кимларни нималар деб алдамаган! Доим ҳаммани оғизига каратиш учун кушиб-чатиб гапириб юради! Ўғлинг йуколганини эшитиб,

шунчаки шов-шув учун менинг олдимда огиз купиртирган бўлиб чиқса, ёлгончига айланмай деб кўркдим.

—Ким дединг?

—Беқол доллар. Бу — унинг лақаби.

— Йуқ, анави аёлни сураяпман, Латофатми, Сеньор... Сеньорита...

— Латофат ўзимизнинг Самаркнддан экан. У эри билан 'Истанбўлга бориб бизнес қиладиган аёл, биздан турт-беш ёш катта хотин эмиш. Сеньоритами, гурми, россиялик савдогар хотин ҳам Истанбўлдан мол олиб кетадиган тижоратчи экан. Мени кечираман десанг яна бир ran айтаман, Лайло!

—Гапир!

—Шу вакдтача "Хеч нарсани билмайман", деб милицияни алдадим. Сени у ёкда қамаб қуйишганида, Жахонгирни Туркиядан олиб чикдб кетишга мен ҳам бош бўлмоқчи эдим, ташқиллаштирмоқчи эдим, лекин депорт кдлиб юборишди...

—Буни биламан! Тезроқ гапирсанг-чи!

— Гулчехра опа ўғлингни Россияга жунатиш ташвишида юрганида, "Нима бўлса ҳам Жахонгирни Туркиядан олиб кетинг, тугри қилаяпсиз" дедим, Самаркнддан туриб телефонда айтдим бу гапни! Кейин эрингнинг Москвадаги манзилини ҳам айтдим. Гулчехра опа улгач, ўғлинг йукрлди- ю мен ҳам кўркдб қилдим. Фақат мени тугри тушун! Бу ёкда сени Самарқандга олиб келиб, камокда тикдшди. Кўркдим, дугонажон, кўркдим! Прокўратура депорт кдлинганларнинг Туркиядан келган руйхатига қараб одам савдосига қарши чора- тадбир учун текшираётганини эшитиб, юрагим дов бермади. Ўғлингнинг йуқолишида Гулчехра опага шерик эканим у ёкда турсин, прокўратура умуман бошқа масалада шунчаки сурокда чакдришидан ҳам юрагим безиллади. Мени тугри тушун, Лайло! Болангнинг йуқолиши олдида менинг кўркувим чумоличалик аҳамиятга эга эмас, лекин менинг ҳам ўз хаётим бор. Бахтимни топишим керак эди. Ўғлингни тез орада Ўзбекистонга юборишади, деб каттиқ ишондим. Бунақа бўлиб кетиши хаёлимга келмаганди, рост!..

Диля бирдан гапидан тўхтади, Лайло унга галати тиқилиб крлганди. Бир нафаслик сукутдан сунг:

— Боламнинг каёкка кетганини биларкансан-да? — деди Лайло синиқ товушда.

— Бўлди, сухбат тугади, — дуриллади назоратчи хотин.

— Тўхтанг, опажон, — зорланди Лайло. — Бу ерда боламнинг такдири хакдда ran кетаяпти. Сиз ҳам инсонсиз-ку! Аёлсиз- ку! Яна бир дакиқа имкон беринг!

— Уепингнинг каёкка кетганини билмасдим, ўзимни четга олдим, холос, — деди Диля шошиб. — Жахонгирни Россияга юборишимиз керак эди, сенинг душманларингнинг қўлига тушмаслиги учун! Ахир, вазият ўзингга ҳам беш қўлдай аён эди! Шу кунгача виждон утида ковирилиб яшадим. Бехол долларнинг гапидан сунг уйланиб колдим, чиндан ҳам Гулчехра опа Жахонгирни россияликларга ёки айнан Сеньорита деган савдогарга бериб юборган бўлиши мумкин! Мен эрингнинг Москвадаги манзилини Гулчехра опага телефонда аник-тиник айтгандим. Балки бу калаванинг учидир, а?

— Алиаскар Россиядан кайтиб келди. Угаимни топиб бер деб суд залининг ўзида мени ўлдирмокчи бўлди. Сенингча, Жахонгирни унинг олдига, Москвага олиб боришганми?

—Москвада эрингни тополмагандир?

—Демақ бечора болажоним хозир Россияда?

— Ха, Гулчехра опа эрингнинг манзилини тушунтириб, Жахонгирни бериб юборган бўлса, хозир Россияда бўлиши керак.

— Бунча "эринг, эринг" деяверма! Мен ажрашганман у билан!

—Хул...

— Кдндай кдлиб самолётга чикаришган? — суради Лайло кўзлари янада қизариб. — Қайси савдогар бунака ишга кунади? Очик гапир, бу тахминни каердан олаяпсан? Битта хотиннинг миш-мишими ёки яна нималарнидир биласанми?

— Поездда ёки паромда олиб кетиш хакдда ҳам Гулчехра опа билан гаплашгандим.

— Канака поезд, канака паром? Эс-песингни едингми? Нега гапларингнинг битта-битталаб сугуриб олишим керак? Орадан

шунча ой утиб, бу ерга виждонинг кдйналиб келганингдан сунг билганингни гапирмайсанми, Диля? Кон кдлма мени!

—Жахонгирнинг хужжати йуқ эди.

—Хужжатсиз қандай иложини қилган?

— Яшириб утказишгандир? Бундайлар учун Туркиядан Россияга чиқиладиган иккита йул бор, — деди Диля. — Бири

— поездда Истанбўлдан Туркиянинг Кавказга я кин Карс деган шахригача келинади, кейин Кдрс-Тбилиси-Боку поездига ўтирилади. Озарбайжонга етгач, Боку-Москва поездига! Иккинчи йул — Истанбўлдан паромда денгиз оркали Одессага, яъни Украинага борилади, сунгра Одесса-Москва поездига чиқилади! Жахонгирни ё Озарбайжон, ё Украина оркали Россияга олиб кетишган бўлиши мумкин. Бундан тапщари Истанбўл-Краснодар йул и ҳам бор. Улар бу йулларда хужжатсиз иш кдлишига ишонса бўлади. Менимча, Одессадан кетган, нега деганда Украина я кин йул. Ҳаммасини интерполга ёзиб бер, боланг топилса, мен ҳам тинчгина ухлайман. Халоватим колмади, дугонажон, сенга ухшаб мен ҳам тамом бўлдим. Тамом бўлганим учун ҳам яхши гапиролмаяпман.

—Сен яхшилик қилаяпсанми ўзи?

— Тушунмадим...

—Сен хакднгда ёмон хулосага келиб бўлганман.

— Кечирасану мен тугул етти ёт бегона россиялик савдогар хотинлар ҳам яхшилик кдлиши мумкин. Нима, сенингча, дунёдаги ҳамма одам ёмонми?

— Истанбўлдан иш топиб бердинг, рахмат! Шу билан бирга мени турмуш кўрмаган киз кдлиб кўрсатмокчи бўлдинг. Шанс келса, бой одамнинг этагидан тут, деганинг ҳам эсингдами? Мустафо деган кимса-чи? Нега у билан олди-бердинг бор эди? Диктофонда овозларини ёзиб олганим учун улар сенинг ва дугоналарингнинг карзларидан кечишга мажбур бўлишди. Бола угирлаш қўлидан келадиган галамис кимсалардан нима учун карз бўлиб колгандинглар? Нима учун? Буни ҳам тушунтириб берарсан?

—Лайло, мени ушаларга шерик кдлиб кўрсатмокчимисан?

— Шерик эмасдирсан, аммо адоканг бор эди. Мени уларнинг уйига юборган ким?

— Сени ишга жунатдим, Лайло! Яхшиям, Найзан кампирникини мен тавсия кдлмаган эканман.

—Ўзингга четдан бир кара...

— Лайложон, Жахонгирнинг йуколишига Мустафобей ёки мен сабабчи эканим акдга сигмайди! Колаверса, Мустафобей, Ёгочоёклар бизни хали ҳам Истанбўлда деб уйлаб юрган бўлса ажабмас. Сен уларга чалгима! Мендан хафа экансан, хафагарчиликни унут! Жахонгирни топишни уйлайлик!

— Боламни улар угирлашмаган, бунга ишонаман. Мен бошка нарса хакида гапираяпман. Сен ўзи кимсан?

— Сенга факат яхшилик тилаганман, Лайло! Хохласанг, бирорта бойга турмушга чикдб, яхши яша, демокчи бўлганман.

—Бошка ниятинг йукмиди?

— Йук! Яна бир марта айтаман — йук! Илтимос, ўзингни қўлга ол!

Дугоналар бир-бирига тиқилиб колишди.

—Сени бир умр каргаб, лаънатлаб утаман, — деди Лайло.

— Нималар деяпсан, жиннимисан?! — кўзлари олайди Дилянинг.

— ...агар ўғлим топилмаса, — деб махбус аёл телбавор тулгониб куйди.

— Мен ўтирлатганим йук-ку, Лайло! — чинкириб юборди Диля. — Шундок ҳам бахтсизман! Сенинг каргишинг етмай турганди! Айбим Туркиядан иш топиб берганимми? Ким сенга кредит хужжатларига тушуниб-тушунмай имзо куйиб, Туркияга Коч, деди?! Мен эмас, мен эмас! Бу ошни ўзинг пиширдингми, Лайло, энди ўзинг ич-да! Мендан утган бўлса, эрингнинг Москвадага манзилини Гулчехра опага айтганимни яширганман, холос. Бу — калаванинг учи бўлмаслиги мумкин, туксон туккиз фоиз кафолат! Мен бечорани бу ерга кўчадаги миш-мишдан сунг кунглимда пайдо бўлган бир фоиз умид етаклаб келди, виждон азоби етаклаб келди.

Назоратчилар уларни яна ажратишди.

—Майли, майли... сени бир умр дуо қиламан, — деди Лайло

тусатдан ўзгариб. — Факат... факат бугунок Бехол опани то Латофат ким, Сеньорита ким, батафсил сураб-сурищ~ Телефон ракамларини, Россиядаги яшаш манзилини *су*- Менинг уйимдагиларга хқам, айникса Собир акамга аниқ а! Ҳаммасини яхшилаб тушунтир. Албатта, бу миш-мишнинг оркасидан тушинглар, эшитаяпсанми, Диля?! Ариза ёзиш нима деган ran? Эртага акамлар камокхонага келишсин. Агар Беҳол опанинг гапи чин бўлса, беш дакикада ёзаман-куяман! чин бўлмаса ҳам ёзаман, ёлгон бўлса ҳам! Чунки тахминларингда жон бор! Яна кдерларга ёзиш керак бўлса конунни тушунадиганлардан сурасин. Ёзаман, албатта ёзаман!

— Хуп, хул... — бош силкиди Диля. Армонсиз буялган ковогидаги буёк; чапланиб кетганди.

— Сенга ишондим! — Лайлонинг овози камокхона деворларига урилиб жаранглади. — Бехол доллар деганни бугуннинг ўзида топинглар!.. Сени каргамайман, Диля!.. Мени биласан-а!

Сукунат чукди. Йуқ сукунат эмас, кдердадир ит ХУРДИ, Каердадир машина сигнал чалди, шифокорлардан бири дори.-дармон кутисини тушириб юборди, алланималар жаранглади. Бўларни эшитмаётган Лайло каравотига ётган куйи дунёни унутганди. "Жахонгир, — деди ичида, — болажоним... кўзимнинг кароси... Хозир каердасан? Нималар қилаясан? Нега мен сехргар эмасман? Нега елкамдан канот усиб чикмайди? Ер шарини бир айланиб, каердалигингни билиб олмайманми? Шартта кучогимга олиб, уйга олиб келмайманми? Тирик топиласанми ўзи, юрагимнинг парчаси?! Мени кечир... кечир, болам... Ҳаммасига айбдорман...! Шунчалар айбдорманки, ўзимни ўлдирсам кутуламан..."

Лайло хунг-хунг йиглай бошлади. Орадан канча вакт угганини билмади. Бошини кўтариб, атрофга хаддан ташкари умидсизлик билан каради. Гунг девор, гунг дераза, гунг каравотлар... Қачонгача давом этади кутиш?

Лайлонинг ортик бардоши етмади. Озодликда бўлганида ҳам бир нави эди. Йишси кўчайди, ёстикни муштлай бошлади. Кейин:

## "Мусофир гўдак цисмати-Н"

" __ қСах онги Р- ¯ Дᵉб бор овози билан кдчкириб эшикка " Куйиб юборинглар мени! Боламни ўзим топиб

ламан! Ўзим! Кейин бир умр камокда ўтирсам ҳам розиман!

Камокхона шифохонаси нозирлари унинг қўлларига ёпишишди.

- Бундай яшагандан кўра улганим яхши! — айюханнос солди махбуса.

У ногахон чангалдан чикишга муваффак бўлди. Ўз жонига қасд қилиш учун бир неча сония вакти бор эди. Полда сочилиб ётган нарсалар орасида кўзига пичок кўринди. "Улгураман!" деган хаёл утди кунглидан.

- Ушла! Нега кара турибсан?! — бакирди кимдир.
- Улгураман... — пичирлади укдек учиб бораётган Лайло.

Вакт секинлаштирилган кино кадри каби имиллади, сониянинг шу бўлагида ҳам ўғлини уйлашга вакг етарлича эди гуё. "Мен нимани ҳам уйлайман? — деди Лайло. — Адо бўлган аёлман. Ютказдим, умримни, боламни, бахтимни ютказдим... Мана, ҳаммаси тамом..."

Фожиа бир зумда содир бўлди. Лайло ялтирок тигга ўзини отди ва яшин тезлигида поддан олди. Олди-ю куч билан ўз куксига санчди. Қўл ид а н тортиб олгунларича тнғнн ё уч, ё турт марта газаб-ла урди, телбаларча урди, вахшийларча урди, ураверди. Хар бир зарбда оёк учларигача калтираб кетди, буйин томири кўкариб, ёрилгудек буртди. Бугзидан аянчли ингрок сиргалиб чикди, кўзлари бир нуктага маъносиз Кадалди...

Дастлаб борликни сезиб ётди. Мана, бошига одамлар тупланишди, ачинган, ташвишманд нигохлар... Хаял утмай вужуди совиди, қўл-оёкдари сезилмай колди, куксидаги офик Ҳам йуколди, овозлар олислаб-олислаб, секин тинди, Камокхона шифохонаси туман ичида колди.

- Жахон... - шивирлади Лайло эндигина уйгонгандек. - Жахон...
- Аяжон... — ўзок-ўзокдардан бола овози эшитилгандек туюлди.
- Б... болам... — талпинмокчи бўлди Лайло, аммо вужуди

буйсунмади. Тубсизликка қўлаб тушаётгандек хдс этди ўзини. Айни дамда кукка кўтарилаётгандек эди. "Мен улаяпман, — уйлади Лайло. — Бекор қилдим... бекор қилдим..."

Жон талашаётган Лайло онасини ҳам чорлади. Онасининг шарпаси-да кўринмади, чорловига-да жавоб келмади. Атрофии зулмат крплади, сову к эди бу борлик Шундагина Лайло билди, зулматнинг ҳам тирик ва улиги бўлади...

—Реанимацияга!.. — деди кимдир.

Уша куни Диля Самарканд шахридаги ўз дукони жойлашган бозорга етиб келиб, Бехол долларнинг растасига борди, йук экан. Миш-мишчи хотиннинг дуконига йул олди. Муъжазгина дуконда киз и бир дугонаси билан мода хакида гаплашиб ўтирган экан.

—Аям уйга кетдилар, — деди киз кайфиятсиз жувонга бошдан-оёк кўз югуртириб. — Нима ишингиз бор, менга айтаверинг.

— Уйларинг каерда? Мени танидингми? Иккинчи дарвозадан киргандаги дуконда ишлайман.

— Вой, опажон, сиз ҳам гапнинг оркасидан келганга ухшайсиз-а? Бугун ҳаммангизга нима бўлди?

—Кднака гаи?

— Аямнинг феълини билсангиз керақ — деди киз уф тортиб.
— Кўрмаган нарсасини кўрдим, билмаган нарсасини билдим дейди. Бутун бозор, бутун Самарканд оғизига караса бўлди...

—Тўхта, бу опа бошка масалада келгандир, — гапни кесди дугонаси.

— Дурдона опа, аям оркали таркатган ran буйичамисиз?

—Э, Дурдона опанг билан нима ишим бор?! — Диля жотибийрон бўлди. — Айт уйингнинг адресини!

Шу захотиёк манзил айтилди. Йул буйи Дилянинг ховури босилмади. Назарида, утган шунча вакт мобайнида Жахонгирнинг дараги чикмаётганига факат ўзи сабабкордек ич-этини еб борди. Нега прокўратурадан бунчалик кўркди? Улар хориждан депортация қилинган ёш хотин-кизларни чакириб, сухбатлашиб кўришаркан, холос. Зеро, айримлар махалла-куйдан уялгани учун ҳам ўзини хорижга сотган

кушмачи ёки қўлфурушларни фош этолмайди. Диля-чи? У Туркияда уй хизматкори бўлиб ишлади, ножуя иш кдлмади хисоб...

—Бугундан бошлаб акдимни таниб яшайман, — деди Диля ўзига-ўзи.

Бехол доллар дабдурустдан бостириб кирган жувонни кўрганида кўзлари пирпирай бошлади.

—Бунча кўркдсиз? — деди Диля. — Латофат опани кдердан топсам бўлади? Шуни сурашга келдим.

—Вой, нега?

—"Вой, нега" эмиш? Гулчехра опа улимидан аввал Туркияда Латофатга учрашган экан, Латофат болани олиб кетолмаслигини айтиб, россиялик Сеньорита деган аёлнинг телефон ракдмини берибди, дедингизми кеча?

— Дедим, — ёқа ушлади Бехол доллар. — Шунга нима бупти? Эшитганимни айтдим, нон урсин, бўлган ran!

—Яхши. Айта кдлинг, Латофат опанинг уйи к;аерда?

Ха, Диляга омад кўлиб бокди. Манзилни қўл га киритгач, такси тўхтатиб, Латофатникига шошилди. Латофат эрининг машинасидан тушаётган экан, Диля салом бериб, бостириб борди. Уйда гаплашиш таклифидан бош тортиб, барчасини кўчада кдсдача сўзлаб берди, Латофатнинг юзига қон югурди.

— Самаркднддлик аёлнинг уч ёшли фарзанди Истанбўлда йуқолибди, деган гапни яқинда эшитдим, — деди у. — Эшитганданоқ кунглим сезди. Хойнахой, Гулчехра опа айтган шурлик болача шу эмасмикан, деб секин-аста танишлардан суриштирдим. Ккарасам, хакдас-рост уша. Бечора Гулчехра опа вафот этганидан ҳам бехабар эканман. Мана, телефонимда Сеньоританинг ракдмлари бор, ёзинг...

Диля шоша-пиша кучиришга киришди.

— У асли Татаристондан, — деди Латофат. — Россиядаги манзилини ҳам, Туркиядаги яшаш жойини ҳам аникдаб бераман. Туркияни йигаштирган бўлсам ҳам, танишлар куп.

Диля шу захотиёқ оёгини қўлига олиб Лайлонинг ота-онасиникига чопди. Бу ерда ҳам уни хадик пардасида кутиб олишди.

—Яхши хабар бор, Жахонгирнинг изини топдик десам ҳам бўлади, — деди Диля хаяжон огушида. — Бир бошидан сўзлаб бера крлай...

Унинг гапини тинглаган Лайлонинг онаси ажин тушган бугирсок қўлини телефонга чўзиб:

— Неварам Россияда бўлмаса-чи? — деди. — Лайло шундоқ ҳам кўрук суратга айланди. Эртага бошка биров Америкада деса, нима қиламиз? Гох у мамлакатда экан, гох бунисида, деб дард утига мой сепмаймизми?

— Барибир ахтариш керакми?

— Шунака дейсан, лекин бизнинг қилмаган амалимиз колмади. Шахсан ўзим кднча ташқилотга югурдим. Собир- чи, эх-хе, Истанбўлга ҳам бориб келди. Эшитгандирсан, Туркия Жахонгиримнинг суратини ўзининг газетасига ҳам чикарган. Айтишларича, газетага кимлардир канча KyHFnpoK/iap кдпишганмиш. Бари бефойда. Газетага чикдандан кейин кунгирок қилишади-да. Ўғил болачани киммат дейишади. Уни сотиб юборишган. Пул учун хеч нарсадан кайтмайдиган нокаслар бижгиб, ачишиб ётибди... Алё, - шундай дея Лайлонинг онаси уншга гаи кдгди: — Каердасан, Собир, бир келиб кет. Лайлонинг синфдоши бир хабар, аникроги гумон кўтариб келибди... Жахонгир масаласида... Ха, Туркиядан иш топиб берган синфдош дугонаси.

Собир бошига дуппи кундирган, ковоқ солган, кррули киши эди. Диляга норизо нигох ташлаб, онасидан суради:

—Нима ran, ая?

Унга ҳамма ran айтилди.

— Чиптасиз, хужжатсиз чегарадан бола олиб утиш шунақа осон эканми? — Собир Диляга угирилди.

— Мен айтган маълумот калит бўлолмайдими? — деди Диля.

— Савдогарлар хужжатсиз одам олиб утиши мумкин, яъни бу иложсиз иш эмас.

— Калит бўлолса, хозир Жахонгир Россиядами?

— Шахсан ўзим Алиаскар аканинг яшаш жойини Гулчехра опага айтганман, деяпмац-ку. Латофат опа ва Гулчехра опанинг

гаплашгани хакддаги миш-миш ҳам рост чикди. Эртагаёк интерполга ёзиш керак.
— Интерпол Россиядан одам кидирмайди, — уйга толди Собир.
—Нега?
— МДХ худ уд и буйича ўзаро кидирув шартномаси бор. МДХдан ташкари бир юз саксон иккита мамлакат билан Интерпол шугулланади.
— Мен уйлагандимки... Лайло ҳам... Кдскдси, кайси мамлакатлар билан канака шартнома бўлишидан катъи назар Жахонгирни халкаро кидирувга бериш керак. Факат Туркиядан ахтариш бекорга натижасиз чикмаяпти, ака.
—Нима дейсан? — уншга каради Лайлонинг онаси.
— Нима дердим, кидирамиз албатта, — **ух** тортди Собир. — Эртага Лайло билан учрашаман, Интерпол идорасига ҳам бораман. Хозир уйлаяпман. Жиянимни Россияга олиб утиб кетишган бўлса, бу хакда ёзамиз. Кейин "Жди меня"га ҳам бериш керақ сурати билан... Сунг анави вариантни ҳам шахсан текшириб кўришимиз мумкин.
—Кайси? — деб яна ўғлига каради Лайлонинг онаси.
— Диля собик куёвтурангизнинг манзилини берган экан, балки Сеньорита деган уша аёл Москвага, Одинцовога боргандир? Алиаскар бу ёкда Лайло билан жанжаллашишга келиб куйган бўлса, аёл уни тополмаган, шундан сунг юртдошларимизга учрашгандир? Нима, Одинцоводагиларга кунгирок кдлиш кийинми? Жиянни етаклаб боради-ю "дадаси йук экан", деб индамай кайтиб кетмайди-ку.
Бунинг учун, албатта, Алиаскарнинг ёрдами керак эди. Кайнога собик куёвнинг ракамини суриштириб топгач, боЕланди.
— Алиаскар, — деди у босикдик билан, — бу мен, Собирман.
—Кайси Собир? — мает кишининг бўзук овози эшитилди.
— Лайлонинг акасиман.
— Лайло-пайлони танимайман...
— Менга кара, — Собир телефонини махкам кисди, — сени таниймиз деб биз ҳам улиб бораётганимиз йук. Хозирок уйга,

онамларникига кел. Келолмасанг мен бораман. Иш жидций. Сенинг ҳам, Лайлонинг ҳам эмас, жиянимнинг такдири...

—Нима-а? — энсасини кртирди Алиаскар, аммо шу дамдаёк ўғли хакдда совук хабар борлигидан кўркиб кетди. — Нима қиламан... бориб?

—Сенга айтаяпман, Жахонгир бугун... — Собир хали ноаник бўлмиш маълумотни дарров айтишни истамади.

—Нима бўлибди унга? — бакдриб юборди Алиаскар.

— Кел, гаплашамиз, бу телефонда айтиб куя колинадиган гаи эмас, — Собир телефонини учирди.

Алиаскар куп куттирмади. Қўлида сигарети, оғизида тутуни, кўзида ёши ила остона хатлади. Хеч ким билан кўришмокчи эмасди, лекин унга хартугул илтифот кўрсатилди, одамдек хол-ахвол сурашилди.

— Жахонгирга нима бклди? — деди. - Тинчликми? Нега менга бунака карайсизлар? Собир ака, гапирсангиз-чи!

—Жахонгирга нима бўлди эмиш, — газабланди Лайлонинг онаси. — Нима бўларди, май ойида йуколган, шундан бери дом-дараксиз. Хадемай бир йил тулади. — Кейин кушиб куйди: — Туртга ҳам кириб куйди неварагинам. Мен қон ютиб угирибман, бўлар эса шу-шу арок̧ ичиб, маишатини суриб юрибди. Ким айбдор? Лайло айбдор!

—Вахима билан чакиришнинг нима кераги бор эди? ¯ юзини буруштирди Алиаскар.

— Манави синглимиз, — деди Собир Диляга кўз кирини ташлаб, — Жахонгирни россиялик бир савдогар хотин поездда ёки паромда Туркиядан олиб чиккан бўлиши мумкин, деяпти. Лайлонинг синфдошларини танийсанми, йукми, бу уша бўлади, Лайлога Истанбўлдан иш топиб берган дугонаси. Хуллас, сенинг Одинцоводаги манзилинг россияликка берилган.

— Шу ran ростми? — суради Алиаскар.

— Рост, — деди Диля, — лекин ўғлингиз савдогар аёлдами, бошка бировдами, аникдаш керак.

— Жахонгирни бериб юборишган бўлса, Москвагача олиб келолади, деб уйлайсизми?

—Йули бор, олиб келиши мумкин.

— Демақ Москвадаги иш жойимни билишадими?

— Ха, Одинцоводаги Дунай кўчасида жойлашган уттиз биринчи завод ётоқхонасида яшашингизни аниклаб, Самаркандцан телефон кдлиб айтганман, — деб жавоб берди Диля.

— Кайси савдогар уш-ша-а? — кўзлари бежб уйнади Алиаскарнинг. — Нималар бўлаяпти бу ерда? Нега жим турибмиз?

— Ўзингни бос, — деди Собир, — савдогарнинг исмини, аникрош, лақабини бугун билдиқ эртага тегишли жойларга ёзамиз. Жахонгирни Одинцовога олиб борган бўлса, у ёкдагилар хабардордир? Сен хозирок Одинцоводаги танишларингга телефон қил. Гулчехра опа жиянчани Сеньорита лакабли аёлга берган деган тахминимиз тугри чикиши мумкин. Кдни, бўл, биронтасининг раками борми?.. Умуман, кимдир заводдагиларга хеч бўлмаса хабар бергандир, Алиаскарнинг йуколган ўғли бизда деб.

— Качон айтилган манзилим?

—Ушанда.

—Ушанда? Ахир, неча ой утиб кетди, Собир ака, Диля?! Бу гаn нима учун энди чикди?

— Лип этиб самолётда бормаган, билдингми?! "Йул азоби — гур азоби" кдлиб юрган тарак-турук йулларда.

— Рустам исмли йигит ишлайди, — гўлдиради Алиаскар ва кунгирок қилаётиб калт-калт титрай бошлади, кўзлари жикка ёшга тулиб, деди: — Алло, Рустам, гапимни диккат билан эшит. Мен кетгандан кейин бола етаклаган бирор аёл келдими? Ўғлимни олиб борган бўлиши керак.

— Хеч ким келмади, — Рустамнинг овози умид чирокдарини сундирди.

—Лазиз айтгандир, ўғлим Туркияда йуколди. Уни менинг олдимга, Москвага бериб юборишган экан. Нахотки, бола етаклаган аёл келмади? Бошкалардан яхшилиб сураб- суриштир, илтимос, жура.

— Йуқ хеч ким... Лекин, менимча... — деди Рустам иккиланган одангда.
—Нимадир демокчимисан? — жонланди Алиаскар.
— Сен Москвада эканлигингда келганди, эсингдами? Лекин қёлмае, эркак... Лекин у...
—Лекинламай тезрок гапир!
— Молдован бўлса керақ деб сен хакингда маълумот ј бермагандик. Ўзимиз шунга келишгандик-ку, Алиаскар.
—Тўхта! У кейин кайтмадими?
—Йук.
— Мени тополмаса, кимларгадир учрашиши, эртасига яна | ахтариб келиши керак эди...
—Бунисини билмадим, жура.
— Заводда ким билан гаплашган бўлса, сура, молдованмиди, йукми. Кўзатув камерасига тушган бўлса, архивда туради. Мен учун битта нусха дискка ёзиб турйшсин. Молдованларнинг олдига бориб келиш қўлингдан келадими? Аникдаш керақ мени заводга ахтариб боришганмикан? Агар улар ахтармаган бўлишса, бола менинг ўғлим! Ха, утлимни олиб келгану нима сабабдандир кайтиб келишмаган. Топаман!.. Топилади... Мен билан жанжаллашган молдованларнинг манзилини ёзиб ол, Рустам!
—Эх-хе, бунча иш қилолмайман.
— Сен қўлингдан келганини қилиб тур, мен эртагами, индингами Россияга учаман. Шундай пайтда ёрдам бермасанг, канака дустсан?!
— Хуп, завод буйича илтимосингни бажараман, молдованларни Лазизга айта кол. У уддалайди.
— Бу... ҳаммаси нима ўзи? — Алиаскар Лазизнинг ракамларини тераётиб, ўзига ўзи гапирди. — Умидми, тушми, алахсирашми?.. Худойим, гунохимни кечир... Болам топил син...
— Агар завод рахбарияти видеоархивни текширишга рухсат бермаса, — деди Собир собик куёвига якинлашиб, — муаммо эмас. Биз эртагаёк тегишли жойларга ариза ёзамиз, хал Қилинади. Молдованлар хакида гапирдинг, иищилиб

келганлар у шал ар бўлмаса, бас. Шу сафар ҳам умидлар чил-парчин бўлса, билмадим, Лайлонинг холи нима кечади...
Алиаскарнинг хаёл-хуши телефонда эди, Собирга маъносиз қараб куйди. Лазиз ҳамон Москвада ишларди. Флюзага мухаббати хдкки юртига кдйтолмаётган эди. Унга янги тахмин чала-чулиа тушунтирилгач, молдованлар билан гаплашишга истар-истамай ваъда берди.
— Ўғлингни Россияга самолётда олиб келган бўлса, аэропортда текширувдан утган, бу асосий нарса... — мулохазасини сўзламокка киришди Лазиз.
— Сен тушунмадинг, — деди Алиаскар. — Ўғлим минглаб қилометрни поездда, лаънати поездда ойлар давомида ит азобида дарбадарларча босиб утган!
— Уйлаб гапираяпсанми, Истанбўлдан Москвага поезд катнарканми?
— Ё сен мастсан, ё уйкусираяпсан! Ўғлимни Озарбайжон оркали Боку-Москва иоездида, ё бўлмаса, Украина оркали Одесса-Москва поездида олиб келишганидан гумондамиз, деяпман-ку! Самолёт демадим сенга!
—Ўзр...
— Шунака пайтда асабимни уйнама, хаёлингни йиг, илтимос.
Орага бир лахза жимлик чукди.
— Поездда Озарбайжон оркали олиб келган, дедингми? — тусатдан Лазизнинг овози уктамлашди.
—Қўлогингга танбур чертдимми?
— Ха, танбур чертдинг! — кутилмаганда кичкириб юборди Лазиз. — Ўғлингни Озарбайжонга, кейин Россияга олиб утишган, орадан шунча вакт утган и га Караганда, бир канча вакт уминг Бокуда ушланиб колган, шунаками вариантинг?
—Бу биринчи вариант. Иккинчиси...
— Э, учир овозингни! Мен ўғлингни кўрганман! Кўрганман, Али!
—Қаерда кўргансан, тентак?
— Интернетда! Уни сенга аэропортда кўрсатмокчи эдим, эсладингми? Флюзанинг телефонидаги видео! Бокудаги

кайсидир ресторанда уч ёшли болага калампир беришибди, деб гаплашгандик. Уша бола бир карагцда таниш туюлди, улай { агар, танидим! Лекин... лекин мен — хомкалла ишонмадим. Алиаскарнинг боласи Озарбайжонда нима кд-либ юрибди, j деб! Нурсоч "у жияним" деганди... Э, Нурсоч бекорга самаркандликларни суриштирмаган! Вот, масала каерда! Хеч кандай жиянимас! Нурсочни топаман! Кўрасан, видеодаги бола ўғлинг бўлиб чикади. Уни Москвага ким олиб келганини ҳам 5 Нурсоч билади!

—Мает эмассан-а? — яна бир бор суради Алиаскар.

—Озрок ичганман, лекин сен видеони кўр! Кейин бахо бер менга!

—Лазиз, қўлок сол... — шундай дея Алиаскар кўз ёшларини артди. — Аник... аник менинг ўғлиммиди у? Ишончинг комилми, ж5фажон? У Жахонгирмиди? Анча вакгдан бери кўрмагандинг-ку, нега айнан менинг ўғлим деяпсан?

— Ухшатдим! Юз фоиз ухшатдим! Дуч келган интернет- кафега кир-да, ўзинг ҳам кўр, хозирнинг ўзида кўр! Видеолар "Ютиби" деган сайтда бўлади. Кддир! Кидир! Топмаганингча куйма! Хозир Флюза билан Нурсочга учрашаман, сунгра сенга видеолавхани интернетдан юбораман ёки сайтдаги аник адресини айтаман. Эҳ аэропортда бир кара дедим, карамадинг-да! Ўғлингни ўзим топиб берар эканман-а!

Алиаскар телефонии багрига босиб, деразага якинлашди,|' кўз ёшларини тўхтатолмасди. Уелининг дараги чикдан эди- да, ахир. Мавхумрок бўлса-да, олисда бир шарпа умид уфкига. соя солиб утганди. Жигарбанди азиз, дилбанди табарруқ тирноги ҳам тилладан бола...

—Хали гўдак-ку у... — деди Алиаскар. Сунг қўллари му] бўлиб тўғилди. — Кимларнинг қўлвда юрибди у?! Йуқ хозирок бораман органга! Топиб беришеин! Топиб бермаса, нега керак?.

Диля ҳам хурсанд эди, Собир ва онаси ҳам. Уйлаганларидан- да катта зафар козонаётган эдилар. Бирок сал утмай кунгирок қилган Лазиз хушхабар айтолмади.

— Нурсоч бугун Бокуга учиб кетибди, — деди у. — От

онаси чакдрган эмиш. Видеороликни Флюза учириб ташлабди. Ёлгиз умид "Ютиби" сайтидан.

— Видеоролик топилмаса топилмасин, уша қизнинг манзилини айтсин, ўзим Бокуга бораман, — деди Собир.

Алиаскар, Собир, Диля — учаласи машинада якин- атрофдаги интернет-кафега жунашди. Интернетда ярим тунгача ўтирдилар, турли мавзулар буйича лавхаларни кўриб чикишди, аммо Жахонгир тасвирлангани тоиилмади.

—Бу билан ҳеч нарса ютказмадиқ — деди Собир. — Мухими, бизда видеолавха иштирокчисининг исм-фамилияси, вокеа суратга олинган жойнинг манзили бор.

Эртасига Собир ва Алиаскар ички ишлар бўлимига келиб, янги гумонларини айтишди.

— Сиз ариза ёзинг, — деди майор Алиаскарга. — Маълумотларни бугуннинг ўзида интерполга жунатамиз. Йуколган бола Россияда экани исботланса, Интерпол ҳам кдцираверади, давлатлараро кддирув билан шугулланадиганлар Ҳам.

Бир канча вакт утгач, йулакда угирган собик кайнога-куёвни яна ичкарига чакиришди.

—Туркиядан янги хабар келди, — деди майор. — Хдкикатан Ҳам Қарс шахрида бир шубхали киши Жахонгирнинг сурати чоп этилган газета тахририятига кунгирок кдлган. Полиция унинг изига тушган, лекин кунгирок қилувчи касалманд экан, бандаликни бажо келтирибди. Полициянинг аникдашича, россиялик савдогар хотинлар орасида уч ёшлардаги болакай бўлган. Афсуски, у бирорта кўзатув камерасига тушмаган. Кувонарлиси шуки, полиция шубхаланган киши улимидан сал олдин бир танишига "уч ёшли мусофир гўдакни чегарадан утказиб куйдим, бу жиноят эмас, бу савоб" деган экан. Уйлайманки, нихоят боланинг изи топилди.

Собир анча вактдан бери собик куёвини кучокдамаган эди. Иккиси елкаларидан тоғ акдарилиб кўчага чикишди. Бирок шу тобда совук хабар эшик кокмокда эди. Собирнинг телефони жиринглади.

—Ха, ая, — деди у яшил тугмачани босгач.

— Турмадан телефон кдлиб сени сурагцди, нима ran десам менга айтмайди улибгина қолгурлар, — Лайлонинг онаси кдрганди. — Номерингни бердим, телефон қилдими сенга? Лайло яхшимикан?

— Хеч ким кдлмади, ая, — юраги шиг этганини сездирмади Собир. — Хавотирланманг, ўзим гаплашаман... Ие, мана, кимдир телефон қилаяпти... - У онасининг кунгирогини учириб, янгини улади. — Эшитаман.

—Нургалиеванинг акасимисиз? — сўради эркак.

—Х[а], мен...

— Аслида хат юборишимиз керак эди, лекин синглингизнинг "статья"сини хдсобга олиб, бошлиқ билан маслахатлашган Холда кунгирок қилаяпман. Мен махбусларни ваққинча ушлаб туриш муассасаси тиббий хизмат кўрсатиш бошлиш муовини Бегали Нурбековман.

— Лайлога нима бўлди? — хавотирдан кўз кррачикдари кенгайди Собирнинг.

— Кеча реанимацияга тушиб крлганди, шунга онангизни аяб, сизга хабар беришга кдрор кддцик.

— Нима... нима қилди унга? — тили зурга айланди Собирнинг.

— Ўзига OFHP тан жарохати етказиб куйди. Ахволи яхшимас.

—Тирикми?

—Ха, лекин ахволи яхши эмас, — такрорлади ходим.

— Шу каммиди бизга?.. Нима билан тан жарохати етказди? Каерига? Умид борми?

— Яхшиси, бизга келинг. Гаплашамиз.

— Албатта, бораман, хозироқ йулга чикдман! Лекин боргунимча билишим керакми ахир?!

—Куксига уткир тигли нарса санчган...

— Уткир тигли нарса?! Айнан нима? Мен умуман тушунмаяпман! "Сангород"да пичоқ, кдйчи топиш шунақа осонми? Каердан олибди? Ўғлини йукотиб, бир ахволда юрган аёлни нега назоратсиз қолдиришибди? Ўз ёгига ўзи қовирилаётганини ҳамма биларди-ку! Ўзини бирор нима қилиб куймасин, деб бундок қарамайдиларми?!

— Аслида шунинг учун сизга кунгироқ қилаяпман. Айни дамда нима билан тан жароҳати етказгани, ким уни назоратсиз крлдиргани эмас, хаётини сакдаб қолиш мухдм, тугрими? Крн масаласида ёрдамларингиз керак. Билишимча, банкка етказган зарарини тудаб, кдмокдан ҳам чиқармоқчисиз...

— Хозир йулга тушаман, — деди Собир. — Синглимнинг хаётини сакдаб қолиш учун нима чора-тадбир бўлса, қўллаб туринглар, илтимос... Мен етиб бораман, тезда етиб бораман!

Боши гувиллаб, қўлокдари эшитмай куйганди к.амок.хона ходимининг гапинй. Кўзи ҳам кўрмай баногох йул устига чикди, Алиаскдр енгидан тортиб қолмаганида машина туртиб юбориши мумкин эди.

— Лайло яхшимикан? — сўради Алиаскдр нима дейишни билмай.

— Яхшимас... — гудранди Собир. — Онангизни аядиқ дейди... Онам ҳаммасини тушуниб бўлди-ку... Эй Худо, шу кўргилик ортиқча эди-я!

Собир собиқ куёви билан Лайло фожиаси бобида гаплашишни истамаётгани аён эди. Алалхусус, нималар демаганди Алиасқар хар бир жанжалда. Ва унинг айтганлари юз бераётганга ухшарди.

— Мен ҳам бораман, — Алиаскдрнинг овози илтижога қоришиб чикди.

Собир хайрон бўлиб қаради.

—Ака... — деди Алиасқар.

— Унга кунгироқ кдлма. Эсингдан чикдтсин, Алиаскар! Милициядан хабар олиб тур. Мен... — Собир ҳам гапини охиригача айтолмади. — Буити, хайр.

— Кимга кунгироқ кдлма, деяпсиз? — Собирнинг ортидан хитоб қилди Алиасқар.

—Сеньорита деган аёлга. Биз сездириб куямиз, Алиасқар, тугри тушун! Ёзган аризангнинг натижаси билан хар соатда қизиқ! Балки Сеньоритани якдн-орада ушлашар, балки бугун жиян топилиб... — Собир гапини эсдан чикдрган каби бир лақза тўхтади.

—Тушундим, — деди Алиаскдр.

— Уйга борай, — Собир бош кдмирлатди. — Онамнинг 1 кунглиии хотиржам кдлиб, кейин... кетаман. Кдриндошлардан , ҳам битта-иккитасини оламан... Крн зарур...

Улар шу ерда ажралищди, аммо бир неча соат утгач, битта | жойда — махбуслар даволанадиган шифохона дарвозаси олдида ; яна рупара бўлишди.

—Келдингми? — қўл чўзиб, қайтадан кўришди Собир. С ал 1 нарида турган Лайлонинг кдриндошлари Алиаскар га қовоқ уюб караб куйишди.

— Иложи бўлса, Лайлонинг олдига мен ҳам кирсам... Собир ака, куп нарсани тушуниб етдим, - деди Алиаскдр. - Бу дунёда одам одамга омонат, Худога эмас... Кўрасиз, Жахонгир ҳам топилади. Агар топилса... нималар деяпман, барибир топилади... Лайло билан ярашаман. Мен, Лайло, Жахонгир — учаламиз бир оила бўламиз... Мает деб уйламанг, Собир ака, йулда ичдим... Куйиб кетганимдан ичдим... Жахонгирнинг йукрлишида купроқ Лайлони айбладик. Лайло Туркияга олиб кетди, Лайло йукртди... Йуқ, ҳаммасига мен айбдорман, ака, мен айбдорман! Эркакманми? Оиланинг бошлигиманми? Бахтли оиламни шу кунларга алишдим...

— Алиаскар, — деди Собир вазминлик-ла. — Энди ичма Ҳам, утган ишларни эслама ҳам. Ярашмокримисан, қарши эмасман. Синглим бахтли бўлса... шу керак менга. Лекин у яшаб кетадими, йуқми, Худонинг иродаси. Нима бўлса, пешонамдан кўраман энди, жура.

*Щ*

Совуқ хабардан сунг ўзини қўлга олган Лайлонинг акаси Алиасқарни "жура" деб атади. Жура — бегона одамга айтиладиган мурожаат каби оддий ва хдесиз сўз эди. Улар кдематнинг шундай чоррахасида эдиларки, умр араваси хар бир сонияда кабристон кўчасига бурилиши мумкин. Кейин Алиаскар билан кдриндошчилик қоладими?

— Мени киритармикан? — пулат дарвозага нигох гашлащЙ Алиаскар.

Бироқ ёлгиз Собиргина ичкарига кирди. Алиаскар баландқ девор, укугмас дарвоза ортида ич-этини еб қоларкан, Лайло билан

ҳам, кам ҳам эмасди, боищалардек оддий хотин эди. Хотин маъшуда эмас, хотин илк мухаббати ҳам эмас, лекин хотин маъшукддан-да, илк мухаббатдан-да қиммат инсон эканини англади. Хотинни хор кдлган эркак ўзини хор қилган билан баравар экан. Агар хотинсиз яшаб бўлганида эди, шу кунларгача оила деб аталмиш бахт уюшмаси инсоният тарихидан йуколиб кетмасмиди? Ортикда нарса нима керак? Нега тарихнинг ҳамма сахналарида пок инсонлар оилага интилади-ю, аксинча кунглига ўз нафси хокимларнинг парда ортидаги кўчага ишқи тушади? Ҳамма бало баднафсликда эмасмикан? Алиаскар Лайлога эмас, аввало ўз оиласига, ўз бахтига хиёнат қилди. Ўз оиласини хор этган кас эса "Нега пешонамга бахт ёзилмаган?" деб дод солиши кднчалар ажабланарли. Кечагина тугурукқона олдида кутмаётганмиди Жахонгирнинг дунёга келишини? Инсонлар бор — миллионларни бахтли қила олади, инсонлар бор — ёлгиз жигарбандига ҳам шоду хуррамлик тухфа этолмайди. Лайло хиёнатда айблаб жанжал кўтарганида, оила кемаси Ажрашиш уммонига сўзиб келган эди. Алиаскар ушанда нимани уйлаганди? Ажрашиш огир, ахир боласидан айрилади. Агар гўдакдан кунгил ўзса-чи? Ха, Алиасқар ўз пушти камаридан бўлган боладан ўзини совитиш учун турли хаёлларга эш бўлди: бопща хотин олсам, куша-куша фарзандлар тугиб беради, Жахонгирни унутаман, ўғлим менсиз ҳам катта бўлаверади, бу кдсмат фақат унинг бошида бор эмас ва хоказо. Болани эр-хотин биргаликда бахтсиз кдлишган экан, эр ва хотиндан кайси бири купроқ айбдорлигини улчайдиган тарози бормикан? Ва бор бўлса, энди у кимга ҳам керак?

— Лайло, улма, — шивирлади Алиаскар. — Кўрасан, ўғлимиз топилади. Кдмокдан чикдшингга мен ҳам ёрдамлашаман...

Бу вақтда Ер деб аталган улкан сайёрани ураб олган кўзга кўринмас радиотулқинларнинг сон-саноқсиз оқимларида Нодиров Жахонгир Алиасқарович деган болакай хусусидаги янги маълумотлар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга, сунг учинчисига, туртинчисига ўзатилмокда эди. Онаси қамоқ Шифохонасида, отаси қамоқ остонасида ётган шурлик болакайнинг исм-фамилияси, сурати, алохида белгилари, уни

Туркиядан олиб чикдб кетишда гумон кдлинаётгадлар хдкида * маълумотлар — барчаси электрон йуллардан ўз манзшцарига : лип-лип шошилмокда эди. , *'

Куп утмай турк полициячилари Сеньорита лақабди Россия фукдросининг шахсини аникдашга муваффақ бўлишди. 1 Кейинги кунларнинг бирида Россиядан Истанбўлга юборилган | маълумотномада Сеньорита Озарбайжон пойтаххида вафот этгани, улиги Татаристондаги Ямашурма шахарчаси як;инидаги кдбристонда дафн этилгани, вакқ-соати ва боища кушимча далиллар ила қайд этилганди. Шундан сунг полиция бир кднча вак? мобайнида Сеньоритага хизмат кдлган Шафакди нишон остига олди. Бу вакдда Шафақ Истанбўлнинг Фотих туманидаги бир хонадонда окрочлик қиларди. Томогн огриб, тез-тез йуталаётгани учун уй эгалари ижирганиб кдраётган хосиятсиз кунлардан бири эди. Хакдига кучганда, у Жахонгирни энди-энди унута бошлаганди. Шундай эса-да, мусофирчиликда онасидан айро тушиб, бегоналар қўлида кдлиб кетган гўдакни негадир уша хафта куп эслади. Сеньорита Хаётдан кўз юмганини ёзда, уйку дори воқеасидан бир ойлар утгач, савдогар хотинлардан эшитган, бола такдири эса ханўзгача крронт бўлиб, ота-онасига топширишган, деб умид қилар, уни кимдандир суриштиришга кўркдр эди.

Тушликдан кейин коса-товокдарни ювгач, дорихонага йул олди. Йутал дори харид к;илиб, йулакдан шошилганча кдйтаётган эди, ёнгинасида машина тўхтади. Бошини кўтарганида, туппонча такдан полиция ходими йулини тусишга улгурган эди.

—Мен билан юришингизга тугри келади, — деди ходим.

—Ким? Менми? — атрофга аланглади Шафақ.

— Ха, албатта, — хар холда юзига очиқ туе берди полициячиш -- Сизни ахтариб хозиргина бекангиз билан учрашгандикЯ мана, куч ад аё к; топдик. Шундан билингки, иш мухим, вак? тигиз!

Полиция махкамасида Интерпол ходимлари ҳам ўтирган эди Шафакда даставвал Сеньоританинг сурати кўрсатилди.

## ----------------------------Мусофир гўдак қисмати-И"

—Бу аёлни танийсизми?

— Танийман.

—У хакда бизга гапириб беринг.

Шафақнинг юраги орқага тортиб кетди. Намотки, Сеньоритани уша бола учун ўлдиришган бўлса? Ахир, шифохонада хасталикдан улди, дейишганди-ку. Балки бўлар Жахонгир масаласидадир...

— Фақат шуми? - сурашди Шафақнинг хикоясини тинглашгач.

— Сеньоританинг ижара уйига бола етаклаган чет эллик аёл келганини нега яшираяпсиз? Урнингизда бўлган Хар кднбай акдли қиз бунакд ёмон хатоға йул куймасди.

— Қ-.- қанақа бола? — Шафакдинг миясида "таслим бўл", "йуқ, хеч нарсани билмаслигингни айт, исботлаш учун гувох қани?" деган зид фикрлар шу кддар тез алмаша бошладики, очиқ-ошкор довдираб қолди.

—Уч ёшли ўзбек **бола, — деди Интерпол ходими.**

Шафакда иккинчи сурат кўрсатилди. Бу Гулчехра эди.

— Яхши эслолмаяпман, — деди Шафақ шошиб, — чунки мен юз-кўзига куп ҳам қарамадим, хаёлим болада эди... Ха, чет эллик аёл уч ёшлардаги болани етаклаб келганди, Сеньоритага... хонимга топширди.

Полициячилар нафас олмай тиқилиб туришарди.

— Мана бу болами? — деб Жахонгирнинг суратини кўрсатишди.

— Ха, ~ йишай бошлади Шафақ, — у хозир кдерда? **COF**-саломатми?

—Нега йиглаяпсиз? — даструмол тутди полициячи.

Шафақни йугал тутди.

— Уни уйласам халигача рахмим келиб, ўзимни йигидан тўхтатолмайман, — деди хиқиллаб. — Кўзларидаги мунгни, онасини ахтариб жавдирашини кўриб, юрагим эзиларди. Катгалардек дардни ичига ютишни ҳам эпларди, бёчора. Онаси учун боласидан уч олишмокқи экан. Мана бу суратдаги хотин Сеньоритага гўдаккинани Туркиядан яширинча олиб кетишни илтимос кддди. Сеньорита рози бўлди, чунки шунакд бир

таваккалчи, кўрқмас, мард аёл эди... Лекин охирги кун Сеньорита икковимиз гижиллашиб қолдиқ чунки уйга хеч кимни чакдрма деб қаттиқ тайинлаганига қарамай шифокорга кунгироқ кдлгандим. Жахонгирнинг мазаси йуқ эди, кўркдим. Кейин Сеньорита менга хобдори бериб, ухлатиб куйди. Уйгонсам, Сеньорита ҳам, Жахонгир ҳам йуқ... Айтсаларингиз- чи, Жахонгирга нима бўлди?

—У **кдцирилаяпти, — деди Интерпол ходими.**

—Хозиргача йуқми? — қизарган кўзларини катта-катта очди Шафақ.

—Ёрдамингиз асқотса, топамиз, — жилмайди ходим. — Сиз Гулчехра Жумадуллаева деган аёл улимидан аввал болани кимга топширганини аникдаб бердингиз. Шу кунгача бу хеч ким ечолмаётган жумбоқ эди. Ташаккўр, хоним.

Сеньорита Истанбўл-Анқара-Карс поездида мамлакат сархадларига етиб боргани, кейин эса Кдрс-Тбилиси-Боку поезди билан Озарбайжонга, хаётининг сунгги лахзалари кечган пойтахтга келгани аниқ эди. Бироқ бола қаерда гойиб бўлиб қолди? Карс шахридаги киши чегарадан утказиб куйганини айтган, Сеньорита Бокуда шифохонага ё'щизилган, ? лекин ёнида хеч қандай бола бўлмаган... Интерполнинг нигохи Бокуда тўхтади, дунё харитасининг Боку деб аталмиш гўзал шахрига тугмали мих қадалди...

Ишни нихоятда енгиллатиб юборган бир воқеа содир бўлмаганида, Интерпол уша поездда Туркиядан қайтган ва айнан Жахонгирни кўрган йуловчиларни топиш учун хийла тер тукишига тугри келарди. Москвада Лазиз ва Флюза интернетга жойлаштирилган видеолавхани топди. Шошилинч равишда электрон почтага ташлаб, Алиасқарга кунгирок қилишди. Интернет-кафеда лавхани кўрган Алиасқар ўғлини таниди. Таниди-ю захар қалампир еб, жон аччигида типирчилаётган жигарбандига қараб укириб йиглаб юборди. Юрак-багри қон бўлган Алиасқарни компьютердан зурга ажратиб олишди. Кўзларини монитордан ўзолмаётган хуш-

бехуш ота: "Жахон! Вой болажоним, Жахон!" деб қон йиклаганча ким якинлашса, силтаб-итариб йикитаверди. Иложи бўлса-ю, бўзлаётган ота мониторга кирса, калампир едирган йигитни бурда-бурда кдлса, боласини багрига босса, овутса...

Нщоят, беш-олти йигит Алиаскар ни таищарига чикарищди. Бири баклашкада сув бергач, кор қилди чоги, Алиаскар энтикиб-энтикиб секин-аста ховуридан тушди. Кейин огир- OFHP ух тортиб, у ёк-бу ёкда юрди.

—Телефоним... телефоним кани? — ахтаринди у.

Телефонини олиб чикищди, майорнинг ракамларини терди.

— Ўғлим хакдца янги маълумотлар бор, — деди газабдан титраб. — Видеолавха... Ха, Бокуда суратга олинган... Хеч кимнинг юзида никоб йуқ ресторан номи ҳам аник... "Ганж"... Илтимос қиламан, тезрок топиб беринг... илтимос... илтимос...

Шундан сунг кеч кўрун Озарбайжон пойтахтидаги "Ганж" ресторанига фукаро кийимидаги икки киши кириб келди. Улар хизмат одамлари экани сезиларди. Бири ресторан идораси сари юриб, дарров кайтиб чикди. Икковлон яна машинага ўтириб жунаб колишди. Орадан йигирма даки ка ҳам утмай бу машина Низомий кўчасида пайдо бўлди. Сулга кайирилиб, таъмирланаётган куш каватли бино олдида тўхтади. Оскар тусикдан утиб, уларга пешвоз чикди. Фукаро кийимидагилар хужжат кўрсатишгач, Оскарни машинага **ўтиргизиб**, елиб кетдилар.

— Албатта, бу видеодаги менман, — деди Оскар милиция бўлимида компьютер мониторига караб куяркан. — Видеолавхани интернетга ўзим жойлаштирганман. Максад — болага карши кабихдик қиладиганлар борлигини дунёга кўрсатиш эди. Калампир берган нусханинг исми Фирўз. Бу иши учун мендан ҳам, қизлардан ҳам хаккини олган, роса дуппослаганмиз. Кейин лавозимдан бушатилганман телба учун.

— Болани зиёфатга олиб келган кизни кўрсатинг, — деди озарбайжонлик Интерпол ходими.

— Мана, — деб Оскар тўхтатиб куйилган лавхадаги Нурсочга бармогини теккизди.

—Исм-фамилияси нима?

—Фамилиясини билмайман. Исми Нурсоч.

—Телефони борми?

— Эски номери бор. У Россияга кетдию рақамлари ҳам ўзгарди. Янгиси йук;.

— Бола кимники эканини, каердан олиб келганини айтганми? — савол берди турдаги басавлат милиция капитани.

— Кқизлар билан гаров уйнагандим, ораларингизда хеч бирингиз турмуш кўрмагансиз, деб. Улар эса хатто упиши бўлганлар борлигини айтишди. Мени алдашга уринишди-ю ухшамади. Эшитишимча, Нурсоч болани шу ерда, Бокуда яшовчи бир қариндошидан олган. Аникроги, қариндоши унга вакхинча караб туришга берган экан. Яъни Нурсоч бу боланинг энагаси бўлган.

— Кизни қандай топиш мумкин? Хеч бўлмаса, дугоналаридан бирортасини топиб беришингиз керак. Кўриниб турибди, кизлар билан калинсиз, демак бирортасини жуда яхши танийсиз, Оскар.

Йигит энди Яйлани кўрсатди.

— Манави кизнинг унаштирилган севгилиси менинг кўрсдошим, шунинг учун кизлар билан таниш эдим, хазиллашиб турардим. Кўрсдошим оркали Яйлани топсақ бизга Нурсочнинг Бокудаги ижара уйининг ёки вилоятдаги ота-онасининг манзилини айтади. Дугонасининг янги ракамларини ҳам билса керак.

Нурсочга уша куни совчи келган бўлиб, аслида уни эрга бериб юбориш учун ота-онаси Россиядан алдаб чакиртирган эди. Совчиларга розилик айтилди. Шу важдан кечки овкат махали Нурсочнинг холалари туй дарагида келишганди. Куёв томон хакдда эндигина бахс бошланганди, дарвоза олдида иккита милиция машинаси тўхтади. Машиналарнинг томларида сирена чирокдари учиб-ёнарди. Тезкор гурух ходимлари машиналардан чакк[он] тушиб, уйга караб юрдилар. Олдиндаги икки ходим бронжилет кийган, қўлларида автомат Ҳам бор эди. Нурсочнинг онаси деразадан караб, "Улар нега

бизникига келаяпти, манзилдан адашди шеқилли" деб уйлади.

Шу пайт эшикнинг вахимали гурсиллаши уйни тутди. **ВусаFara** кадам куйган онанинг ортидан Нурсоч ҳам, холалари Ҳам хадик ила карашди. Милиция машиналарининг учиб- ёнаётган чирокдари аллақачон хона деворларида шуълаланган ва чакирилмаган тупори мехмонлар кимлигини боищалар ҳам фахмлаган эди.

— Милициями? — чогрок; хонадан чикдан Нурсочнинг отаси кўзойнагини такди. — Нима бало бўлибдики, улар бу ерга...

Ота гапини тугатолмади, ташкари эшик очилди. Бронжилетли ходимдан кейин киргани қўлидаги киз суратига бир караб олгач, Нурсочнинг қаршисида тўхтади. Кимлар эканлигини у яна бир марта айтди. Боищалари уй буйлаб изгиб кетишди. Жахонгирнинг сурати Нурсочга кўрсатилиб, у хакда савол берилганида:

— Тушунмаяпман, канака бола? - хайкириб юбораёзди ота.

—Кизимнинг нима дахли бор?

— Безовта қилганимиз учун ўзр, — деди ходим отага. — Қизингиз ўзбекистонлик йуколган бола билан боглик жиноий ишга алокадорликда гумон кйлинаяпти.

—Нималар деяпсиз? Менинг кизим-а?!

— Хозир... — Ходим телефонини чикариб, суратлардан бирини очиб кўрсатди. Бу суратни Нурсоч олган бўлиб, "Ганж" ресторанида угирган кунларида "MMS" шаклида дугонасига юборган эди.

— Суратни дугонангизга "MMS" қилиб жунатгансиз, — деди ходим.

Отани таажжубга солган иккинчи вокеа содир бўлди:

—Танийман, — ростини айтди Нурсоч суратдан кўз ўзмай.

- Бу Жахонгир. Агар хато қилмасам, Ўзбекистоннинг Самарканд шахридан. Лекин... лекин нега жиноий ишга алокадорман? Уни отасига беришмабдими?

— Йуқ ~ Деб ходим нигохини укдек кадади. — Жахонгирга энагалик қилгансиз, "Ганж" ресторанига олиб боргансиз. Бизни Кизиктиргани, уни кимдан олгансиз ва кимга топширгансиз?

—Намотки, мени алдашган бўлса? — Нурсоч фитнани сезиб когоздай окариб кетди. — Билгандим-а! Билгандим... Вактида айтишим керак эди сизларга... Хозир каерда экан у?

— Бола отасида эмас. Жавобингизни кутаяпмиз, Нурсоч, уни кимникидан, качон олгандингиз? Ва кимга бергансиз?

— Уйда бошқа хеч ким йуқ ¯ деди шу пайт ичкаридан кайтиб чиккан икки ходим.

—Гапиринг, — ҳамма карахт холдаги Нурсочга тиқилди.

—Шу гаплар ростми, кизим? — кўзлари кинидан чикаёзди отанинг. — Нега танийман, деяпсан? Нима, сен ҳали Бокуда... нималар қилиб юрибсан? Сенга гапираяпман!

—Э Худойим... — кўзлари ёшга тулган Нурсоч юзини тусиб стулга угириб колди. — Болани Бокудаги Сусан опам берганди. Уларникига эса россиялик кариндоши ташлаб кетган экан. Куп угмай уша россиялик эркак Сусан опамлар билан келиб, мендан болани олиб куйди. Сусан опам "Болакайни Москвада отаси кутаяпти, отасига топширгач, ишонмасанг, улар сенга кунгирок қилишади", дейишди.

—Эси паст киз! Сени Бокуга уқишга юборганман, угирланган болага энагаликка эмас! — отанинг газаби тугён урди. Бирок ходимлар уни нариги хонага етаклаб, алланималарни тушунтиришга киришдилар.

—Гапингизга Караганда Жахонгирни Сусан опангизга ҳам, россияликка ҳам кайтармокчи эмасмидингиз? — ходим Нурсочга якин келиб, телефондаги суратга яна бир марта ишора қилди. — Нега?

— Сусан опам билан поччам "Чет эллик таниш эр-хоти] шифохонага тушиб колди, боласига биз караб угирибмиз, лекин уддалаёлмаяпмиз", деб менга вакгинчалик энагаликни илтимос қилишганди. Алданганимни билмадим, аммо сал ут'май кунглим сезди. Яна бир ran: Жахонгир чулок киши уни ўлдирмокчи бўлганини айтди. Бола уч ёшда бўлса ҳам, назаримда, оиласига кандай кимсалар хавф солганини яхши эслайди. Мен логопедман, болалар психологи эмасман, шунинЦ учун у билан гаплашиб ҳамма маълумотларни сугуриб

ололмадим. Иситмаси чикиб, шифокорга кўрсатмокчи бўлганимда эса шубха-гумоним тул и к тасдикданди. Сусан опам ва поччам болани сир тутиш кераклигини кбайта-кбайта айтишди менга. Нега энди сир тутишим керак экан?

—Нега унда сир тутдингиз?

—Бола ушрлашда айбланасан, хали турмуш кўрмагансан, шарманда бўлсанг икки баравар кдйин сенга, деб Сусан опам юрагимга тинимсиз гулгула солавергач, кўркдим. Болага энагалик кдлганман, холос. Хар хил ёмон ишларга аралашиб колганимни эшитган ота-онам Бокуда яшатмай куйишидан чучиганим ҳам оғизимни очтирмади. Укишни тугатиб, мактабгача таълим муассасасида муаллимлик кдлиб юрардим. Мени ҳам тушунишларингиз керак. Бундан ҳам ёмони, боланинг ортида катта жиноят турганини, энг тугри йул, россиялик киши хеч кимга билдирмасдан болани отасига топшириши эканини айтишди. Бировларнинг такдири билан хазиллашишга хакким йуқ, деган карорга келдим. Мен кимман? Оддий муаллима қиз. Уларнинг гапидан шундай маъно чикдики, агар бола хакида милицияга хабар берсам, мен ҳам, Сусан опам ҳам камалади. Кейин милиция болани эгаларига топширади. Аслида улар сохта эгалари бўлиб, бола охир-окдбат душманлар қўлига тушади... Хуллас, Жахонгирни кейин хеч ким кдйтиб кўрмайди.

—Тушунарли. Россияликнинг ташкд кўринишини эслаб кдлганмисиз?

—Ха, албатта.

—Исм-фамилияси-чи?

—Билмайман...

— Бетавфиқ Сусан! — бакдрди ота ичкари хонадан чикдб.

— Опа дема қанақадир бетайин хотинни! Хеч қандай кдриндошинг эмас! — Милиция ходимларига угирилди у. — Сусан деганлари хотинимнинг ўзоқ танишларидан бири! Манзили аниқ, ушланглар уша ахмокди! Каманглар! Йуқ кдлинглар! Лекин менинг қизим айбдор эмас! Нурсоч кунгли очиқ, содда киз. Бу бечорани алдаш кдйин эмас.

Нурсочни хозирча Бокудаги милиция бошкармаси хибсхонасига тергов макрадида олиб кетмасликларини маълум кдлишди. Бироқ то Сусан ва эрини қўл га туширишгунча уй аҳлини холи қоддириб бўлмасди.

— Болани отасига топширганини сиз каёкдан биласиз? — сурадн ходим марказга хабар беришдан аввал Нурсочдан. — Ваъда беришганидек сизга Россиядан қўнғирок бўлдими?

— Ха, Москвадан телефон кдлишди. Жахонгир билан гаплашдим, отаси менга рахмат айтди. Лекин уйлаб кўриб, **хийла** эмасмикан, деб яна гумонсирай бошладим. Россияга борганимда, Ўзбекистондан келган одамларни суриштирдим. Агар Самарканд шахридан келган, ёрдами тегадиган хожатбарор одамларни учратсам, бола уйига борибдими, йукми, улар оркали суриштириб, анигини билмокчийдим.

—Телефон ракамлари сакданиб турибдими?

—Йуқ бекитилган ракамлар эди.

—Болани каерга олиб кетган бўлиши мумкин?

—Билганларим шу, — деди Нурсоч. — Жахонгирни кимлар, каёкка олиб кетишганини Сусан опа билади.

Орадан ун дакика утгач, Бокудаги бир уй олдига бошка тезкор гурухнинг машиналари тўхтади. Кайси манзилдан кимларни тутиш кераклиги уларга телефонда юз чакирим наридан — Нурсочнинг уйидан айтилганди. Ходимлар бум- буш кўчага синчков караб куйишди. Ёзда Жахонгир она согинчининг чидаб бўлмас азобларидан куйиб-ёниб, баайни шу кўчага зор-зор термулганди. Нурсоч эшик коккан кунда Ҳам норасиданинг нигохи кўчада эди. Ходимлар юрак-багри эзилган бола изидан келар экан, гам-алам кўчасига бежиз кўз ташламадилар. Гуёки бу ерда инсон боласининг гам-аламдан куйиб, жизганак бўлган й и **рис** и кезиб юрганга, "Аяжон" деб зорланган нигохдар дафн этилганга 5Ьоиарди.

Кунгирок тугмасини босишди. Уй чирокдари учган, ичкарида сукут хукм сурарди.

—Очинг! Милиция! — хитоб қилди бронжилетдаги ходим.

Эшикни бўзишга авд қилишди. Шунда кушни ховли эшигида кўринган чол дадил овозда:

— Уйда хеч ким йуқ, — деди. — Келин-куёв Россияда, Сусан билан эри эса бугун эрталаб қариндошларини кўриш учун Эронга кетищци.

—Бугун эрталаб?

— Афсуски, шундай.

Барибир эшикни бўзишди. Хакдқатан уйда тирик жон йуқ эди. Жахонгирга тааллукди кийимларни, бола угирлащга шохидлик бурувчи далилий ашёларни ахтардилар, блакнотдаги телефон рақамлари ҳам кучириб олинди. Сусан ва эри Эронга учиб кетишгани хакдда маълумот ҳам тезда ўз тасдигини тодди. Ёш келин-куёвнинг манзилини ёки телефон рақамларини аникдашда кудалар терговга жалб этилди. Уша куни келин- куёвнинг Россияга жунаб кетганига икки кундан ошган бўлса Ҳам халигача келин ўзлари олган сим-картани куй и б ота- онасига кунгироқ кдлмаган экан.

Нихоят, яна бир кун утиб, Сусаннинг кудаси милиция билан богланди:

— Қизим Москвадан кунгироқ кдпди. Рақамларини ёзиб олинг...

Бир соатдан сунг Сусаннинг келинига Бокудан кунгироқ бўлди.

—Алло, — овоз берди келин.

Милиция катта лейтенанти ўзини таништиргач, деди:

— Биз ёш оила бахтли бўлишини истаймиз. Келажакларингни барбод қилмай ростини айтинглар, сизларникига келган ва уч ёшли ўзбекистонлик болани олиб кетган россиялик «эриндошларингнинг исм-фамилияси нима? Яшаш манзилини ҳам сир тутишларингдан фойда йуқ.

Даставвал келин довдираб тайинли сўз айтолмади. Лейтенант яна бир марта огохлантиргач, келиннинг ота-онаси Ҳам милиция бўлимига чакдрилганини айтди ва гушакни уларга берди.

— Болажоним, бунча хаяжонланасан? - деди онаси куйиниб.

- Кимлигини айтсанг-чи! Айтмасанг, аралашиб к;оласан...

—Фамилияси Абдулин, — деди келин ўзини қўл га олиб. — Исми Рим.

—Рим?

—Ха, Рим. У киши Туркиядан келаётган молларни кабўл кдлиб, Россияга таркдтади. Татаристонда, Бошкдрдистонда жойлари бор... Лекин ёмон одам эмас. Болани ўз оиласига элтиб куйиб, савоб иш қилмокчи эди. Крзон шахрида уйи | бор. Уйида Ильзара деган қизи яшайди, Элдўз деган ўғилчаси билан...

Шу тарифа Жахонгирни Озарбайжондан Россияга олиб • кетган шахснинг исм-фамилияси аникданди. Занжирнинг сунгги халкалари ҳам кўриниб колаёзди.

Кидирувнинг айни қизиган чогларида Лайлонинг акаси Домодедово аэропортидан рус пойтахтига кириб келган эди. Қўлида Жахонгирнинг катта сурати бўлиб, сарсон-саргардон юрган жиянчасини "Жди меня" кўрсатуви оркали дунёнинг яримига намойиш этишни ният қилганди.

**6**

Кун сайин халкаро ва давлатлараро кидирув халкалари шу тарика торайиб, сайёдлар улжага якднлашиб бормокда эди. Сарсон-саргардонликда юрган Жахонгир уша кезлари Нэлла ва Тэгир хонадонида бурунги азоблар таъмини бир неча ой татимай яшади. Кдшнинг дастлабки ойларида кушикчининг ижоди гуркиради. Хатто, уни марказий телевидениянинг ток- шоусига таклиф этишди, камрок ададли, оддийрок газеталарда интервьюлари ҳам чоп этилди. Бирок бўлар Россия шоу-бизнесининг викирлаб кайнаётган козонидан сачраган бир- икки томчи насиба бўлиб, Нэлла шон-шухратга очлигини кондириш умидида оғизини капа-капа очаётган уткинчи дамлар эди. Таъкдб қилаётган хавф шоу-бизнес сахнасидан хайдалиш эмас, упкасига урнашиб олган касталик эканини тан олишни хохламасди. Шу боис касалликнинг кўзга кўринмас миллионлаб зарраларини болага юктириб куйишни ҳам уйламасди у.

Бахорнинг илк сурурбахш кунларнинг бирида ёш оила

миллиардер тоғанинг урмондаги дала хрвлисига уч кунлик дам олишга борадиган бўлди. Рождество арафасида бир кеча- кундўз ул масканда ун чокни киши хордик чиқаришганди. Тэгирнинг биринчи марта кладами етиши эмасми, Урта Михайловкадан йигирма чакирим ичкаридаги эманзорда жойлашган хашаматли дала ховлига ошик бўлди-колди. Канийди хотинининг тоғаси улаётиб шу мулкни мерос колдирса? Чиндан омади чопиши ҳам мумкин. Мана, Нэллага осонгина эришди-ку!

Жахонгир хусусидаги янги маълумотлар интерполга эндигина тушган, алалхусус, Абдулин қўлга олинмаган, Лайлонинг акаси Собир ипггирок этган "Жди меня" кўрсатуви эфирга ўзатилмаган дам эди. Тэгир тез орада изидан полиция тушишини хаёлига ҳам келтирмай мўзаффар турмуш куйнида киргийдек чарх урарди. Пул жарак-жарак окдб келаётгани учун ўзи танлаган йулдан, ўзи уйлаб топган макрлардан мингдан-минг мамнун яшарди.

— Ўғлимизни нега бунча ёмон кўрасан? — деди Нэлла қачонки Тэгир болакайни шахарга, энагаси қарамогига ташлаб кетишни айтганида.

— Мен? Ринатни-я? — пиво ичаётган Тэгир олтин суви юритилган стакан лабидан олайиб каради. *j*

— У сенинг боланг эканига охирги вақтларда шубҳам тўғилди, — сўзилиб, аммо синовчан бокди Нэлла.

—Нима жин урди сени, азизам! Ахир у...

— ...у озарбайжонлик эмас, алдама! — овози дагаллашни хонанданинг.

—Худога ишонасанми?

—Ишондим ҳам дейлиқ лекин мени алдаяпсан!

Тэгир стаканни дераза олдига куйиб, Жахонгир томон нафрат-ла кадам ташлаганди, Нэлла тутакиб:

— Тартиб-кридага качон урганасан-а?! — деб кичкирди. — Стаканни деразага куйма! Гултувакмиди у! Ол!

—Хуп-хуп... Озарбайжонлик бўлмаса, каердан?

— Ринатик озар тилида эмас, бошка тилга таалЛукли

ıı

сўзларни айтаяпти. Шунча кунда англаб етдимки, умимиз Туркияга борган, сунгра кандайдир йуллар билан Россияга келиб крлган. Элдўз деган исмни ҳам тез-тез тилга олаяпти. Ким у? Лайло, Жахрн-чи? Самайканд дегани нима? Шахдрми? Каерда жойлашган? Жуда-жуда билгим келаяпти, Тэгир! Илтимос, мени алдама!

—Туркияга борган, дейсанми? Айнан кдердан борган экан, сенингча?

—Билмайман, лекин Озарбайжондан эмас.

— Бекор ran! — деди Тэгир ва дархол шивирлади: — Бунинг онаси мендан кетгач, нималар қилганини, каерларга борганини билмайман. Кел, ўғлимнинг охирги уч йиллик хаётини сураб мени кийнама. Ринат жуда зийрақ ҳамма гапларни ёзиб олаяпти. Келажакда менинг онам эмассиз, деб кдлса, нима дейсан?

— Ростини айтаман.

—Кейин тукдан онасини ахтарса-чи? Шу керакми сенга?

— Ўз онаси гўдаклигида ташлаб кетганда, биз бокиб олганимизни, Россиядек мамлакат пойтахтида яшашдек такдирни соВFа қилганимизни у келгусида жуда яхши тушунади. Колаверса, мен бой-бадавлат юлдўзман. Яна бир ran: ўғлимизни салга жеркийвермасдан мехр бериш керак.

Тэгир тишининг окини кўрсатди.

—Дала ховлида кийналиб колмасин, дегандим-да, куёнчам. Хозир об-хаво яхшимас. Ўзинг ҳам тан олаяпсан онаси ташлаб кетганини. Индамасам, яна мени угрига чикармокчимисан? Студияда жар солганинг эсингдами? Режиссёринг мени бола утриси деб уйлашига бир бахя колганди-я! Роса кўркитиб юборгандинг-да, *ҳе-хр-ҳе...*

— "Агар бирор ножуя ишга аралашсанг, шоу-бизнесга якинлаштирмайман", деб тоғам хар куни бир марта айтади. Тэгир, сенга каттик ишонаман. Битта ёлгонинг билан менинг бахт касримни барбод қилмайсан, деб жуда-жуда умид қиламан.

— Никохимизни расмийлаштирганмиз-ку, нега кўркасан?

—деди Тэгир. — Тоғанг биз томон оқизиб куйган даромад аригини бекитиб куйса, оиламизга тегишли мулкка мен эгалик қиламан. Мулкни янада кенгайтирсақ кейинчалик муста қил фолият юрита оламиз. Катта даромадли хонандага айланишга кўзинг етмайдими, Нэлла?

—Хозир ҳам ўзимизни эплаёламиз, — эркаланди хонанда.

—Мен бор эканман, сен хеч нимадан кўрКма, — деди Тэгир ундан буса оларкан.

Жахонгир ўзини уйинчоқ билан овутган бўлиб, сохта ота- онага угринча караб куйди. Болакай Тэгир билан урмонга боришни асло хохламаётган эди. Нэлла харид кдлган ажойиб кўртками у ечиб олиши ва битта иштончада, ялангоёқ холда совуқ урмонга ташлаб кетишидан кўркмокда эди. Хархолда кеча энага дуконга чикканида, Тэгир ваннага судраб кириб "Дала ховлига бормайман, дейсан, тушундингми?" деб қўлогига куйди, дахшатли урмондаги дахшатли бурилар ёш болани кандай гажишини кўрсатиб берди.

—Мен бормайман, — деди Жахонгир урнидан туриб нариги хонага юраркан. — Телевизор кўраман, она.

Нэлла хайронлик ила каради, Тэгир голибона ишшайди. Шу он телевизорда "Жди меня" кўрсатуви намойиш этилаётган эди. Жахонгир хонага кирганида, Лайлонинг акасига сўз берилди. Жахонгир тоғасини таниди, аммо ишонолмай караб қолди. Энага Собирнинг қўлидаги бола суратини кўргач, хайратдан бака бўлиб колди. Телевизордан Нэллага ҳам эшитиладиган шундай овоз янграй бошлади:

— Уч ёшли жияним утган йили Туркиянинг Истанбўл шахрида йуколди. Айрим маълумотларга кўра хозир у Россияда. Исм-фамилияси Нодиров Жахонгир Алиаскарович... Мана, сурати. У Ўзбекистон Республикаси Самарканд шахридан. Ким кўрган бўлса, утиниб сурайман, жиянимни топишда ёрдам беринглар. Ахир, у бор-йуги уч ёшда... Болани онасига кайтариш керак...

— Бола йуколибдими? — овозини баландлатиб суради Нэлла.

Энага карахтлик исканжасидан чиколмай дам ойнаи жахонга, дам Жахонгирга кўрка-писа караб куяркан, шу тобда

тили калимага келмаётган эди. Тэгир к,ннгнр ишга қўл урганини сезмасмиди? ҳа, ҳаммаси маълум эди, лекин бу даражада йирик гирдоб хосил бўлишини хаёлига келтирмаганди.

— Жияним айни ваққтда, — деди Собир, — нафақат Туркия полицияси, балки Озарбайжон милицияси, Россия полицияси, демакки, халқаро қидирув ва давлатлараро қидирув ташқилотлари томонидан кддирилаяпти. Уни Одинцоводаги заводда ишлаётган отасига олиб бориш бахрнасида угирлашган. Агар жиянимни отасига элтиб беришни чиндан мақсад кдпганларида эди, ё элтиб беришарди, ё отасини тополмадик деб бирор...

— Сиздан сураяпман! — хиёл қизариб, овозини бир парда кўтарди хонанда.

Энага очиқ эшикда намоён бўлиб, ранги оқариб кетган Тэгирга зудлик билан қараб олгач:

— Бир бола йуқолибди, — деди. — Бу шунақа кўрсатув... Кимдир йуқолади, кимдир топилади...

— Шу ҳам кўрсатувми? Учирсаларинг-чи! — тишлари орасидан вишиллади Тэгир.

Жахонгир катталарнинг холатини тушунди. Улар ҳам ишонишмаяпти, ахир телевизорда кўрсатилган суратдаги ростдан ўзи-ку, анави гапираётган эса Собир тоғаси, бопщача бўлиши мумкинмас.

— У мен, — деди Жахонгир Нэллага энагасининг қўлтиги тагидан утиб. Вр важохат-ла бостириб келаётган Тэгирга рупара бўлди. ҳ

—Нима сен? — урнидан турди Нэлла.

— Мен йуқолган боламан, телевизорда кўрсатишди, — деди Жахонгир. — У тоғам...

—Итвачча! — миргазаб Тэгирнинг тарсакиси бола шурликни бир бурчакка итқитиб юборди, гапи ҳам бугзида қолди боякдшнинг.

— Фашист! — нихоят сабр-косаси тулган Нэлла иккинчи деразадаги ваза билан эрининг бошига солди. — Қоч йулимдан,

ярамас! — Бошини чангаллаб йулни тусиб турган Тэгирни итариб телевизорли хонага кирди. Шунда "Жди меня" кўрсатуви бошловчиси камоли эхтиром ила Собирдан суратни баландроқ кўтаришни суради, операторлардан яна бир марта йирик планни илтимос қилди.

— Уртокдар, гўдакни кдйтаринглар, — деди бошловчи самимиятга йугрилган охангда. — Уни яширишдан энди фойда йуқ. Хеч бўлмаса, бирор махкама ёнига куйиб кетинглар...

—Лаънати! Бу нима?! — кўзлари кднидан чикдёзган Нэлла турмуш уртоги бўлмиш бебурд маъмурининг ёкдсидан олди.

— Айнан шу Нарсадан сени огохдантирсам, атайлаб қилдингми? Улмасимдан аввал гурга тиқиб куя қолдинг-ку!

—Тўхта, ҳаммасини тушунтириб бераман, Нэлла...

— Угирлаганмидинг? — қичқирди хонанда, аммо ногахон овози бўғилиб, ўтиришга жой ахтарди. Энага Жахонгир билан андармон эди, бекасининг ахволи огирлашганини кўриб, болани ташлаб, Нэлла сари чопди.

— Амаким Одинцовога, отасига олиб бор, деганди, — гудраниб ўзини окдашга киришди Тэгир. — Отасини тополмадим... Ўзи отаси борми, йукми, Худо билади... Бунақилар куп. Агар бинойидай оиладан бўлганида Туркиядан поездда Грўзияга, Грўзиядан Озарбайжонга, кейин Татаристонга... Биласанми, у амакимнинг қизи Ильзарага ҳам ўғил бўлган... Сенга хеч нарса кдлмайди, Нэлла! Ҳамма айбни ўз буйнимга оламан! Аввал о, иш айб куйилишгача ҳам бормайди...

— Ўғлим эмас, дегин... — Нэлла ўтирган жойидан шунақа олайиб қарадики, тўзгиб кетган сочлари орасидан кўринаётган кўзи ялмогизона кўриниш берди унга.

—Ўғлим эмас, лекин уфи ҳам эмасман.

—Уйим куйди... дунёим куйди... — йиглаб юборди Нэлла. — Мен билан энди Федерал хавфсизлик хизмати ҳам шугулланади, прокўратура ҳам... Кетдим! — Кейин яна бир бор қичқирди: — Бутун дунё кддираётган угирланган болани нега менга "қонуний" ўғил қилиб бердинг? Студиядаги

режиссёр билан хозир телба-тескариман! У гувохдик беради! Сен топган манави энаганг ҳам гувохдик беради!

Жахонгир ловиллаётган юзини ушлаб бурчакда овоз чиқармай йиглаб ўтирарди. Катталарнинг бақир-чақири чўзилгач, бор умиди нариги хонадаги телевизордан эканига акди етгандек туюлди. "Тоғажон! Мен бу ёкдаман! Олиб кетинг!" деб ялиниб-ёлвормокчи эди, аммо қараса, кўрсатув хотима топиб, экранда хазин мусиқага қоришиб ёзувлар поезд вагонларининг соясидек кетмокда, кетиб бормокда эди.

Тэгир кириб, Жахонгирнинг қўлидан судраб чикди-да, Нэлланинг қаршисига тургазиб куйди.

— Нэлла, — деди у, — хужжатлар ҳам сохта эканини тан оламан, лекин ҳаммаси барбод бўлди, деб уйлама. Болани ким менга берган бўлса, қайтараман-куяман. Ринат бизнинг хонадонимизда яшамаган, тамом-вассалом. Утган шунча вақт мобайнида каерда бўлган, ким билан яшаган, билмайман, хеч вақо билмаймиз. Мен уни Одинцоводаги бир гастарбайтерга бергандим, ахир отасини ахтариб юриб, нима, буш вақтим борми менинг!.. Кунгироқ қиламан! Хозирнинг ўзида! Фақат сен тинчлан, Нэлла, бу бошогриқ етимчадан бугуноқ кутуламиз... Конуний бола асраб оламиз... Вох, айтгандай, яна бир йули бор, Нэлла!..

Тэгир амакиси Абдулиннинг ракдмларини терди. Айни дамда Абдулин Сеньоритадан мерос қолмиш савдо-сотиқ колдидлари билан банд бўлиб, буш вақт топган захоти Истанбўлнинг Фотих туманидаги ижара уйда бир тижоратчи хотин билан буккунча еб-ичиб ўтирарди. Кайфи 4OF эмасми, баландпарвоз охангда:

— Эй жаноб маъмури олий жиян! — деб хитоб кдвди. — Келиннинг кушиқлари Туркияда ҳам мода бўлаётганмиш! Мана, ёнимда туркиялик мухлислари ўтиришибди, телефонии берайми?

—Хозир Истанбўлдамисиз? — суради Тэгир.

Интерпол Абдулиннинг аниқ манзилини хали аниклаб улгурмаган эди. Оламда қандай буронлар кўтарилганидан бехабар савдогар:

—Ха, бир оёгим Истанбўлда бўлиб колди, - деб мактанди.
Яна шуни айтиб угиш керакки, Абдулин Сеньоританинг колган-кутган пуллари билан шугулланаётган кезлари мархуманинг эски танишлари бола хакддаги миш-мишлардан унга OFH3 очишганди. Абдулин болакай аллакачон ўз отасига етказилганини, Сеньорита жувонмарг бўлган эса-да, катта савобга крлганини кайфи тарокдигида маънодор шипшиганди. Куни кеча эса бозорда бир ran эшитди: айтишларича, ўзбекистонлик бир одам якинда уша болани Истанбўл бозорларига, айнан Сеньоритагa алокддор савдо шахобчаларига ахтариб келганмиш. Бундан, албатта, бола хозиргача отасининг хўзурига етиб бормаган, деган хулоса ч и кард и. Абдулин бу гапга ишонмаган бўлса ҳам, хозир Жахонгир хакида сурагиси келди.

— Амаки, мени кечириш қўлингиздан келади, — деди Тэгир улимтик товушда, — бир айб иш кдлиб куйдим.

— Миллионер бўлсанг ҳам карзларингни тулаш ниятинг йуқ бу беш қўлдай аён, — пичинг қилди Абдулин. — Яна кандай бахоналар тукдмокчисан, жиян?

—Бола эсингиздами?

—Уҳ хозиргина шу хакда ўзларидан сурамокчи эдим.

—Катта муаммо чикдб колди, — йигламсиради Тэгир.

Абдулин беихтиёр гавдасини ростлади.

—Факат болани отасига бермагандим дема, тентак...

—Ха, уни отасига бермагандим. Лекин эсингиздами...

— Эсим жойида! — Абдулиннинг ранги қизариб-бўзарди. — Эс-хушим хакида кайгурмай куя кол! Нима қилдинг уни?

—Сизни алдагандим...

— Чорва! Нима, кддирувдаги болани Нэлла икковинг асраб олганмидинг? Бошка бола йукмиди шундай катта мамлакатда? Сен COF эмасман, Рифкат! Энди отиласан, кок пешонангдан! Эшитаяпсанми мени?

Тэгир чўзиб уф тортди.

— Улсам качонлардир улиб кетардим, — деди алам билан.

— Истанбўлда эканингиз айни муддао, амаки! Бир танишим

оркали болани Туркияга юбораман, кимдан олган бўлсангиз бериб куйинг. Ёки дуч келган ватандошигами, элчихонагами топшириб юборинг, аникроги биронтасини ёллаб, у оркали топширтиринг. Акс долда сиз ҳам, мен ҳам кетамиз. Бу касофат болани Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари кидираётган экан. Телевизорда, "Жди меня" кўрсатувида ҳам кўрсатишди.

—Аблах!..

—Тўхтанг, амакижон, хозир сукинищцан заррача наф йук! j Болани Истанбўлда ҳам ахтаришаяпти. Мен сиз га юбораман, сиз хеч качон у Россияга бормаган, шу ерда, Истанбўлда бир неча хонадонда яшаб юрган, деб алдайсиз. Шунака таассурот колдирсақ сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Бола якинлари қўлида, унга жин ҳам урмаган! Вазият юмшайдими?

—Хой! Менга кара, ярамас...

— Аввал эшитсангиз-чи! Шундай қилмасангиз ўзингизга ҳам кийин бўлишини бир уйлаб кўринг! Ахир, уни Туркия ■ чегарасидан яширинча утказган, неча мамлакат оша Россияга олиб келган ким? Болани шахсан топширмайсиз, бировлар оркали, деяпман! У Россияга бормаган бўлиб чикиши, Истанбўлда ўз якинлари қўлига етиб бориши керак. Ана шунда ичилмаган захар ичилмаганича колади!

— Кимга ишондим-а!.. — афсуслардан юрак-багри куйди Абдулиннинг.

—Болани я ширин йул билан Истанбўлга етказсам бўлдими, | амакижон? — авращда давом этди Тэгир. — Уни бу ердан I топишса, сизнинг бизнесингиз касод бўладигина эмас, куп нарсалар агдар-тунтар...

—Бас! — столни муштлади Абдулин.

Сунгра бушашиб ўтириб колганига Караганда Тэгирнинг j режасига кунишдан ўзга чора тополмаган эди. Икки телефон | уртасидаги минглаб чакдрим масофада бир зумлик сукунат хукм сурди.

—Амаки... — Тэгирнинг палавда товуши жимликни бўзди.
—Амакижон... Илтимос, менинг айтганимни қилинг...

Абдулин ҳам Нэлланинг гапини айтди:

—Тириклай гурга тикдинг-ку!

—Хал и кеч эмас! Имконият бор! — жонланди Тэгир қўлотни динг кдлиб.

—Ҳаммасини барбод қилдинг...

— Айтаяпман-ку имконият бор, деб амаки! Бир уйлаб кўринг.

— Отасига топширмасанг ҳам, хеч бўлмаса, Одинцоводаги биринчи учраган ўзбекка берсанг ёки илтимосимни бутунлай рад этсанг, юз минг марта яхши эди! Ҳаммасидан силликдина кутулгандим-а!.. Э, қандай фалокат босиб менга дучор будцинг сен — ит?!

— Майли, итман!..

—Уша куни... сен билан гипермаркет олдида учрашганимда, нега шошаётгандим? Бошкдрдистонда бор-будим ортилган "КамАЗ" қўлга тушиб кол ганди. Тезроқ етиб борсам, муаммо Хал этилиши мумкин эди, шунинг учун... шунинг учун болани сенга бергандим. Сен эса миянгаинг шариклари камлиги сабаб мени яна битта "КамАЗ"дан айирдинг... Худо кўрсатмасин, ундан ҳам кдмматга тушмасам эди...

— Бирор манзилни айтинг... Украинада бир танишим бор, дегандим-ку, уша билан халигача алокадаман. Агар ёрдам сурасам, рад этмайди... Туркияга етказади болани...

— Танишингга айт, харитага карасин, — деди Абдулин хасратдан хансираб. — Каердадир Истанбўл деган шахар бор. Болани уша ерга олиб борсин-да, бирор орган олдига хат билан ташлаб кетсин. Хатда ўзинг хозир менга айтганинг сафсаталар битилган бўлсин, укдингми? Агар бу ишни уддалаёлмай менга ran теккизсанг, сени бола угирлашда айблаб шахсан ўзим гувохлик бераман! Камокда чирийсан! Албатта, менинг ёмонлигим учун эмас, ўзингнинг ахмокона дунёқарашинг, телба-тескари хаёт тарзини танлаганинг учун!

Абдулин совуқ хабардан шу-шу ўзига келмади. Бопщирдистондаги муаммодан кейин эндигина кдйгос очилаётган зафар гуллари эзгиланиб, поданинг туёкдари остида Кол ганди. Нима ҳам қиларди? Жахонгирнинг изидан Интерпол

тушганга ухшайди. Конун сиртмоги ха во га отилган, хадемай визилдаб келади-ю буйнидан олади, аро йулда хибсчилар оёти остига қул-оёги тушовланиб йиқилади. Тугри, у бола урирламади, озор бермади, ўлдирмади, лекин қат-қат крнун қогозлари тўлдириладиган ишга лойиқ хатти-харакатлар содир этди. Кизи ва неварасини ҳам тергов доми тортиб кетиши турган ran...

"Йуқ, — деди Абдулин ўзига-ўзи, — Тэгир ўз телбалиги билан аллақачон жиноят машинасига айланиб бўлган. Агар унга иккинчи бор изн берсам, янада огир жиноят тўғилиши муқаррар. Тэгирдан яхши окдбат кутиб бўлмайди..."

Нихоят, эртасига Абдулин бир тўхтамга келди.

— Тэгир, — деди Москвага кунгироқ қилиб, — болани Украинага олиб борма. Уни бирор уйда сакдаб тур, мен кечки рейсда учиб бораман. Ўз режам бор.

—Нима кднасиз? — суради Тэгир лоқайдлик ила.

— Туркияга ўзим олиб бораман, — алдади Абдулин. — Танишингга ишониб бўладими! Сен кимсану танишинг ким?!

—Кечикдингиз.

— Тушунмадим...

— Асадни... яна бир исми нима эди? Жахонгирми? Ха, Жахонгирни кечанинг ўзидаёқ гум қилдим. Мен тезкор ишлайман, амаки.

—Турри гапир, "гум қилдим" деганинг нимаси?

— Жунатвордим.

—Туркиягами?

— Унисини аниқ билмайман, — деди Тэгир. — Сизнинг Хисобингиздан, яъни қарзларингиздан минг долларни кўртдай санадим-да, биттасига бердим. Болакай ё Туркияга, ё ватанига етиб боради. Кафолатланган иш! Сизнинг ҳам, менинг ҳам исм-фамилиям полициячиларга, ФХХчиларга хеч қачон... ха, Хеч қачон ойдин-ошкор бўлмайди.

—Ичиб олганмисан, жи... жиян? — Абдулин тутилиб қолди.

— Чекканман!.. Кеча жуда турри таърифлар бердингиз... Мен

одатий хаёт кечирмай куйганман... Нэлланинг ёнида, шоу-бизнесда қолсам бўлди, бошқасига тупурдим!

Телефон учгач қаМ Абдулин анча вақт қўл ид а н куймай ўтирди. Битта телба кдриндошинг бўлса, душманнинг кераги йуқ экан. Таваккал уйинини бошламоқчи эди, Тэгир отди тошни. Кдсмат тахталарига таракдаб тушган тошлар иккита натижани юзага чиқаради: озодликда яшаб қолиш ёинки кдмоқ! Агар Абдулин отганида ҳам шу икки натижадан бири насиб этарди, аммо шу тобда барибир Тэгирнинг тутган йулидан нафратланди, бугиб ўлдиришни истади.

— Нима бўлса бўлар... — деди Абдулин урнидан туриб. — Энди пешонамдан кўраман.

У самолётга чипта буюртирганди. Енгил тамадди кдлмоққи эди, томошдан таом утмай аэропортга жунади. Истанбўлнинг найзадор минораларига маъносиз тиқилиб бораётган 4оғ, туйкус таксининг шундокдина ортида полиция машинаси сиренаси хавони тутди, карнайдан зудлик-ла тўхташ буюрилди.

— Ё Оллохим!.. — кўркдб кетди таксичи машинани четга бураркан. — Нима гунох қилибманки, азбаройи кдстовга олишса!

Полициячилар кимни қувлаб келишганини тушунган Абдулин:

— Бунча тез? — деб уст-бошини тартибга солди.

— Рим Абдулин, Россия Федерацияси фуқароси, — деди баланд буйли полициячи камаридаги кишанни олиб, оғизини очаркан. — Сиз бола угирлашда гумон қилингансиз. Биз билан юришингизга тугри келади.

Терговхонада Абдулин атрофини кўршаб турган ходимларга мийигида қўлиб қараб куйди-да, қўлларини кўтарди.

— Озгина айбим бор, жуда ҳам озгина! Лекин мен бола утриси эмасман. Кдсқаси, йуқолган бола жияним Тэгирнинг қўлида... яъни қўлида эди. Шошилмасаларинг бечора боланинг бошига яна сон-саноқсиз кўргиликлар тушиши мумкин. Тэгир Хозир Москвада яшайди. Номи чиқмаган Нэлла деган

кушикқининг эри хдмда маъмури. Улар болани уқил кдлиб асраб олишган. Утиниб сурайман, Тэгирни... унинг асл исм- фамилияси Рифкат Абдулин... тезроқ қамоққа тикдшсин, жиноятни кўриб-билиб турган анави артистчасини ҳам бола угирлашда, хужжатларни қалбақилаштиришда айблашсин. Ўзинг пиширган ошни ўзинг ичасан, дейишади. Менга фақат ўзимнинг овқатимни беринглар. Лаънати ипирисқилар пиширган тунгиз шурвани улсам ҳам ичмайман! Яшасин Сеньорита! У улди, мен ҳам улиб кетаман, аммо қайта тўғилсақ биз яна ва яна болакайга ёрдам берамиз. Ахир, аслида ўзимиз ҳам чет элларда болаларимиз учун юрибмиз! Қонунлар бировларнинг болалари яхши яшаши учун уйлаб топилган! Крнунлар яна бошқа бировларнинг болалари яхши яшаши учун бўзилади! Турк полициясига айтадиган бошқа гапим йуқ!.. Ура!

Тэгирнинг паймонаси тулган эди. Бироқ у Абдулинга телефон оркдли хакдқатни айтганди: Жахонгирни чиндан-да минг доллар пул билан Виталий деган йигитга бериб юборганди. Виталий ёш йигит бўлса-да, чегарадан яширинча мол утказишда устозларини аллақачон чангида қолдиришга улгурган эди.

— Бола экан-да? — деди Виталий Жахонгирнинг қалбаки хужжатига беписанд қараркан.

— Ха, уни Одессага элтиб беришинг керак. Саккиз юз доллар бераман.

—Одесса қаерда? — пешонасини тириштирди контрабанда устаси.

—Ухлаяпсанми? Украинада-ку!

— Ухламаяпман. Айтмокқиманки, Украинага жонсиз молни икки юз доллардан беш юз долларгача бўлган хизмат хакд эвазига элтиб бераман. Жонлилар учун икки баравар кдммат тулашингга туфи келади.

—Кднча сурайсан?

—Минг.

Тэгир пулни санаб ўзатди-да, Жахонгирни чакирди. Тэгир билан аллакаёкдаги "дом”га улокиб келиб, ўз такдирини ичкаридаги баланд стулда кутаётган болакай сакраб тушиб, даҳлизга чопиб чикди-да, бирИнчи галда Виталийга тиқилди. Виталий сийрак кизгиш сокдлли, ранг-руйи сутдек оқ, ўзун буйли, башанг кийинган йигит эди, қўлогида телефон қўлокчини. Жахонгир бу нусхага караб кдндай хулоса чикаришни билмади. Юрагида ҳамон акс-садо бериб турган "Аяжонимга бораман" деган нидо кучлироқ жаранглади. Кднийди шу одам онасига олиб борса! Нияти нима экан? Ўзига фарзанд кднмаслиги тайин, урмайдиганга ҳам ухшаяпти. Битта ёмон жихати — у ватандоши эмас. Ватандош бўлмаганлардан эса яхшилик чикмаяпти, бунисидан ҳам яхшилик кўрмайди шеқилли.

— Маде ин нима? — деб Виталий Тэгирга малла кўзларини тикди.

— Ватанини айтдим, лекин сен уни ватанига эмас...

— Асл исм-фамилиясини сураяпман.

— Асад Давлетов.

— Одессада мендан кабўл қилувчи ким?

— ҳозирча айтолмайман. Телефонингни учирмайсан-ку, тугрими?

— Тугри, — деди Виталий Жахонгирни етаклаб. — Хайр... Бирор кор-хол бўлса, мени сотсанг, ўзингга калинрок сурпдан кафанлик буюрасан. Одатда, мен ва шерикларим минг доллар учун камалиб кетсақ жуда-жуда газабланадиганлар тоифасиданмиз.

— Улсам ҳам сотмайман, — ранги окаринкиради Тэгирнинг.

— Барибир бунака ишда тажрибасизсан, — деди Виталий яна тўхтаб. — Қўлга тушсанг, полицияга манави ракамларни берасан, — когозча ўзатди у, — исмимни Радик дейсан, фамилиясини айтмаган, деб туриб оласан, тушундингми? Ракамда менинг шеригим ўтирибди. У исковучларни яхшигина адаштиради.

— Хул, — бош силкиди Тэгир.

Жахонгир бегона йигит етакловида подъезд зинапоясидан тушаркан, беихтиёр Тэгирга каради. Тэгир ўз одати буйича украйди.

—Хайр, — деди бола қўлчасини силкиб.

—Кдни, коран гни учиртезроқ ¯ шундай дея Тэгир эшикни жахл билан ёпди, Виталий аччик қўлумсираб куйди.

Эртасига Тэгир хотинчасини юпатиб, омад кушлари бошида гала-гала айланаётганини хис этиб кўчага чикди. Пули ошиб-тошса ётса, хусусий мулки бўлса, даромад манбаи кувватлашса, кимматбахо либослар кийса ва ўз машинаси сари одимласа, у ўзини чемпионатдан голиб кайтаётган самбочилар каби кучга тулган холда тутарди. Бугун телеканаллардан бирининг кассасига Нэлланинг янги клипи учун бир ойлик пул тулаши керак эди. Машинасига якинлашиб, пульт тугмасини босди, вию-вийт этиб чирокдар учиб-ёнди. Рулга ўтириб, моторни юргизгач, мусикд куйди. У ёлгиз юрса, хар доим Леди Гагани эшитарди. Нэлла кушикдари тижорий тароналар бўлиб, пул келтирувчи моллар эди, холос.

Катта кўчага чикдётиб, нариги йулдан бурилаётган кора "Прадо"га кўзи тушди. Дарвоке, бугун Нэлла миллиардер тоғасини кутаётган эди. "Менинг лакка балигим, — хаёлидан утказди Тэгир. — Вакт борида купроқ купрок ва яна купрок ейишим керак уни. Ўзиям жуда ёгли-да..."

Ярим йулда телефони жиринглади. Караса, миллиардер тоға! "Оббо, боя бирйула ортга кайтиб, саломлашмабман-да, хозир шунча йулдан кайтаради, куппак", — деди Тэгир ичида. Аммо кутилмаганда дахшатли сўзлар жаранглади:

—Тэгир, каерда бўлсанг ҳам беш дакдка ичида Нэлланинг уйида кўрай! Сени полиция сураб келди. Балчигингга ўзинг ботиб ул!

—Н... нега сураб к... келади? — ичи шув этди Тэгирнинг.

— Буни сен биласан! — бакирди тоға. — Ўғлим деб олиб келганинг анави болакай ким эди? Ким деб сураяпман, хайвон?! Кани у? Нега бўлар сен — чучка учун Нэллани сурокка тутишаяпти?!

Тэгир телефонии учириб, қўланса сўзлар билан сукинди ва

машинани бошка кўчага бурди. Кдёкда кетаётганини ўзи ҳам тўзук-кўрук билмасди. Бир кахвахона олдида тўхтаб, ичкарига гандираклаб кирди. Гуё хозир мает эди-ю шайтон сувидан сунг хушёрлик оламига қайтадигандек.

—Мендан нафратланишади, — деди у бошини чангаллаб. — Хайдалдим... кувилдим... кўчада коддим... Битта дарбадар бола бошимга етди-я!

Устма-уст ичгач, тезда мает бўлди-крлди. Атрофга олайиб Каради, кутуриб каради, кўзлари конга тулиб каради. Бир пайт машинасига якинлашиб, салонга муралаётган полициячиларни кўрди. Кдхвахонадан чика солиб, чапга кайирилди, кадамини тезлатди.

—Тўхтанг! — хитоб эшитилди.

Тэгир полициячилардан эмас, ўз кисматидан коча бошлади, лекин каергача борарди? Икки томони девор бўлмиш нахс босган тор йулакка ўзини урди. Хар кадамда пиво бутилкалари, сигарет колдикдари, алламбало чикдндилар сочилиб ётарди. Бадбуй хвд одамдан колган эди, одамнинг кунглини айнитди. Сувокдари кучган деворларга сукинишлар ёзиб ташланган бўлиб, Тэгир учун финиш хисобланган темир панжара тунукасига эса "Хуш келибсан, ахмок!” деган сўзлар буяб-бежаб битилганди. Тэгир такдирга тан бермай панжарага осилди. Бир зумда нариги томонга ошиб утмокчи эди, уддалаёлмади. Консиз ва жонсиз қўллари панд бериб, асфальтга унг ёни билан гупиллаб йиқилди. Йиқилди-ю жон аччигида букириб юборди. Ильзара башорат қилганидек Жахонгирни урган қўли болдиридан синиб кетди.

Куп утмай уни шифохонадан тергов бўлимига олиб келишди.

—Ҳаммаси тамом! — бакирди уша ерда ўтирган Нэлланинг тоғаси. — Маслахатим, жиянимни аралаштирмай кўрсатма бер! Бунинг мукофотига жонинг ўзингга колади, аблаҳ сурбет!

—Хуп, хуп... — мингиллади Тэгир. — Болани Радик исмли йигитга бериб юбордим... Телефонимда унинг ракамлари бор, кунгирок қилинглар... Угирлаганим йук... Нэлла айбдормас... Яхши ниятда фарзандликка олгандик... олгандим...

Виталий ташлаб кетган ракамга кунгироқ кдлишди, телефон овозбаландлатгичга созланган эди.
— Болакай менда, — деди нотаниш овоз, — аммо биз хозир Москвада эмасмиз, Новосибирскка якинлашиб колдик.
Тэгир ичида захдрханда қўлди. "Менинг бошимга етган боланинг мен ҳам бошига етаман"!
Полиция ходими:
— Сизни алдашганидан хабарингиз борми? — деган эди, ] телефон карнайчасидан қўлги эшитилди:
—Акам Тэгир мени нима деб алдаган экан?
— Сиз етаклаб кетаётган бола угирланган. Уни бутун Россия буйлаб квдиришаяпти.
— О-о-о! Кдндай бахтсизлик! — яна сурбетларча қўлди йигит. ;
— Энди нима қилишим керак?
— Телефонии болага беринг, овозини эшитсақ нима кдлишингиз кераклигини айтамиз.
—Афсуски, у ухлаб ётибди. -
—Уйготинг.
—Уйга якдн крлдим, етганда уйготсам-чи?
—Биз хеч кандай шовкднни эшитмаяпмиз.
— Светофорда тўхтаб турибман. Ишонмасанглар, фазо кемаси оркали текшириб кўринглар. Телефон қилаётган жойимни аникдаш хозирги техникага хеч гаи эмас.
— Хакдкдй исм-фамилиянгизни, уй манзилингизни айтинг. | Агар хозир болани топширсангиз ёки унинг каерда эканини g айтсангиз, ваъда бераман, сизни ярим кун ҳам камокда ушлаб турмаймиз.
—Ўзр, яшил чирок ёнди... — Алока ўзилди.
— Бола унда эмас, — деди қўлини чалиштириб ўтирган капитан. — Иккита тахмин: биринчиси, болани олиб кетганлар найранг ишлатишаяпти. Максад, эгасисиз болани сотиш.1 Иккинчиси, бу манави нусханинг уйини бўлиши мумкин. Яъни Новосибирскда яшайдиган ҳамтовоги ёрдамида уюштирган| томошаси. Максад, терговни боши берк кўчага киритиб куйиш.1
— Кимнинг найранги? Менингми? — журттага газабланди! Тэгир.

— Озодлик халивери тушингга ҳам кирмайди! — қўлини бигиз қилди капитан. — Сенлар камида уч кишисанлар! Боланинг кдердалигини, икки ҳамтовогинг кимлигини яхшиликча айтишингни маслахат берардим.

— Нэлланинг алокдси йуқ, — терговга бурнини сукди миллиардер TOFa.

—Учинчи шахе Нэлла эмас, — деди капитан.

— Қўл га тушиб турган бўлсам, нима керак ортиқча нагма?! Болани Туркияга юбор, кдриндошларига ўзим топшириб куяман, деб Истанбўлдан амаким телефон кдлганидан сунг жунатдим. Истанбўл-Кдрс-Тбилиси-Боку-Москва оркали бу ерга келган экан, худди шу йулидан кдйтиб кетиши керак эди. Новосибирск хаёлимнинг бир бурчагига ҳам келмаган! Лаънатилар, мени алдашган бўлса, ўзлари жавоб беришеин! Мен уларга Новосибирскка олиб боринглар, демаганман!

— Кидирувдаги болани давлат чегараларидан утказиб куйишни осонгина буйнига оладиган кимсани топиш шунчалик осон бўлдими?

— Мен ҳам шунга хайронман-да! — кифтини учириб, лабини бурди Тэгир. — Ниятлари нима эканини кеч тушундим.

—Камерага тикдб куйинглар! — буйруқ янгради.

— Хозир телефонда гапирган йигит мендан болани олган Радик эмас, — тулгонди Тэгир.

—Ким?

—Танимайман. Кандайдир шериги... Менинг айбим йуқ!

—Тез орада эсинг кириб қолади, деб умид қиламан.

— Менга мол-мулким буйича адвокат керак! — кдчкдрди Тэгир. — Чувринди бола учун вакдимни угирламанглар! Хотинимдан ўзимга тегишли мол-мулкимни талаб қиламан!

— Истаган адвокатингни ёлла! — деди Нэлланинг тоғаси. — Лекин устингдаги кийимингдан бошкд хеч нарса ололмайсан! Икки қулимни бурнимга тиқиб, кўчада қолдим, деб аламзадасан! Хатто, кўча ҳам йуқ сенга, муттаҳам! Урин- - жойинг турма!

— Нэлла менинг хотиним! — бўғилди Тэгир. — Конун мен томонда!

—Ха, албатта, — кесатди **тоға.** — Крнуннинг қўли сен томонга чўзилиб гирибонингдан олгани учун ҳам турт тарафинг девор, панжара, сокдилар!

Шу вақтгача Нэлла хакдда ёзишни истамаган нуфўзли газетанинг қизикдрли вок;еалар рукнида кейинги хафта бир энлик хабар босилиб чикди: "Эстрада хонандалигига даъвогар Нэлла ва унинг турмуш уртоги хорижлик уч ёшли болани угарлашда айбланиб, хибс этилди. Кизши, бу жуфтлик ўзлари угирлаган болани фарзанд сифатида асрашган, суратини эса хеч кимдан сир тутишмаган..."

Нэлла терговга тортилгани рост эди, аммо у панжара оркдсида бир соат ҳам ўтирмади, тоғаси жонига оро кирди. Шундоқ ҳам катта муаммолар турдираётган хонандаликни йигиштиришни маслахат берганида, Нэлла эътироз билдиролмади. Уч кун утмай махаллий телевидениядаги клипи гойиб бўлди. Уша хафта намойиш этилган рус эстрадасига турли йуллар билан кириб келаётган угри куппщчилар хакддаги кўрсатувда ёши элликлар атрофидаги укдтувчи деди:

—Мен хайратдаман! Ходисалар тарихдан бутунлай йуколиб кетмас экан! Кдрокчилар бугунги кунда денгизда, урмонларда эмас, санъат денгизида, санъат урмонларида яшамокда. Хеч нарсадан кдйтмайдиган одамгина миллионлаб одамлар олдида сахнага, минбарга, телевиденияга чиқиб ўз ёлгони билан, Кароккчилиги билан мақтанишга журъат этиши мумкин! Кддимги лотин файласуфи Тертуллиан айтади: "Кимки жаннатга киришни истаса, жаннатга хос бўлмаган нарсаларнинг барчасидан воз кечмоги даркор". Санъаткор санъатга кириши учун худди шундай хакдкдй санъатга хос бўлмаган нарсалардан воз кечиши шарт! Мана, якднда бўлган: воқеа. Исмини айтмайман. Автоном республикаларнинг биридан Москвага келиб, "ижод" қилаётган (мен ижодни куштирноқ ичида айтаяпман) хонанда ўз кушикдари ва клиплари билан рус эстрадасига иснод келтираётганди. На ўзида овоз бор, на мусикдсида оргиналликни пайккаб бўлади!! Барчаси ахмоқликнинг мужассамлиги! Ахир, юлдўзлиқ бу — олимлик билан баравар! У ҳам ўзига ухшаганлар кдторида

юлдўзликни, яъни олимлик рутбасини орзу қилди. Буни Карангки, угирланган болага сохта хужжат тайёрлатиб, фарзандликка олибди. Бу иш у кабиларга хеч кдндай кийин эмас! Балтасар Грасиан "Хар кандай давомийлик таракдиёт бўлолмайди", дейди. Бунакаларнинг "ижоди" минг йил Давом этса ҳам Россия санъатида таракдиёт бўлмайди. Санъатни истеъдодсизлардан ва угрилардан тозаласақ у янада шиддат билан ривожланишига аминман. Кадимда карокчиларни оломон олдида кдтл этишган. Санъат карокчиларини санъат оламида катл этиш керак!

Жахонгир билан бовшқ можаро юз бермаганида ҳам Нэлла ижоди бир умрга тўхташи мукаррар экан. У пойтахтдан олисларга кетиб, бирмунча вакт Оренбургда яшади. Февралда Кқозонга кучиб утди. Бир куни хеч ким йуклигида tomofh йиртилгудек кўчаниб бор овози ила кушиқ куйлай бошлади. Ногахон каттиқ йутал тутди. Даструмолида конни кўриб, ранги кув учди. Унга угирланган **кушикдарни** куйлаш биологик жихатдан ҳам такдкланган эди.

—Йуқ мен барибир юлдўз бўлишим керак... — гудранди у эшикка талпиниб. — Яхшилаб даволашмаган!.. Ким бор? Ёрдам беринглар...

Нэллани бехуш холда учратган опаси "Тез ёрдам" чакирди. Санъат конунларини бўзган жувонни санъатнинг ўзи улимга хукм этган бўлса, тиббиёт конунларини менсимагани ҳам жавобсиз колмади. Турт кундан сунг Нэлла реанимация бўлимидан бир кишилик палатага утказилганида ахволи хийла яхшиланганга ухшади. Бирок саккизинчи куни яна ошрлашиб, эрталабки туккизларда жони ўзилди. Арвохи деразадан учиб чикйб, ялангоч дарахтга кунгандек шохлардаги каргалар хуркиб Хавога кўтарилди. Бўлутли осмон бугун ҳам ерни хеч кандай мусикасиз, шовкинсиз, беминнат ва албатта шон-шухратсиз камтарона кор билан сийлаши сезилиб турарди.

Айни шу дамда Москвада ҳам об-хаво Татаристондаги каби эди.

— Роса кор ёгади шеқилли, — деразага эгилиб осмонга тиқилди Виталий.

У Жахонгирни Одессага олиб боргач, Радик лақабли шериги Новосибирскдан кунгироқ қилиб, Тэгир ботқокда ботиб кетганини айтганди. Виталий пинагини ҳам бўзмади. Москвага ; кайтгач, Радик билан квартирасида учрашди.

— Болани Россия буйича кддираяпмиз, дейишдими? — ; сигарет тутунини пуфлади у. — Гаплари рост бўлса, мен ; Москва-Одесса поездида чегарадан атом бомбасини утказибман-да, а? Ўзимга қойилман!

—Бола хозир кимда?

—Сен ҳам омонатсан, айтмайман, — деди Виталий иягини силаб. У ташки кўринишини ўзгартириш учун соқолини кириб ташлаган, сочи ҳам бир ёнга таралган, гелда қотирилган эди.

— Уни унут. Яхшиси, бола хакдда танишларингдан суриштириб кўр-чи, ким экан? Балки пулдор одамнинг зурриёти бўлса, юз минг-икки юз минг рубль ишлармиз?

—Ҳам унутиб, ҳам суриштирайми?

— Кераксиз жихатларни унутсанг яхши бўлади, демоқчиман. .

—Унда эшит, бола Москвада ишлаб юрган гастарбайтернинг фарзанди, — деди Радик. - Уни "Жди меня" кўрсатувида ҳам ; кўрсатишибди. Пул умидвор бўлишдан маъни йуқ, Туркияда йуколгани учун Интерпол кидираяпти, холос.

—Ух-ХУ!

— Отаси Одинцоводаги заводда ишлаган, онаси Туркияда ; уй хизматкори бўлган. Аёл болани уша ёкда йуқотиб куйгач, j бизниқилар одамгарчилик юзасидан Москвага поездма-поезд Кавказ орқали келтиришган. Лекин отасини топишолмаган. J Заводдаги кўзатув камерасига бола ва "кўрьер” тушиб қолган | экан. Хозир "кўрьер" ҳам тиканли сим ортидаги "хата"сида | ётибди.

— Туркия дегин... Хм, Одессага жунатишларидан мақсад г тушунарли. Уни Туркияга қайтаришмоқчи... Балки онасига ; юбормоккидир? Онаси хакдца яна нима биласан?

— Хеч вақо билмайман. Агар бола оддий гастарбайтерларнинг ўғли бўлса, полицияга аноним кунгирок кдниб, Украинада эканини айтасанми?

— Тэгир қўлга тушганида, органдан сенга телефон қилишдими? Хозирча шошмаймиз, чунки Тэгир полицияни чалгитишга мажбур бўлгандагина сенга мурожаат этиши керак эди. Биз мижозларни сотадиган пасткашлар эмасмиз.

— Тэгирга учрашар экансан-да?

— Йулини кдлсам, туркига бир караб куйсам ёмон бўлмасди.

Нэлланинг улими тоғасини баттар даргазаб қилган эди. Кдтъиятсизлиқ ишонувчанлик ва хаёлий шухрат ортидан чираниб югуриш хеч замонда яхшилик келтирмаган, нега Нэлла била туриб, канча-кднча эътироздан кейин ҳам ўзини тиёлмади? Окдбат — улим! Аммо факат Нэллагина айбдорми? У Ойда эмас, Ерда яшайди. Ерда одамлар бор ва улар бир- бирининг фикрлашини, орзу-хаёлларини ўзгартиришади. Ха, TOFa Тэгирни юз фоиз айбдор санади. Крзонда ҳам жиянининг бошини айлантирган шу, Оренбургда ҳам изидан колмаган шу. Гиёхванд моддадан кугулди, Тэгирдан эса йуқ. Шон-шухрат васвасаси гиёхяар таркибидаги огудан-да кучли чикканида тоға ҳам ожиз колди. Нэллани ижод қил ишга мажбурлади, кўзларини кўр, қўлокдарини кар қилди. Егги-саккиз йил бурун фохиша ва гиёхвандга айланиб улгурган навнщол жувоннинг Кора тарихини унутган Тэгир конуний никохдан утди. Жамоат олдида у Нэлла билан очик-ойдин фахрланарди. Буни мухаббатдан дейиш мумкинмиди? Тоғаси кун келиб Тэгирнинг асл максадлари ўз башарасини кўрсатишини билгани учун Ҳам тадоригини кўрди...

— Ихтиёрингизда факат машина коладиган бўлди, — деди адвокат Тэгирнинг камерасига кириб. — Бошка чорангиз йук. Сиз нимани ўзок муддатга режалаштирган бўлсангиз, хотинингизнинг TOFacn худци шунга муносиб тайёргарлик кўриб куйган.

— Кет! Мен... ўзимни осаман! — Тэгир ер остидан каради адвокатга.

—Хуп, — адвокат дик этиб оёкка калкди. — Лекин... ўзини осиш яхшимас. Колаверса, бу ерда аркон йук.

—Ана аркон!.. — деворга телбаларча нигох ташлади Тэгир.

Бора-бора у чиндан-да эсидан OFa бошлади. Бошини деворга уравергач, камокхона шифокорлари махбусни руқий КаСаллар шифохонасида даволаш зарурлигини айтишди. Жахрн'гйрнинг Кайси мамлакатда эканини биладиган яна бир одам шу тарифа еафдан чикди.

7

Жахонгирнинг чет элларда сарсон-саргардонликда кечган кунларининг охири бор эди, лекин кандай хотима топишини Хали хеч ким билмасди. Мусофирлик кисмати охир-окибат не бўлди? ЕруF кунлари кандай келди? Ёки барчаси...

Ушанда Тэгирнинг махфий квартирасидан Виталий етакловида чикиб кетган болакайни бошка бир уйда сепқилли Киз очиқ чехра билан каршилади. Қўлига бирданига иккита шоколод тущазди. Сал утмай шоколодларни олиб куйди-да, юз-қўлини ювиб, кийимчаларини алмаштириб, суратга туширди.

— Уйингга борадиган бўлдинг, — Жахонгирга қўлумсиради Виталий аллакаёкдан кайтгач. — Хужжатларинг тахт, о гай ни. Ургатганларим эсингдан чикмадими?

—Чикмади, — деди болакай. — Онам мени сурадими?

— Суради. Шу билан савол-жавоб тўхтатилсин! Биз келишганмиз.

—Жодугар дарров рози бўлдими? — деди сепқилли киз.

— Ха, лекин ўғли олти ёшда, - пальтосини илгичга илди Виталий. — Бу бола нари борса турт яримда. Ухшатармиканман?

—Мендан сураяпсанми? Ўзингсан-ку профессионал.

Виталий Жахонгирни вокзалга келтириб, тулачадан келган жингалаксоч хотинга топширди.

— Мана шу холангнинг айтганини кдлсанг, онангнинг ёнига борасан, — деди Виталий боланинг телпагини сийпаб куяркан.

— Онангни роса согингандирсан-а?.. Кара лекин! Факат аклли бола бўл! Мен нариги вагонга чикаман. Поезд юрганда, сени ахтариб топаман. Кутасанми?

## ------------------------------."Мусофир гўдак қисллати-Н"

Жахонгир бош силкиди. Поезд жойидан жилганида, у ухлаб крлганди. Асли Севастополдан бўлган Роза исмли аёлнинг олти ёшли ўғли сифатида чегарани кесиб утган ёш мусофирни Одессада хеч ким кутмаётган эди. Сабаби уша — полиция Тэгирни қамокда олган, у Одесса-Истанбўл паромида Туркияга катнайдиган Рифат билан телефонда богланишга улгурмаган.

— Овсар купга бормаслиги аниқ эди, — деди Виталий Новосибирскдан Радик кунгироқ қилганида. — Лекин бунча тез махв бўлади, деб уйламагандим... Майли, рахмат сенга. Интернетдан янги қушиқ кучиргандим, маза қилиб тинглаяпман. Хозирча хайр.

Одесса вокзалидан атиги икки чақирим наридаги куп қаватли уйда Виталийга таниш, қайсидир маънода шерик хисобланмиш Дуга чол деган кимса яшарди. Бу одам қирқ ёшигача уйланмаган эди. Кдркда кирганида, кичик базм уюштириб, бир қизга эр бўлди. Ёш оила ярим йил ҳам яшамади. Эсини танибдики, хотин — душман, рўзгор — машакдат, қайнона — аждахо қабилидаги гаплар билан мияси тулган одам оила бахтини қандай хис этиши мумкин? "Ажрашаман! Қайтиб умрбод уйланмайман! Энг яхши йул ўзимники экан!" — деди у. То қариб-чириб, хеч кимга кераксиз одамга айлангунча гам нималигини билмади хисоб. Кейин ёлгизликка махдум махбусникидан-да қора кунлари бошланди. Англадики, кераксиз одамга эрмак керак. Хартугул уйимга кимдир келади-ку, деб дастлаб хонадонини ошиқ-маъшукдар учун ижарахонага айлантирди. Кейин ит асраб олди. Итга шунчалик урганиб қолдики, одамлар неча асрлардан буён нега оила-оила бўлиб яшашини фахмлагандек бўлди. Хаёт шафқатсиз эди, чолдан аввал итнинг жонини олди. Виталий эшик қокданида, у итига аза тутиб, каравотида чўзилиб ётарди. "Мен Россия ва Украина уртасида қатнаб бизнес қиламан, — деди Виталий. — Агар уйингизни ижарага берсангиз, ойлик хакдии тулайман, лекин хар доим безовта кдлмайман". Дуга чол кунди.

Жахонгирни Одессада Тэгирнинг одамига топшириш режаси барбод бўлгач, Виталий Дуга чолникига борди. . г

—Салом, кария, — дегач, у Жахонгирга имо қилди. >— Сизга мехмон олиб келдим.

Кетиш олдидан Виталий Жахонгирга бирор хафта караб туришни чолдан илтимос қилди.

— Умримда бола бокмаганман, — киртайган кўзларини Виталийга тикди мезбон.

—У катга бўлиб колган, - уйлаб ҳам ўтирмади Виталий. — Нима есангиз ейди, нима ичсангиз ичади. Ухлашдан аввал кийимларини ечасиз, уйгонганида кийдирасиз. Кўркманг, Ринат дайдиликда пишиб кетган, йикламайди. Шарт шуки, зинхор-базинхор кўчага чикармайсиз, телефондан фойдаланишни ургатмайсиз.

—Телефон ургатиб жинниманми?

— Сиз эмас, у жиннилик қилиши мумкин. Тили бийрон болага ишониб бўлмайди, кария...

Телевизорда бокс томоша қилаётган Жахонгир уларнинг сухбатини эшитди. Келган куниёк ялтирок яшил телефонга кизиксиниб караб куйганди. "Нега телефонга тегинишимни хохлашмаяпти? - уйлади у. - Бобо дуконга чикканида, гушакни оламан-да, галдиракларини айлантираман..."

Виталий кетгач, Жахонгир бир хилдаги зерикарли хаётдан азоб чека бошлади. Уйин-кўлги, уйинчоқ суратли китоблар йуқ эди бу уйда. Болапакир кайси мамлакатда эканини ҳам тушуниб етмаганди. Хар доимгидек бегона одамлар, сохта муносабат, нотаниш хид босган хонадон. Англагани шуки, кимнинг уйида яшаса ҳам, бошкалардан хавфсирашади, гуё ташкаридаги хар бир одам Жахонгирнинг душмани, уни угирлаб кетиши хакикатдеқ Жахонгир шунисига хайрон эди. Нега у эркин уйнаб юролмайди? Агар куйиб юборишса, кетаверади, кетаверади ва бир куни онасини топади. Эхтимол, | деразадан кўриниб турган баланд иморатлар ортидадир жонажон уйи? Эхтимол, кечалари қўлокка чалинадиган поезд J

гудоклари тутлиб-усган шахридаги вокзалдан келаётгандир? Жахонгир xapxaша қилишни кунглига тугди. Кечки овкатни емай йигламсираганча ўтираверди.
—Нима истайсан? — ковок уйди Дута чол.
Буяйман.
— Нимани буяйсан? — беихтиёр уй деворларига аланглади чол. ,
—Раскраска, — тунгаллади болакай.
—Қанакэ раскраска?
—Буяйдиган нарса.
—Раем дафтарми?
— Ха, ¯ яногига думалаб тушган ёш томчисини артди Жахонгир.
— Кимнинг суратини чизмокчисан? — чол илжайишга тиришди. — Онангнингми? Отангнингми?
— Раскраскада тайёр суратлар бўлади, мен факат буяйман,
— жавоб берди Жахонгир аччикданиб. Отангга борасан, онангга борасан кабилидаги ёлгонлар жонига теккан эди, яна денг, бу ran шу чолнинг ҳам оғизидан чикди. "Ҳаммалари алдамчи!"
Айни дамда лакма чолга нисбатан кўркув хисси урнини шухлик эгаллаб борарди. Озарбайжон пойтахтидаги сунгги кунда Абдулин мехмонхонани тўлдириб хуррак отганди. Бу чол ҳам, мана, неча кундирки кечалари хурракни канда кдтмайди. Бунинг устига гохо инкдллаб, кандайдир дарддан нолиб чикдди. Жахонгир унинг тусатдан улиб колишига акди етмаса-да, кари одам тобора кучеизланиб, охир-окибат тушакка михланишини уйлади. Киноларда кўрган: бундай кишилар Хассага суяниб юришади-да, бир куни вафот этишади, ёгоч кутига солиб, кабристонга олиб боришади, к°ра кийинган кизлари, хотини румолча билан кўз ёшларини артиб, роса хафа бўлишади...
— Эртага дукондан сенга бир талай.,дафтар келтираман, — тунгршлади чол.
—Бугун нимадир кдяишим керак.

—Вой зумраша-ей! — қулди уй сохиби. — Нима кдлишинг керак? Айта қол.

—Телефон... — деди Жахонгир.

—Э, телефонии бошингга урасанми?

— Виталий йуқ, кўрқманг, бобо, — ужарлигини куймади Жахонгир.

— Сен айёр тулкичасан, — яна қовоқ солди чол. — Мен болаларни яхнги кўрмайман, қатгиқ сукиб берсам, эрталабгача йиглаб чиқасан.

—Телефон...

—Кимга кунгироқ кдлмокқисан? Севган лизинг борми?

—Телефо-о-он... — қулини чўзди Жахонгир.

Дуга чол бир аёлдан эшитган гапни айтди:

—Овқатингни есанг, иетаганча телефонии уйнайвер.

Жахонгир қошиқни коеага ботирди.

— Шартим битта, — деди чол, — телефонии ўзим улаб бераман, қаердан келганингни, хозир меникида яшаётганингни Хеч кимга гуллаб куймайсан. Бу шахарда ёмон одамлар шунчалик купки, сен ким бўлибсан, хатто улар итимни ўлдиришган. Итим тирик бўлганида сенга бир кун ҳам энагалик қилмасдим!.. Лақаби Танцор эди. Дунёдаги энг яхши ит эди у... Россиядаги дахшатли воқеани эшитганмисан? Кўрқсанг Ҳам сўзлаб бераман. Шифокор эр-хотинларнинг худди меникидек севимли ити бўлган экан. Пастки қаватда яшайдиган кушниси машинасида босиб кетибди. Ит улибди! Эр-хотин жониворга шунақа урганиб қолишган эканки!.. Биринчи қаватдаги кушнининг сен билан тенгдош қизчаси итнинг фожиасидан кейин изсиз йўқолибди. Милиция бутун шахарни тит-пит кдлса ҳам, кцзчани тополмабди. Кунларнинг бирида эр-хотин шифокорлар командировкага кетишибди. Анча вақтдан бери уларнинг уйидан кучукваччанинг вангиллаши эшитилармиш. "Яна ит олишибди-да", деб уйлашибди кушнилар. Пастга сув тошгач, "жек" ходимлари шифокор эр-хотиннинг эшигини бўзиб, сувни тўхтатишга

карор қилиш’ибди. Сантехник ваннахонага кирибди-ю шу захоти кўзлари ёшга тулиб кайтиб чикдбди. Бош кал ар ҳам ваннахонага бош сукиб, эс-хушларидан айрилаёзибди. Кдрашса, йуколган кизчанинг тилини кесиб, буйнига тасма боглаб, кувурга боклаб куйишган экан. Бечора кизча ота-онасини ёрдамга чакдриб зорланганида кучукнинг вангиллашига ухшаш овоз эшитилаётган экан... Лекин сенйнг тилингни кесишни, буйнингдан ип боглаб юришни хаёлимга ҳам келтирмаяпман, Ринат. Нега? Чунки Танцорни сенинг ота-онанг ўлдирмаган... Менимча, ота-онанг йуқ улар аллакачон улиб кетишган бўлса керак... Бунча тумшаясан? Дуга хакикатни гапиришни ёктиради.

Жахонгир Дуга чолга кошикни улоктиришни хаёлидан утказди, аммо чол телефонда гаплашишга ижозат этиб, қўлига печенье ҳам тутказди. "Хозирча кечираман уни", — деди болакай ичида.

Дуга чол эртаклардаги айёр кимсалар сингари кўзларини бахўзур кисиб, лабини ялади-да, хихилаб қўлганча аллакимларнинг ракамларини териб берди. Гушакка ўзи ҳам қўлогини тутиб, болакайга одамлар кандай жавоб беришларини тинглади.

—Исминг нима? — суради бир одам украин тилида.

—Унга русча гапиринг, — деди Дуга чол гушакка тумшуиши тутиб. - Неварам Россияда яшайди, украин тилини билмайди.

— Хар кандай украиналикнинг зурриёти украин тилини билиш шарт! — газабланди эркак.

Дуга чол телефонии шаракдатиб учирди. Кейин бир аёл га улаб берди.

— Исминг нима, болажоним? — майин овоз эшитилди гушакдан.

— Жахон.

—Бу канака исм?

—Яна бир исмим бор... Ринат.

— Онанг каерда, Ринат? Телефон уйнашингга рухсат бермагани аник.

—Онам йуколиб крлган.

—Ё Худованди карим! Каерда йуколган?

— Каерда йуколган? — Жахонгир Дуга чолга каради. — | Биласизми?

—Антарктикада, — деб мезбон гушакни олиб куйди.

—Яна гаплашаман, — ялинди Жахонгир.

> Улар турли хонадонларга сим кокдб, чарчадилар.

— Виталийга телефон хакдда гапириб юрма, — деди чол телефон уйинига якун ясаб. — Тугрисини айтсам, кучугимдан яхши экансан. — Жахонгирнинг бошини силади у. — Мен тентакман. Агар улиб колсам, "Тез ёрдам"га кунгирок қиласан, хуими? Кайси ракамларни теришингни бирор кун ургатаман.

Эртасига чол дукондан бир талай буяш дафтарлари, раем дафтарлар, рангли каламлар, фломастер, акварель, пластилин билан кайтди. Елкасидан тоғ агдарилган каби Жахонгирга мамнуй киёфада жилмайди. Барчасини стол устига ёйиб куйгач, болани таклиф этди. Кейин телефон симини улаб, қўлини иягига тираган куйи гўдаккинага бир соатча тиқилиб ўтирди.

У Япон маколида айтилганидеқ болаларни Худонинг газаби деб уйларди. Умри бино бўлиб бундай ёкимтой болакайни кўрмаган эди. Ё тавба, жужукнинг корни тук бўлса, уйинчокдарсиз ёки ёзадиган-чизадиган эрмагисиз колмаса, худди катталардек банд, мулохазакор ва уйчан одамчага айланар экан-да. Нега ит бокди? Бола асраб олиш хаёлига келмагани ижтимоий касаллиги эдими? Балки уйланган чоЕнари фарзанд кўришни истамагани ДУНЁНИ АНГЛАШ саройининг пойдевори бўлгани учун ҳам хаёлига келмагандир?

—Сени ўзимга >тил қиламан, — деди чол.

' Орадан хафталар утиб, Виталий FaBFO мукаддимасига хозирланиб кунгирок кйлганида, Дуга чол ҳаммаси жойида эканини айтди. Контрабанда устаси тушунди: карияга овунчок топилибди. Бирок хар кандай овунчок жиноят оламида бошга етгувчи унсурга айланиши бирпаслик ходиса эди* Виталий ўзи бекинган боткокнинг каерига жойлашиб олганини

билдириб бир пуфакча пуфлашдан чучимасди, қўлга тушишига асос йуқ эди, гуё. Шунда ҳам болани уйдан чикдрмасликни бот-бот тайинлади.

— Хой, — деди гапи орасида, — тагин болакайни касаллантириб куйманг. Бошқа худуддаги поликлиникада ора-сира текширувдан қЬгказдиринг. Мен фашист эмас, бор-йуги майда жиноятчиман!

Бир ойдан сунг Виталийнинг Россия Федерацияси Краснодар улкаси билан богаиқ ишлари шунчалик авжга миндики, дам Туапседа, дам Краснодар шахрида пайдо бўлгувчи йигитнинг кунглига Украина сигмай қолди. Фақат бир гал Туапседа еб-ичиб ўтирганида, гурухдаги йигитлардан бири Одессага яхтада жунаётганини мақтанди. Виталий чунтагини кавлаб, икки юз АКШ долларини ўзатди.

—Буни бир одамга бериб куя, огайни, — деди у. — Кунгироқ қиламан, манзилингдан олиб кетади. Унга ишларим зур эканини, Украинага борсам, бошидан доллар сочишимни айт. Харқалай, телефонда гапирганимдан кўра юзига айтганинг анча таъсирли.

—Жононми?

— Ха. Лекин хомтаъма бўлма, у одатда етмиш ёшли отахонни элчи кддиб юборади.

Виталий кайфи тарқагач, берган пул ига ҳам, ваъдасига ҳам аза тутди. Нега энди бола учун икки юз доллар сарфлади? "Мол"нинг Одессада сакданиб туриши қандай фойда келтиради ўзи? Кун келиб фарзандталаб кас учраса, пуллаб юборадими? Одамфурушликни орзу кдлмаган эди-ку...

— Икки юз учун рахмат, — икки кундан сунг телефонда миннатдорчилик билдирди Дуга чол.

—Кария, — деди Виталий, — бугундан бошлаб уйингизнинг ижарасини ҳам, бола хақини ҳам беролмайман. Одессага боргунимча (бир неча ой боролмасам керак), кичик мехмонни нафақангиздан бокдшингизга тугри келади. Бироқ охирида яхши хақ тулайман. Даромад қилсам, албатта!

— Хеч нарсадан ташвишланма, — чол шундай охангда ‘

сўзладики, бир қўлида қадах бордек эди. — Сенга ўзоқ умр, соғлиқ ва омад тилайман! Муаммо тўғилмаслиги учун қанча кам келсанг, шунча яхши, бутам.

Куп утмай Кора денгизда туфон кўтарилиб, Туапсе кўчаларида сел окди, машиналар хароб бўлди, дарахтлар ер уцди. Жарохатланган Виталийни шифохонага келтиришганида, чунтагидан полиэтилен халтачага солинган опий топилди. Анча вақтдан бери контрабандачининг изидан кишанлар қўланка каби эргашиб юрганди, опий сабаб эшзак халқилар билаклар васлига етди.

Шу-пгу Виталий ярим йил дом-дараксиз йуқолди. Дуга чол у хакда деярли хеч вақо билмасди. "Виталий" — лақаб эканига фахми етарди. Бир жихатдан чол хурсанд эди. Бола билан кечган кунлари мобайнида Дуга чолнинг мияси анча-мунча тозаланди. Эндиликда Жахонгир иккаласи бобо ва невaралардек эди. Одам зотига дилдан урганган чол умрини бoғ қолиб, чулга алмашганини англаб етганди. Жахонгирга озодлик берди, хурлик берди. Истаганча уйнаб-кўлсин, хохлаганича кийиму, уйинчоқ совга қилади. Чол бутун умр пулларини ёмонларга сарфлаб юрган бўлса-да, яхшиларга ҳам бор-будини бера олишни кўрсатмокда уринарди. Шарти, ўз уйини, онасини эсламаса, бас. Бунинг учун Дугаси кўрмагур бола онгини бетиним захарлаб яшади: "Сенинг хеч киминг йуқ, я кин инг менман, она шахринг ҳам шу ер", "Дунёдаги энг гўзал маконида яшаяпсан, бошқа жойларда сени хорлик ва уруш-жанжаллар кутади", "Машина, уй, кема олмокчимисан? Шу ерда яша!", "Тугри, сени она тукдан, лекин у денгизда чукиб улган, агар шу уйда улгайсанг, сенга келин олиб бераман, келин онангдек мехрибон бўлади..."

Деразадан ёлтиз муралаб ўтирганида, Жахонгир барибир онасини эсларди. Неча-неча хафталар, ойлар ортида олислаб бораётган ОНА сиймосининг илохий ришталаридан бир толаси ҳам жажжи юракчадан ўзилмаган эди. Шахарлар, ј хонадонлар алмашди, одамлар, транспортлар ўзгарди, ойлар, ;

фасллар урин бушатди, аммо она суратининг бир чизоти ҳам ўзга тусга кирмади. "Аяжон... аяжоним менинг..." дейиши билан Истанбўлдаги қамок;хонада хайрлашаётган чехра гавдаланарди. Она вафотидан бир йил утаб уч-турт ёшдаги боланинг хотирасидаги сурат хира тортса тортар, илло Жахонгирда бундай бўлмади. Унинг онаси улмаган эди. "Сангород" деб аталмиш махбуслар шифохонаси реанимациясида ётган кунлари онаизорнинг ҳам юраги "болам" деб уриб турди. Бир-биридан айрилиб кетган она-болани такдирнинг ўзи яна учраштиришни режалашгирганга ухшарди. Холбуки, куплаб кариндошлар "Жахонгир чет элларда йуқ бўлиб кетди, унинг улиги ё тириги топилиши даргумон", дейишарди. Бошини Мехр-ла силаб, бошка она келтиргувчи кариндошлари мусофирчиликда йукдигиданми, видолашиш маросимисиз ногахон айролик тушганиданми, Жахонгир онасини уйларди, уйлашда давом этарди, тушларида, хушларида кўрарди. Она хакикий хаётдами, хаёлотдами, умрбокдй яшашда давом этарди. Баъзан қўлгиси эшитилгандек туюлиб, атрофга аланг-жаланг бокарди. Ахир, онаси билан кечагина хайрлашган, юраклар бир-бирига илхақ ва интизорлигича колган эди-да. Дуга чол сувга гарк бўлган, дейди, денгизни кўрсатади. Жахонгир ишонгандек махзун энтикиб куяди, чол эса ўзидан кони кади, қўлумсирайди. Аммо бир нарсани тушунмайди: болакай унга ишонадими, йукми, она сиймоси учмайди. Онасини хаёлотига жойлаб куйибдими, хакикий хаётдаги тирик суратми, бола тушунтириб беролмайди. Бола мухаббати енгилмаслигини чол каёкдан ҳам англасин.

— Ким бўлишни хохлайсан? — сураб колди Дуга чол бокс томоша қилаётган Жахонгирдан. — Анча вактдан бери шохидман, сен шу ёшингда бокс жиннисисан!

— Полициячи бўламан.

— Тавба, полициячи дейди-я!.. Нима учун полициячи?

— Мени Тэгир деган одам урган. Кейин бир таксичи Тэгирни

урган. Полициячи бўлсам, мен ҳам ёмонларни ураман, камокда оламан... Туппонча беришади-я, бобо?
—Тэгир деяпсанми, Тигрми?
—Чакмок Маквин зур! — деди бир оздан сунг Жахонгир.
—Саволга жавоб берсанг-чи, шумтака!
— Машинам Чакмок Маквиндай бўлади, — ўзиникини куймасди Жахонгир.
Боинга куни иккиси мультфильм кўраётган эди, кизил машина Чакмок Маквин эканини билган Дуга чол:
— Э-э, жин ургур, Маквин деганинг машинами? — деб хитоб Қилди. '
—Бўлмаса, улган итингизми? — газабланди Жахонгир.
— Нима дединг? — анграйди чол. — Менинг табаррук итимга тил теккизишга хакдинг йукдигини биласанми, тирранча?!
—Кечирасиз...
—Кечирим сурашни ҳам билади бу!
—Онам улмаган. Сиз доим мени алдайсиз.
— **Онангнинг бу мавзуга нима алокаси бор? — фигони фалакка урлади чолнинг. — Мархумларни хадеб эслаш КЎРКинчли... Пряник ейсанми?**
— Пряник еганимда, тишим огриса, сиз айбдорсиз! — уриндикка ястланиб ўтирди Жахонгир. — Онамнинг исми "Аяжон"...
*т* Вакг утган сайин болани кушнилардан сир тутишнинг иложи колмади. "Дуга амаки, неварангиз волейбол уйнашни бошладими?" — нолийди иастдагилар. "Қизингиз боласининг олдига качон келиб-кетади? Кўрмайман-ку", — илмокди савол отади ён кушни. "Неварангиз рус ҳам, украин ҳам эмас, таажжуб”, — дейди Таниш газчи.
Дуга чол дастлаб уларга эхтиёткорлик билан жавоб бериб юрди: Кўрсаки, юрак ховучлаб яшаб бўлмайди. Аста-секин чол ошкора хаёт тарзига утиб олди. Бирор кор-хол юз берса, туридан гури якин Касалманд чолни ким ҳам умрбод камок жазосига хукм этарди? Айби Виталийнинг ёлгонларига

учганими? Ха, ҳаммасига Виталий айбдор. Ушл олиб кел, деганмиди унга?

Баъзан Жахонгирни уй олдида невараларини уйнатиб ўтирган кушни аёлга топшириб, дуконга луқилларди. Бола ўзи хакдда бошқиларга аниқ маълумотлар айтишига чол ишонмай куйганди. Куп утмай чолнинг бу дунёда улимдан бошқа кўркуви қолмади. Жахонгирга "Тез ёрдам" рақамини теришни ургатди. Хар кеч дори ерди-да, қайтиб кўз очишдан умидвор холда уйкуга кетарди. Бу вақтда Жахонгирнинг йуқолганига бир йилдан ошганди. Таваллуд айёми якднлашиб келмокда эди. Хадемай беш ёшга тулади. Тўғилган кунининг битгаеи мусофирчиликда угиб кетганини Жахонгир билмасди. Халқаро ва давлатлараро кддирув Тэгир туфайли лангар ташлаб қолганди.

Дархак;иқат, гарчи рухий хасталар шифохонасида даволанаётган бўлса-да, Тэгир бир неча марта қаттиқ терговга тортилди. У Абдулинга кунгироқ қилганида, болакайни Украинага юборишини, таниши Одесса-Истанбўл паромида Туркияга утказиб куйишини гапирганди. Дастлабки терговда эса Жахонгирни Москва-Боку-Тбилиси-Қарс-Истанбўл йуналишлари орқали келган изидан қайтаришга ахд кдпганини айтди. Полиция Абдулинга купроқ ишонди. Ушанда Тэгирнинг Одессадаги таниши Рифат деган йигит экани ҳам аникданди ва тижоратчи портда ушланди. Бироқ Рифат ўзининг айбсиз эканини исботлади. Хакдқатан, Тэгир унинг қўлига хеч қандай болакайни етказиб бермаган эди-да.

Тэгирга юзлаб суратлар кўрсатилди, натижа чиқмади. "Радикни ким орқали топган эдинг?" деб калтаклашди ҳам. Бор-будидан жудо бўлишига Жахонгирни айбли санаётган телбани хўзурлантирадиган ягона воқелиқ бу — болакайнинг топилмаслиги эди.

Ёз кунларининг бирвда дарахт барглари орасида кўриниб-к5финмай қолаётган майнани томоша кдлиб ўтирганида, оқ халатли буйдор йигит якднлашди.

—Сизни сураб келишди, — деди у.

—Бир оFго ҳам гапирмайман, — тумшайди Тэгир. — Менга 5Ьапаганларни жиннихона тугул, камокхона тугул... бир вақилар хочга мих билан кокиб кийнашган! Полиция, прокўратура, ФХХ ким бўлибди?! Қўлимни синдириб, нимага эришди? Эришолдими? Ха, иблисваччани Туркияга жунатиб юбордим, йук; қилдим мен! Халиям уша болани ахтариб юришибдими? Уни барибир топишолмайди! Чунки мен гапирмайман! Гапирмайман! — Тэгир асабий кичкирди: — Га-а!.. Пир-р!.. Майман!

Ок халатли жим караб турди-да:

— Шуми гапирмаганингиз? — деди. — Юринг, органдан сурашгани йук. Руслан деган тоғаваччангиз келибди.

— Бу канакаси? — Тэгирнинг лаб-лунжи титради. — Ростданми?

— Рост, — дея ок халатли қўлтигадан тутди. — У хқозир учрашув хонасида кутаяпти. Бу дунёда бировларни ҳам тинглаб туриш керақ огайни.

— Бировларни дейсанми? Ахир... сен уни кандай тингладинг? У... у умуман гапирмайди-ку! Ха, ха, гапиролмайди... Русланни ўз кўзинг билан кўрдингми?

Ок халатли оғизини бошка кимирлатишни жоиз топмади. Тэгирнинг юраги оркага тортиб кетганининг боиси тоғасининг ўғли Руслан уч йил бурун вафот этганди. Асаблари толиккан Тэгир ўзини янада касал кўрсатишга тиришиб яшамокда эди, не тонгки, уйланиб колди: "Туш кўраяпманми ёки ростдан жинни бўлдимми? Кандай қилиб мархум мени кўришга келди?.. Йуқ бунда бир сир бор... Мен согман! Соппа-согман!"

Тэгир учрашув хонасига аланглаб Русланни кўрмади. Ок халатли йигит унг томонга ишора қилди. Тэгир уриндикда ўтирган пурим кийинган йигитни даставвал танимади, кейин Ҳаммасини тушунди: Виталий мархум тоғаваччасининг хужжатлари билан утибди-да дарвозадан.

Дарвоке, Виталийнинг келиши сафдан чиккан ярадор

қарок;чини охирги марта тулгонтириб, охирги гунохини бажаришга увдади.
— Тоғаваччам Руслан!.. — кўришмокда шошидци Тэгир.
Назоратчилар уларни холи крлдиришди.
—Тамом бўлибсан-ку, - деди Виталий қўл бераркан.
— Кдриндошларимни суриштирибсан-да? — ўтирди Тэгир ва овозини пасайтирди: — Лекин улган йигитнинг номидан келиб чакки кдяибсан. Мени халигача тергов кдлиб туришади. Балки кўзатишаётгандир? Сири тез очиладиган усулни қўлламасдинг. Кўркмадингми?
—Саволларингдан маълум, томинг жойида, хурсандман.
—Терговим тугамади. Халигача тинч куйишмаяпти.
—Мен эса Англияга кучиб кетаяпман.
—Аниқ манзилингни айтармидинг, ишонмайман.
—Хуп, Америкага кетаяпман.
—Тупурдим! Кдерларда эдинг шунча ваккт?
—Кдмалиб чикдим, — деди Виталий.
— Норасидани нима қилдинг? Хойнахой, унинг учун эмасдир?
—Мен ҳам сенга ишонмайман, — мийигада қўлди Виталий.
—Яхши. Айт, нега келдинг?
— Нега келган бўлишим мумкин? — Виталий Тэгирнинг елкасидан кучди. — Ўзинг топ-чи.
— Билиб куй, у менинг хазинам... — пичирлади Тэгир. — Агар топилмаса, хазиналигича кщади. Топилса, хазина эмас... Топилса, менинг шунча саъй-харакатим бир пул.
— Жиннихонада ётганингни саъй-харакат деб Хисоблаяпсанми?
— Кўраяпсан, боланинг топилмаганидан манфаатдорман. Фарзандталабларга сотдингми, донор излаб юрганлар учраб Колди ми? А? Бекор га келмагансан.
— Гапларинг жуда ҳам совуқ Тэгир. Сенга у керакмаслиги Ҳам анча галати.
— Умрбод топилмасин! Керакмас! Умуман керакмас! Фақат топилмасин! Топилмасин!

— Ертуладаги кахвахонада дуч келмаганингда, ахволинг хозиргидагидан икки баравар оғир бўларди. Мен билан танишганингга хурсандмисан?

— Сенсиз бола аллакачон қўлга тушарди, ниятимга етолмасдим.

— Омонатинг Одессада, бир одамнинг квартирасида уй кдмо™да яшаяпти.

— Тс-с-с...

— Менга кара, жинни! Америкага кетишимдан аввал уни бир ёкдик кдлишим керак. Сени билмадиму мен оз-моз бўлса Ҳам виждонли йигитман. Бирор жойга элтиб, Украина милициясига аноним хабар берайми ёки айтган одамингга топшириб, тулаган сокканги окдайми? Битта нарсани тушун, турт кун бурун кунгирок кдлсам, гушакни ким кўтарди де? У!

—Болакайнинг ўзи билан гаплашдингми?

— Ха, телефонда гаплашишни урганиб олибди. Чолнинг ахволи танг. Банд ал икни бажо келтирса, кун и - кушнил ар эгасиз ёш мехмон хакида милицияга хабар беришлари тайин. Хуш?

— Бўлар... — атрофига угринча каради Тэгир. — ...бўлар Одессадаги танишимни... Рифат деган йигитни текширишибди, роса тергов кдлиб, кдсти-бастига олишибди. Рифат эски кадрдоним. Иккимиз бир вактлар одам ўлдириб куйганмиз. Шундан бери мендан кўркади. Ўзимни ҳам, уни ҳам хеч качон сотмайман. Сени ҳам, албатта.

—Лаънати, — бош чайкади Виталий.

—Рифат Одесса-Истанбўл пароми билан ишлайди. Манзили Одесса шахри Приморе тумани... Кўчаси Қўликов. Уй ракамини билмайман. Уни доим Қўликов кўчасидаги бильярдхонадан топардим. Бильярдхона эгаси Рифатнинг синфдоши, Алексей деган йигит.

— Кии-кизил соткднсан, — афтини буриштирди Виталий.

— Сенга ишонганим учун айтаяпман, — Тэгирнинг кўз соккалари уйнади. — Иккимиз битта кайикда эмасмизми?

—Рифатни текширишди, дединг-ку, ярамас. Демақ Рифат хакдда "хит"ларга гапиргансан.

— У ҳакда сен билан учрашмасдан аввал амакимга айтганман. Полиция амакимни ҳам тергов кдлганида, "Одессадаги Рифат деган ҳамтовогадан гумоним бор" деган. Бола унинг қўлида деб уйлашган.

—Тентак!

—Тугри, тентакман!

— Уни нима кдпмоккш эдинг? — суради Виталий Тэгирнинг ёкасидан буггудек хезланиб. — Мақсад Туркияга юбориш эканини тушунаяпман, лекин Туркияга жунатишдан мақсад нима? “ Бунинг сенга дахли борми?

— У менда. Айтган одамингга топширганим йуқ, галварс. Сенга дахли борми, дейишини-чи бунинг! Истасанг, Жазойирга олиб кет!

Тэгир уйлади: "Агар болани ўлдиришни буюрсам, ўлдирмаслиги аниқ. Бировга пулла, десам ҳам бажармайдиганга ухшайди. Яхшиси, Истанбўлга жунатиб юборганим маъқўл. Портда йуқолиб кетса ажабмас. Балки Виталий орқали Рифатга сунгги илтимосимни айтарман..."

— Мақсадим шуки... — Тэгир Виталийга тиқилди. — ...уни нима кдлиб бўлса ҳам Истанбўлга юбориш.

—Кимга?

—Кариндошига.

— Кдриндошлари Россиядан ахтаришаяпти, "Жди меня"да Ҳам кўрсатишган. *

— Мабодо бола МДХ **ХУДУДВДан** топилса, сенга ҳам ёмон бўлади, тушундингми? Пулни оддингми, вазифангни бажар. Тагин рахмдйллигинг тутмасин. Унга бу ердагидан кўра Туркияда минг марта яхши.

— Оғизингдан чиқаётган гаплар **соғ** одамники эканига имонинг комилми?

— Туркияга юбормасанг, сени сотаман, — безрайди Тэгир.

— Мен билан хазиллашма!

— Шахсимни аниқ билганингда илгарироқ сотардинг, хурматли палид!

— Кдмалиб чикдинг, Одессага зир қатнадинг! Хулосаки, суратларинг аллакдерларда бор. Исмингдан танимасам ҳам туркднгдан танийман. Хаттоки, милицияга аноним кунгироқ кдлиб, болани ота-онасига топширтирсанг ҳам сени сотаман. Жиннихонадаги жинниман, лекин далилга бармогимни теккизганимда, **conna-coF** одамга айланган бўламан.

—Туркияга юбориш учун пул тулаганинг йуқ, тунка.

— Рифатга топшир! Нега топширмайсан? Рифатни энди қайтиб текширишмайди! Айт, болани Истанбўлга жунатиб, портда бирор чет элликка бериб юбормаса, қамалади. "Хой, "БМВ" эгасини ўлдирганинг эсингдами? Тэгир негадир шунга қизикди", де.

— Келишдиқ - қўл ўзатди Виталий. — Сен хоинлик кдлмаслигинг учун, гарчи кдлтис бўлса-да, хўзурингга келгандим. Ўзимча иш тутганимда, мени тусатдан арзонроқ сотардинг.

—Хоинлик мавзусидаги маърўзаларинг жонга тегди.

— Кафан хакддаги гапимни унутмагандирсан? Мен жиддийман.

— Сенинг қўлингда улмайман. Мен жинниман, — деб жавоб берди Тэгир.

Улар видолашдилар. Виталий Украинага йул олди.

Кдмокдан чикдач, Дуга чолникига кунгироқ кдлганида, гушакни чиндан ҳам Жахонгир кугарган эди. У онаси билан Истанбўлга келган кезлари "Самайканд", кейинчалик "Шамайкан" деб талаффўз кдлган она шахри номини секин- аста унута бошлаган эди.

Бироқ Виталий гапга солиб кўрдики, болакай ҳамон "аяжони"ни кўзи турт бўлиб кутмокда. Онасининг исми Лайло эканини ишонч билан гапирмаса-да, билади, эслайди, сураган одамга бошига тушган кўргиликларни чалакам-чатти хикоя кдлиб бера олади. Контрабандачининг назарида, Жахонгир соатли бомба эди, тез кунда ўзини ошкор этиб, портлайди ва Виталийни ҳам халок қилади.

Виталий Одессага келгач, Бозор кўчасидаги мехмонхонада

тунаб, эрталаб Суворов тумани чегарасидаги плита кўчагача таксида борди. Бир чакдримча пиёда юриб, Дуга чолнинг уйига бурилди. Милиция кўзатмаётгаиига амин бўлиб, бирпас турдида, янги сим-карта куйилган телефонидан чолнинг ракдмларини терди.

—Алло... — деди Жахонгир синиқ овозда.

— Электр бошкдрмасидан безовта қилаяпман, Дуга бобо уйдами?

—Ха, уйда... — йИЕламсиради болакай.

—Чакдр. Ёлгиз ўзими?

— Бошқа хеч ким йуқ. Бобо ётибди. "Тез ёрдам" ҳам келмаяпти.

—"Тез ёрдам"ни ўзинг чақирдингми, болакай?

— Ўзим...

—"Тез ёрдам"га уйнинг манзилини тугри айтдингми?

—Телефон ишламай қолди.

—Ишлаяпти-ку.

—Мен терсам, ишламаяпти.

— Пули тугаган телефондан чикдб бўлмайди-да, — деди Виталий. — Хозир шифокорларни ўзим чакдраман. Менга қандай саволинг бор?

—Нон ейман, — деди Жахонгир. — Қорним оч.

—Дуга бобо қачондан бери кўзини очмаяпти?

—Икки кун... уч кун... — Жахонгир аниқ жавоб беролмади.

Виталийнинг захира калиги жонга оро кирди. Бироқ остона хатлагач, димогига қўланса хид урилди. Кўзлари косасига чуккан, кир кийимдаги бола ошхона эшигида қўлини сурган Холда мултираб турарди. Виталий ётокда шошилинч утиб, тусатдан қочиб чикди. Уй эгаси камида икки кун мукддцам улган бўлиб, саргайган мурдасини чивинлар таламокда эди.

—Кетдиқ — боланинг қўлидан судради Виталий.

—Нон...

—Куч ада олиб бераман, — силтади Виталий.

Локомотив кўчасидаги куп устунли тарихий бино ёнида

кичикроқ майдон бор эди. Шу ердаги зинапоядан тушгач, Виталий кўчадаги аравали сотувчидан бўлочка ва кэфир харид Қилди. Бўлочкани чайнамасдан ютаётган болакайга рахми келгач, деди:

—Кдердан эканингни эслаёласанми?

—Нима?

—Неча кундан бери овқат емадинг?

—Нима?..

Виталий бошкқа еавол бермади. Сал утмай Жахонгирни йутал тутди, кўзлари жикда ёшга тулиб, буйин томири буртиб, аммо паст овозда йиигай бошлади. "Дардисар бўлди", — хаёлидан утказди Виталий ва тезроқ Рифатга топшириб, Украинадан бир умрга корасини учиришга ахд қилди. "Уни абгор ахволга мен солганим йуқ, — ўзини окдади хаёлан. — Тэгир айтган одамга топшираман, миссиям тугайди. Қўлга тушсақ "Нега милицияга топширмадинг?" дейишса, ота-онасига етказишим кераклигини айтишди, деб туриб оламан. Бундоқ Караганда, болакай учун дарбадарлик тугади. Истанбўл портида, шубхасиз, уни ушлашади ва ота-онаси келгач, самолётда уйига жунатишади. Марказий Осиёга Одессадан кетдинг нима-ю Истанбўлдан кетдинг нима!.."

Бирок Жахонгирнинг йутали одций эмасди. Виталий уч соатга ижарага олинган уйга Рифатни бошлаб келганида, боланинг иситмаси чикканди.

Устма-уст йуталиши, йиглаши, корнининг тез-тез кўтарилиб-тушиши йигитларни такка тўхтатди. Рифат ёш мусофирнинг пешонасига кафтини куйди.

— Ёнаяпти-ку, — Рифатнинг ҳамирдек купчиган юзи бутрикиб кизарди. — Тэгир мени пичоксиз суйди! Истанбўлга Кандай олиб кетаман бемор болани? Денгизнинг уртасида улиб колади!

Денгизда улишини эшитган Жахонгир овозини баландлатиб йиглади. Шу пайт унинг кўз олдида онасининг мехрибон сиймоси шу кадар аник-тиник зохир бўлдики, "Аяжон!..

Аяжоним!.." деб талиинишдан ўзини тўхтатолмади. Боланинг алахсираб қўл чўзиши икки жиноятчининг утакасини ёриб юборди.

—Аяжон? Ким у? - Рифат ортига тисланди.

— Онаси бўлса керақ - бурнини тортди Виталий. - Укол қилдириб, кейин паромга чикарасан, огир ахволда эмас-ку, согайиб қолади.

—Аіуі ургатма, ургочи ит! — шундай дея Рифат бир туртган эди, Виталий деворга суяниб колди. — Боланинг нариги дунёга шошилаётган жойи йуқ! Нега. вақтида олиб келмай, бошимни котирасанлар?!

— Рахмат айт менга, така! — сукинди Виталий сумкасига ёпишиб. - Вақтида кабўл кдлганингда, Интерпол сени камокда тикдан бўларди!.. Алвидо, мен кетдим! Боя айтганларимни эсингдан чикарма!

—Тўхта!

— Нима дейсан? Мен ўз вазифамни бажардим! Сен ҳам, мияси айниган Тэгир ҳам тинч куйинглар! Битта муаммо тугдирсанглар, унта кдлиб кайтараман! Кейин соткднсан, деб йиглаб юрманглар! Орамиз очикми?

Рифат эшикни бекитгач, бошини чангаллаб, Жахонгирнинг ёнига чукди. Туркияга карашли паром ва кемаларда йуловчиларни, молларни ноконуний ташиш мушқўллиги сабаб, у Украина паромидагилар билан ишларди. Бир неча йил аввал Россиянинг Краснодар улкасидан, хусусан Краснодар шахридан ҳам паром катнови йулга куйилган эди. Бахтга карши Краснодар-Истанбўл сув йули йуловчилар масаласида ўзини окламади, халк самолётларни афзал билди. Сайёхлардан бошка ким ҳам икки-уч кун денгизда юришни истайди?

Шундан сунг Рифат Одессадаги дустлари оркали маконни ўзгартирди. У Истанбўл цехларига буюртма қилинган либослару пойабзалларни паром оркали ташишдан тапщари айрим кишиларни ҳам денгиздан ноконуний угказиб куярди.

Икки юз-уч юз доллар эвазига паром ва кема капитанлари пастки бўлмалардан чикмаслик шарти ила Рифатнинг одамларига рози бўларди.

— Бир неча кунда согайтирсам, Истанбўлга жунатганим бўлсин! — деди Рифат телефонида ракдмларни тераркан. — Тэгирдан яхшилик кутмайман... Алло, Зоя, бутун уйга мехмон боради, аникроги, ҳозир боради... Ҳамшира дугонанг Теплодардан келганми?.. Яхши... Тапщарига чикдб тур.

У иситмада ёнаётган Жахонгирни ижара уйдан кўтариб чикди. Машинасининг орқа уриндигига ётқизиб, ўз бошпанасига шошилди. Хотини Зоя остонада кутиб турган экан. Эр-хотин ўзларига камоқ соя солаётганидан кўркишаётган эди, аммо Жахонгирнинг бола қалбида иккаласиникидан-да дахшатли кўрку в уйгонганди. Балки болалар кушандаси — Ёгочоёкнинг қўлига яна тушишини кунгли сезгандир? Балки шу хафта юз берадиган воқеа хаётини ё ёрўғликка, ё абадий зулматга айлантирар?

Дархақикдт, Истанбўлга келиб, бегоналар қўлида юртма- юрт улокдан Жахонгирнинг кечмишлари охирлаганди. Купинча талатуплар марра пойвда руй беради. Хаёт-мамот жанги якинлашиб келмокда эди. Туркия сафарига отланганида, турт ёшга тулишига бир неча ой крлган мушқўллик кўрмаган гўдак эди у. Дарбадарликдаги биринчи тўғилган куни Россияда утган бўлса, иккинчиси Украинада бетоб ётганига тугри келди. Она дийдорига зор болакай бешга кирди.

Теплодар шахридан Одессага кайтган ҳамшира хотин Жахонгирга укол кдлгач, Зояга деди:

— Балки адашаётгандирман, дугонажон, лекин... ахволи яхшимасга ухшаяпти. Шунчаки оддий грипп десам, оддиймас. Маслахатим, анализ топширтир, шифохонага ётсин деса, ётқиз. Ота-онаси келиб, харажатларини тулайди, нима фарқи бор сизларга! Улиб қолса, жавоби огир бўлади. Мен айтадиганимни айтдим, буйнимдан сокдт қилдим.

Зоя эрта-индин ота-онаси келади, ўзлари шутулланишади,

деб алдаганди дугонасини. Болани шифохонага олиб бориш истаги Зояни бир сония ҳам тарк этгани йуқ, аммо... эри ими-жимида кутулмокқш. Шифохонадагилар синяков чикдб қолиши, боланинг сири очилиши ҳам мумкин-да. Кейин эса йуқолиши керак бўлган болакай ўз уйида, якинлари багрида эканини Тэгир эшитса, бир неча йил бурунги қотилликда Рифат иштирок этганини фош кдтшши ҳам муқаррар. Тэгир сог бўлиб соглар орасида, касал бўлиб касаллар сафида йуқ балои азйм эди.

— Икки махал укол олса, тўзалиб қолар? — мужмал тунгиллади Зоя.

— Ким билади, — ҳамшира Жахонгирнинг қовоқларини очиб қаради, томогига ҳам назар солди. Бола боякдш тез-тез нафас олиб, кўзини юмиб, хансираб ётарди.

Рифат "БМВ" сохибини ўлдиришда қатнашмаганида эди, аллақачонлардан бери ўзолмаётган қора ипларни юлиб отарди. Тэгир эр-хотиннинг назарида, ҳамла қилиш учун пайт пойларди. Унинг Нэллагауйланиб, кўрсатган нагмалари ошна- танишлар орасида афсона бўлганди. Сал қолди шундай кимса шоу-бизнесдаги энг бой, энг машхур маъмур ва продюсерга айланишига!

"Нима кдлсам тугри? — ич-этини еди Рифат. — Болани Истанбўлда тутишади, икки баравар ошади жиноятимнинг салмоги!.. Тэгир улиб-пулиб қолса экан, барчасидан кугулардим!.. Тўхта, уч-турт ойдан буён хиралик қиладиган истанбўллик чулоқ турк-чи? Исми Ёгочоёқ эдими? Ха, у жонимга оро киради, болани топшираман, муроди хосил бўлади унинг ҳам... Блокнотимда телефон раками бўлса керак..."

—Туркияга юбораман, — деди Рифат хотинига.

— Нега тергов қилишгани эсингдан чикдими? — кўркдб кетди хотини. - Улардан хар нарсани кутса бўлади! Қўл га тушсанг, холим нима кечади, Рифат?

— Тэгир тентак эмас! Биз тентакмиз! — букирди Рифат кўзлари ёшга, йуқ, ёшга эмас, қонга тулиб. — Туркиялик бир

одамни биламан... Унга айтаман... Олиб кетади!.. Хозир болани милицияга топширсак...

— Кўчага ташласак-чи? Биз ташлаганимизни ким билиб ўтирибди?!

—Боланинг шахси аникланади, ахмок! Тэгир Россияда шу бола учун ётибди, атайлаб ётибди! Бола топилгани хакида хабар етиб борса, кимдан кўради? Мендан! "Ха, уни Рифатга, Одессага юборгандим, Рифат аввалдан ҳамтовошм, биз, хатто одам ўлдирганмиз", дейди. Максад и — муштдеккина шу болачадан уч олиш! Изсиз йуколиб кетса, Тэгир хўзур қилади, тушундингми?

Хотинининг ёдида экан:

— Нима эди Истанбўлдан қўнғироқ қиладиган кишининг исми? — деб суради. — Тахтаоёкми, Ёгочоёкми?

—Ёгочоёк

—У худди шу масалада бошингизни котирмаётганмиди?

— Бу ерлардан кетамиз, Зоя! Ҳаммаси жонимга тегди... Качон мен ҳам одамга ухшаб яшайман-а?

Иккинчи куни Жахонгирнинг иситмаси бир оз тушиб, урнидан судралиб турди-да, деразага осилди ва денгиз томонга муралади. Эгнидаги ок куйлак-иштонча ичидаги титрок вужудида она ва Ватан согинчи хар кунгидан кучлирок гупурмокда эди. Шу уйда истикомат қилгувчиларнинг гапидан билгандики, Туркия хув анави денгиз ортида... Эсига тугцди: у онаси билан самолётда Туркия деб аталадиган мамлакатга келганди. Сафардан аввал дадаси жахд билан имзо куйганди онасининг когозига... "Туркия... Туркия... Туркия..." деган сўзлар жаранглаганди сухбатда... Кейин дадаси билан хайрлашиб, онасининг қўлидан тутган эди.

"Я вас люблю... Я по тебя скўчаю... Мама... мамочка моя..." — онасини рус тилида гох сенлаб, гох сизлаб йуклайдиган гўдак ширин хаёллардан тетикланиб, ковоғнин хиёл очди. Хорижда она шахрини эслатадиган бинолар, кўчалар, машиналар неча маротаба йулидан чикмади! Бирок бирортаси'

она шахрининг атиги бир сикдм тупроги, шагал тоши, хазон бўлган япрош урнини босолдими? Нэлланинг хонадонида, Москвадаги тукин-сочин мухитда яшаётганида, "Бу бола жаннатга тушиб колди", дейишарди. Бола онги жаннатнинг мазмуни фаровонликда эмас, мухаббатда эканини мушохада эта оларди. Зеро, нега у бадавлат аёлнинг асрандиси бўла туриб, кунгли ёришмади, онасини соганди ва дўзах азобини татиди? Жахонгир бир вактлар "Самайканд" деб талаффўз қилган номни сад утмай "Шамайкан" деб "Шабистон" сўзи билан крриштириб юборди. Бола учун улкан шахарнинг бир кисми купроқ ёдда колган эдими? У холда онасини унутмагани Ватанини унутмагани эмасмикан? Она аслида Ватаннинг бир бўлаги, кичикрок кисми. Бола тилида-ю дилида "Аяжоним" каломи "Ватаним" деб жаранглаган бўлса не ажаб!

Жахонгир пешонасини ойнага тиради.

- Ая... - деди бўлутли уфкдан кўз ўзмай. - Аяжон... Я еду... Ждите, пожалуйста...

Кунгил сезди, аммо акд ўз доирасига сщдиролмади: нахотки, бир парча ер кўринмаётган мовий денгиз ортида онаси кутаётган бўлса?! Шунча вакг ичида кетиб колмаганмикан? Она ҳам ўз боласини ташлаб кетадими? Истанбўлда бошига эндигина кўргиликлар тушган кунлари иситмалаб ётганида, Гулчехра елкасини спиртлаётиб: "Шундай полвон йигит бўласанки, гўдаклигимда Туркияда мени Гулчехра исмли бир аёл куткарган, деб айтиб юрасан, лекин у вактларда биз бўламизми, йукми", деган эди. Бу ran башоратдек совук жаранглаганди. Аёлнинг улгани хакдкат эди, демак сўзлари башоратга айланди, Жахонгир эсон-омон уйига етиб борса, уни эслаб юради, дали куп хотиралар уйгонади.

Шу махал болакай маррага жуда якин турганини сезгандек пешонасини кучлирок босди ойнага.

- Юр, уйингга кетасан, - деди Рифат хаёлларини тўзгитиб.

- Онам мени кутаяпти...

Янги кийимлар кийдиришди. Дори-дармонларини сумкачага солишди-да, эр-хотин бир нафас тиқилиб туришди.

— Илойим, онангни, уйингни топ, — пичирлади Зоя. — Бизни кечир...

Зоя уйда колди. Рифат касалманд болани кўтариб, машинага ўтиргизди. Истанбўлга жунашга шайланган паром куйругида Украина байроги эриниб Хилпирарди. Августнинг ха во очиқ жазирама куни эди, денгизнинг бир бурчидагина момик бўлут тудаси мудрарди. Баликчи кушлар бандаргохни шовкинга тўлдириб бинолар сари учди, лекин денгиздан олислашни ихтиёр этмай, ярим дойра ясаб кдйирилди. Улар йуколган болани пайкаб кизикиш-ла кайтишгандек. туюларди. Вахоланки, Жахонгирдан уч кадам наридаги хизматчилар ва милиция ходимлари уни "кўрмаётган" эдилар. Дуга чолникида кечган кунларида анча озиб, буйи чўзилиб колгани учун шубхаланишмагандир? Балки сал кам икки йил аввал йуколган бола уларнинг хаёлида ҳам йукдир?

— Телевизорли бўлмада ўтира турсин, — деди калта соколли . паром хизматчиси. — Портда кабўл кднадиган туркнинг исми ростдан ЁБОЧОКМИ ёки лакабми?

—Исми шундай.

—Кушасизми?

— Бундан ортири ортиқ ¯ деб Рифат уч юзнинг устига эллик долларликни тутказди. - Қара лекин! Дорисини вакгида ичкизиб, **conna-coF** етказ!

Паром жойидан кўзгалганида, Жахонгир пастки кисмдаги хизматчилар бўлмасида телевизор кўриб қирарди. Бирок дархол холсизланиб, урин-тушакка чўзилди-да, шифтга термулди. У Истанбўлда ўзини ким кутиб олишини билмасди. Кадикуйлик чулок угри Ёгочоёк ҳам етти ухлаб тушида кўрмаганди бўлажак овни.

Хаки катан дунё тор эди. Болафурушдан Боку остонасидаги темирйулда кутулган Жахонгир такдир такозоси ила яна унга рупара бўлмокда эди. Уша тунда Ёгочокни хибсга олишиб, Туркияга депортация қилишди. Сал утмай у камокда ҳам ўтириб чикди. Бу вактда Мустафобей ва укаси Хасан

Истанбўлда ўз тирикчиликларини қайтадан юргизмоқчи бўлишди. Хасанга дукон сотувчилигини юклаб, ўзи мол ташишни уйлаган Мустафобей касодга учрашлардан безиб, яхшиси, дукондорликни йиғиштирганим маъқўл экан, деди. Айни дамда ошхоналардан бирида кабобпазлик қиларди. Мехнат жонига теккани учун банкни умаришга ҳам тайёр кимса эди у.

Шундай эса-да, Ёгочоёқ билан ҳам мажбуран тил бириктирган бўлиб, собиқ ҳамтовогадан хеч кутулолмаётган эди. Хасан ҳам чулоқ у грини жинидан ортиқ ёмон кўрарди. "Боксчи бўлолмаган анқаралик шурпешона”, - дерди Ёгочоёқ хар доим унинг кдгигига тегиб. "Бир кун келиб лаънатини ўлдираман", — кунглига тукканди телба Хасан.

Утган йили Ёгочоёқ қандай бўлса ҳам Жахонгирни топиш кераклигини айтганида, Мустафобей хозирча шошмаслик кераклигини уıдгирганди, аммо сал утмай болани кддириш хавфли эканини, бу ниятдан воз кечиш кераклигини гапириб, утри ни янада газаблантирганди. Ёгочоёқ буни унутмаган эди. У Мустафобейнинг Лалели бозори якднидаги бир хонали тор уйига келгач, деди:

— Бугун портга чиқаман, паромда Одессадан бир бола келаяпти. Эсингда бўлса, Лайло исмли хизматкорингнинг ўғилчаси бор эди, кўчада эгасиз қолиб кетганди. Сен ушани тоиишимга ҳам тускднлик қилгандинг. "Ҳамма қидираяпти! Биз ҳам қидирсак қўл га тушиб қоламиз! Ва хоказо!.." деб сайрагандинг! Бугун жойни тайёрлаб куй. Жаррохни ҳам огохлантир. Кўркдоасанг ҳам бўлади, бугунги болани хеч ким кддиргани йуқ. У гирт эгасиз.

— Барибир донорликка мажбурлар экансан-да, қассоб? — хоргин холда сўзлади Мустафобей.

—Ха! Чунки менга ҳам, сенга ҳам пул керак!

— Бола улмайдими?

—Битта буйраги ўзида қолади. Устаси фаранглар чет эллик хизматкорларга қорин огритадиган дори бериб, кўричаксан,

деб жаррохлик столига ётқизишаяпти ва буйрагини кесиб олиб, сотишаяпти. Арзони ун беш минг доллар!

— Кундан кунга ишларим орқага кетаяпти-да, — ёзщрди Мустафобей. — Ун минг доллар туплаганимда эди, Германияда бизнес кдтардим. Уралашмасдим сенга! ■

—Айтгандай, — бармотни кдсирлатди Ёгочоёқ, — мен ҳам донор топишга тусатдан бош кушганим йуқ. Истирохат богида йулиққан бойвучча эсингдами? Унинг қизи Германияда, Мюнхен шахрида яшаркан. Невараси вафот этганига икки йил бўлибди. К.изининг исми жарангдор — Севги! Бечоранинг бопща фарзанди йуқ экан, угалча асраб олишга онаси кеча зурга кундирди, лекин, афсуски, бола турк эмаслигини билгач, қизи айниди. Паром якднлашмокда! Боланинг пешонасига Мюнхенда яшаш ёзилмаган экан, начора.

—Хизматкоримнинг ўғлини тутиш учун Бокуга самолётда борганингда чиптага сарфлаган пулингни эслаб бир ой жигабийрон бўлдинг, уша Севги чет элликни фарзандликка олмаслигини олдиндан айта к;олибди. Бўлмаса, ияк ва жагингнинг тутуни чикдб, минг ййл сукиниб юрардинг.

— Қарсдан келтиришим керак бўлган донорни талаб кдтишганида, ундан батгар куйганман, Мустафо кал! — лабига сигарет кдстирди Ёючоёқ. — Ун саккиз минг доллардан кўруқ крдгунча пичоқ еб улганим афзал эди! Авансини ҳам қайтариб олишди-да, ярамаслар!

Эртасига паром Истанбўл биқинидаги сохилни упганида, бинойидай кийинган Ёгочоёқ бир қўлига асо, иккинчисига папка тутиб, одамлар орасини ёриб утди. Икки юзи иситмадан қизарган Жахонгир кув-кув йуталиб паром хизматчисининг етакловида турк заминига кддам куйди. Аёлларни кўрганда интизор боланинг мунчокдек кўзларида шуъла йилт этди, лекин хасталик хуружи тобора жонини сурмокда, Холсизлантирмокда эди. Боищаларнинг эътиборини жал б этмаслик учун йигламаслик қатъий буюрилган эди. "Аяжонимни кўрганимда йиглайман", — йигисини ичига ютди болакай.

— Мана, ТОҒаНг кутиб турибди, — деди хизматчи Ёгочоёқ билан рупара келгач. — У сени онангга олиб боради...

Жахонгир Ёгочоёкда, Ёгочоёқ Жахонгирга каради.

— Бўлиши мумкинмас... — оғизи очилди угрининг. — Кўзларимга ишонмайман! Сен!.. Ҳа, майли, кетдик... Такдирдан кочиб кутулолмайсан!

Полиция ходимлари кўринди.

— Лаънатилар, — тишлари гижирлади Ёгочоёкнинг. — Етдим деганимда тункаларга бало бормиди! — У сулиб бораётган болакайни издщом ичра куч билан судради. — Юрсанг-чи, касал! Э, оёгингни бос! Имиллама!

Ёгочоёққа омад қўлиб бокди: бахтли тасодиф туфайли кутулиб, автобусга чикдшга улгурди. Полициячилар улжа хидини сезиб, изгиётгани угрининг юрагини гупиллатиб юборди. Угирлик молини тезроқ саранжомламоқчидек Жахонгирга бошдан-оёқ кўз югуртирди: буйи чўзилибди, озибди, аллақачон касаллик орттирган шеқилли...

Ёгочоёк; пулни қўл га киритишдан бўлак хеч нарсани уйламаётган эди. Рифат Одессадан ижобий жавоб айтмаганида, шу хафта донор тополмасди. Буйрагини кесиб олишганидан сунг болани нима кдлса экан? Бир боладан икки марта фойдаланмайди. Яраси согайгунча касал бокддими? Дуч келган муюлишга ташлаб қочади... Йуқ, полицияга далил қолдирадими? "Наркозни купроқ бердириб, қайтиб кўз очмайдиган қиламан. Сунгги кунинг, митти дайди..."

Аммо эртага кимнинг охирги куни экани бандасига аён эмасди. Жахонгирнинг буйрагини бир дукондорнинг бемор >тлига кучириб угказиш учун Фотих туманидаги ижара уй тайёрлаб куйилганди. Хона туридаги ойнали таглик устида телевизор турарди. Кечаси билан йуталиб чикдани учун ухлолмаган Жахонгирни Ёгочоёқ кўтариб келди-да, оқ сурп тушалган стол устига ётқизди, ник;обдаги жаррох сумкасидан асбобларини чиқариб, шприцга дори тортмокда эди.

—Ая... — алахсиради Жахонгир.

— Телевизорга кара, бокс бўлаяпти, — чалгитмокчи бўлди жаррох

Шу пайт эшик очилиб, маст Ҳасан кириб келди. Акли заиф деб камситилган йигитга пул керак эди, кизларга илк марта ўзини кўрсатиб куймокчи эди. Мустафобей пул бермади, йигит дахшатли шармандаликка учради. Кеча ногахон қўлогига чалиндики, акаси бугун шу уйда катта пул ишлаб олади.

— У-у, бокс бўлаяпти экан-да?! - хитоб қилди у телевизорга.

— Ие, чулок угри ҳам шу ерда-ку! Манави никобдаги махлук ким? Калбаки пулларни шифокор кийимида тайёрлар экансанлар-да!

— Чик бу ердан, — деди Ёгочоёк- ¯ Мустафо! Кай гурдасан? Телба укангни нега шу бугун, шу сонияда киритдинг-а?

Жахонгир бор кучини туплаб, бошини кўтарди.

—Бокс... — деди у. — Бокс... бокс...

Шунда Хасан бўлар боланинг корнини ёрмокчи эканини тушунди. Ёгочоёкнинг бошига стул билан тушириб, Жахонгирнинг оғизига қўлогини тутди.

—Нима дединг?

—Бокс... — шивирлади бола.

Жаррох Мустафобейни чакириш учун хонадан чопиб чикди. Ёгочоёк ўзини унглаб, Хасанга ташланди. Хасан кучеизрок эди, лекин бола угрисидан омад абадий юз угирди: иккинчи зарба кўзига тушди.

— Сен... — деди Хасан хансираб, — боксчи бўлолмайсан, деб камситдинг! Тугри, мен бўлолмайман... акдим заифман... нимжонман... гиёхванд ҳам бўлдим! Кизлар ҳам одам урнида кўрмайди... Бу бола — МЕН! Тасаввур қил, МЕН! Шу норасидадек бўлган чогларим боксга кизикканман! Сен ўзгаларнинг кизикишлари тугул жонига ҳам тупурасан! Агар акдим заиф бўлмаганимда, шу ёшимда бекордан-бекорга улиб кетарканман-да! Бу боланинг эмас, менинг корнимни ёрмокчисан!

Ёгочоёк кутурган хайвондек букирганча ҳамла қилди. Хасан гапираётиб, пичокни олишга улгурганди. Угри бутун гавдаси

билан оёилиб, буйнидан бугтанцца, Хасан пичокни дастасигача санчди...

Жахонгир столдан тушди. Деворни ушлаб, эшикка караб юрди. Негадир унга хеч ким эътибор карат мае, хонада крили киёмат купганди.

—Аяжон! Ая!.. — деди остонага етиб.

Кўз ёшлари юзини ювиб, кўчага чикди. Бир неча кадам ташлаб, йиқилди. Урнидан турди, уч-турт одим ташлаб, яна мувозанатни йук;отди. У химоясиз, ёлгиз ва мадорсиз холда онасининг хўзурига йул олган эди. Вахоланки, она-бола уртасида минглаб чакиримлик масофа ястланиб ётарди.

Хаял утмай полиция машиналари куюндек ёпирилиб келишди. Машиналарнинг тормозлари чийиллаб, бирдан тўхташди, кўролланган ходимлар отилиб чикишди-да, бир зум тек котишди. Жахонгир яна оёкда калкди-да, уларга караб хунг-хунг йиигай бошлади. Полициянинг каршисида сал кам икки йилдан бери кидирилаётган болакай гуёки нариги дунёдан кайтиб келгандек хатто полициячиларни ҳам мутаассир этди.

## ХОТИМА

Самарканд Халкаро аэропортига Лайло ҳам чикди. Унинг банкка етказган зарарини кариндош-уруглар пул йигиб тулаган эдилар. Собир тоғасининг қўлидан ушлаб олган Жахонгир онасини ўзокдан кўрди.

—Аяжон! — чинкириб юборди бола.

—Жахон!.. — нидо отилди она бугзидан.

Жахонгир анча согайиб колганди, жон-жаҳли билан она томон чопди. Улар бир вужуд бўлиб чирмашдилар, кўз ёшларидан кийимлар хул бўлди, юракдан зорланиб чиккан йиги атрофдагиларни ҳам йиглатди.

Йиглаганлар орасида Алиаскар ҳам бор эди.

***Тамом***

**Азамат К.ОРЖОВОВ**

# МУСОФИР ГЎДАК ЦИСМАТИ - П

***(қисса)*** »

Мухаррир: Салима Бадалбоева
Тех. мухдр: Шерзод Хошимов
Дизайнер: Нодир Шарипов
Оператор: Наргиза Содиқова
Мусаххих: Ибретдим Кўзиев

Теришга берилди 14.11.2012. Босишга рухсат этидци 22.02.2013. K.0F03 бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ гарнитурасида чоп этидци. Шартли босма табоги 12,0. Нашр босма табоги 12,0. Адади 5000 нусха. Буюртма №9.

Нашриёт лицензияси: AI №183. 08.12.10.

***«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди. 100100.***
***Тошкент шсщри, Бобур кўчаси, 22 уй.***
***Тел.: 280-58-01; факс: 255-34-28.***